



Хизматга Бел Боғлаш

Рухи Институти



2-КИТОБ

Хизматга Бел Боғлаш

Рухи Институти

Китоблар туркуми::

Қуйида Руҳи институти томонидан ишлаб чиқилган материалларнинг жорий рўйхати келтирилган. Ушбу китоблар ёшларнинг ва катталарнинг ўз жамоаларига хизмат қилиш қобилиятларини кучайтиришга қаратилган мунтазам ҳаракатларда, асосий курслар кетма-кетлиги сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган. Шунингдек, Руҳи институти болаларга дарслар ўтказиш учун муаллимларни тайёрлашда 3-китобнинг бир йўналиши бўлган қўшимча дастурларни ва ўсмирлар гуруҳи етакчиларини тайёрлаш учун 5-китобдан куртак очган бошқа тўпламлар устида ишламоқда. Буларнинг барчаси рўйхатда кўрсатилган. Шунинг назарда тутиш жоизки, жойларда тажриба ортиб боргани сайин рўйхат ўзгариб боради ва ишлов босқичидаги материалларга умумий фойдаланиш учун тавсия этилувчи янги элементлар қўшилиб боргани сайин қўшимча сарлавҳалар киритилади.

1-китоб	<i>Руҳ ҳаёти ҳақида мулоҳазалар</i>
2-китоб	<i>Хизматга бел боғлаш</i>
3-китоб	<i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 1-Синф</i> <i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 3-китобдан куртак очган 1-курс</i> <i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 3-китобдан куртак очган 2-курс</i> <i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 3-китобдан куртак очган 3-курс</i> <i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 3-китобдан куртак очган 4-курс</i>
4-китоб	<i>Қўша Мазҳарлар</i>
5-китоб	<i>Ўсмирлар кучини озод этиш</i> <i>Дастлабки туртки. (1-қисм)</i> <i>Кенгаядиган доира. (2-қисм)</i>
6-китоб	<i>Амрни ўргатиш</i>
7-китоб	<i>Хизмат йўлидан бирга бормоқ</i>
8-китоб	<i>Баҳоуллоҳнинг Аҳди</i>
9-китоб	<i>Тарихий перспективани эгаллаш</i>
10-китоб	<i>Динамик жамоаларни қуриш</i>
11-китоб	<i>Моддий ресурслар</i>
12-китоб	<i>Оила ва жамоа</i>
13-китоб	<i>Ижтимоий ҳаракатларда қатнашиш</i>
14-китоб	<i>Жамоатчилик дискурсида иштирок этиш</i>

Copyright © 2020, 2025 by the Ruhi Foundation, Colombia
All rights reserved. Edition 2.1.1.PE published in September 2025
Printed in Uzbekistan

Originally published in Spanish as *Levantémonos a servir*
Copyright © 1987, 1996, 2020 by the Ruhi Foundation, Colombia
ISBN 978-958-52941-0-3

Permission for a limited printing of this book in Uzbek has been granted to Institute of Uzbekistan by the Ruhi Institute.

Ruhi Institute
Cali, Colombia
Email: instituto@ruhi.org
Website: www.ruhi.org

Мундарижа

Олиб Боровчи Учун Баъзи Фикрлар	v
Таълим Сурури.....	1
Кўтаринки Сухбатлар	17
Тушунчани Чуқурлаштирувчи Мавзулар.	39

Олиб Боровчи Учун Баъзи Фикрлар

Мазкур китоб, Руҳи Институти томонидан тақдим этилган курслар кетма-кетлиги каторидан иккинчиси. У биздаги мазмунли ва кўтаринки суҳбатларга ҳисса қўшиш қобилиятини ривожлантиришга мўлжалланган. Китобнинг диққат марказида бўлган махсус хизмат тури, учинчи қисмда келтирилган. Жамоа ҳаёти ришталари парокандаликка учраётган замонавий дунёда, жамият ҳаёти учун муҳим бўлган мавзуларни бирга тадқиқ этиш мақсадида дўсту-биродарлар ва кўни-қўшниларнинг уйларига ташриф буюриш тажрибаси маданиятнинг аҳамиятли бир унсури ўларок, тобора ўсиб бораётган изоляция ҳисси томонидан келиб чиқаётган иллатлар учун даво бўлиши мумкин. Ўша қисмда берилишча, шу тариқа яралган ўртоқлик ришталари жонли ва уйғун жамоалар қуриш жараёнини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Маҳалла ёки қишлоқдаги хонадонларга ташриф буюришнинг давомий дастури маълум даражадаги тартиблиликни талаб этади, жумладан бу иш мос равишдаги маъмурий муассаса (институт) ёки хизматлар (агентликлар) томонидан қўллаб қувватланувчи содиқ дўстлардан иборат ўзак гуруҳни ҳам ўз ичига олади. Гуруҳни китоб бўйлаб йўналтирар экан, олиб боровчи иштирокчиларнинг мана шундай давомий бир фаолиятга ҳозирлик кўраётганини эсда тутиши жоиз. Улар учун ташкил этилган ташрифлар улар таҳсилининг таркибий қисми сифатида, ушбу фаолиятда йилдан йилга иштирок этиш учун масъулиятни олиш сари етаклаши керак, зеро бу, хизматга бахшида ҳаётнинг муҳим жиҳатидир.

Руҳий ва ижтимоий аҳамиятга бўлган мавзуларни ўрганишдек алоҳида мақсад билан хонадонларга ташриф буюриш тажрибаси жамоа маданиятини бойитиши аниқ. Кўплаб норасмий мунозараларнинг ҳам хонадонларда, ҳам ишда ва бозорларда юз бериши, бу борада аҳамият жиҳатидан тенгдир. Вақти вақти билан кундалик суҳбатлар давомида руҳий тамойилларни тақдим эта олиш, диққатга сазовор қобилиятдир. Уни ривожлантириш иккинчи қисмининг диққат марказида, чунки шу тарзда учинчи қисм учун пойдевор қурилади.

Бизнинг дўстлар ва қўшнилар билан қурадиган суҳбатларимиз кўтаринки бўлса, биз улар билан бўлган муносабатимизга қувонч келтира оламиз. Биринчи қисмда мурожаат этиладиган “Таълим сурури” мавзуси шу ҳақдадир. Руҳи Институти томонидан таклиф этиладиган барча хизмат турлари, ўз моҳиятида, Баҳоуллоҳ Зухури Уммонидан кашф этилган илоҳий ҳикмат дурларини ўзгалар билан бўлишишни ўз ичига олади. Биринчи қисмни ўрганиш, мана шу саъй-ҳаракатда мужассам бўлган завқни англашда тушунчани кучайтиришга қаратилган. Бир неча бўлимлар давомида иштирокчилардан Оллоҳ Каломи ҳақида ва уни бошқалар билан бўлишишнинг нақадар фойдали эканлиги ҳақида ўйланишлари сўралади. Ушбу фаолиятдан, қисмда таҳмин этилишича, хизмат йўлидан борар эканмиз, қадамларимизни бардам этувчи қувонч, сурур ўсади. Ушбу теран руҳий ҳақиқатга ишончимиз комил бўлсада, агар хизматга хос бўлган сифат ва муносабатлар ҳақида ўйланмасак, таълим сурурини баъзида йўқотишимиз мумкин. Бу ҳақда кетма-кетлик китобларининг кўпларида муҳокама этилади ва мазкур китобдаги 7-бўлим, инқитоъдан бошланади. Баҳой Битикларидан сайлаб олинган парчалар ушбу сифат ҳақида мулоҳаза юритиш учун асос яратадики,

ташқи омиллар хизмат сурурини камайтирмаган тақдирда, инқитоъ унинг муҳим ажралмас сифати бўлиб ҳисобланади. Муҳими шундаки, иштирокчилар таҳсил жараёнидан инқитоъ, бу яккалик ёки бепарволик деган нотўғри қараш билан чиқмайдилар. Борган сайин яхшироқ натижаларга эришиш учун уринар эканмиз, хизматимиз самарадорлигини оширишдаги саъй ҳаракатларимиз суръатини доимо жадаллаштиришга интилишимиз керак. Бу, уринишларимиз табиатини тўғри тушуниб етишни талаб этади ва 8-бўлимда кўриб чиқилади. Кейинги ва якуний бўлимларда хизмат йўлидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган иштиёқ ва шукрона каби икки муносабат тури қисқача муҳокама этилади.

“Кўтаринки суҳбатлар” номли китобнинг иккинчи қисми, шароит тўғри келганда руҳий тамойилларга мурожаат этиб, норасмий суҳбатлар савиясини юксалтириш қобилиятига диққатни қаратади. У турли мавзуларга оид бўлган бир неча ихчам баёлотлардан иборат бўлиб, улар бевосита Абдул-Баҳонинг сўзлари бўлмаса-да, бироқ, у кишининг нутқлари ва мактубларига асосланган, ҳамда, У киши қўллаган жуда кўп сўз ва жумлаларни ўз ичига олади. Умумжаҳон миқёсда олганда, улар турли тоифадаги кишиларнинг орзу-ниятлари ва ғам-ташвишларини сўйлайди. Мазкур баёлотларни ўрганар экан, иштирокчилар Абдул-Баҳонинг руҳий тамойилларни қандай услубда тушунтирганларидан руҳланадилар, ҳамда Баҳоуллоҳ Зухурининг тубида ётган дурларни кашф этишда, Ул Зот таълимотини англаш ва тадбиқ этишда ва уни саҳийлик билан бошқалар билан бўлишишда Абдул-Баҳодан ўрнатилган одатини эгаллайдилар деган умид бор.

Қисм олдига қўйилган мақсадга эришиш учун, иштирокчиларга ҳар бир баёлотни бир неча марта ўрганиш, ғоялар тартибини аниқлаш ва токи ўша ғояларни яхши ҳазм қилиб равон айтиб бера олгунларича машқ қилиш имкониятини бериш керак. Баъзи иштирокчилар аввалига уларни асосан ёд олиб, иложи борида бўлимда қандай берилган бўлса шундайлигича такрорлашга уринадилар. Бу қўйилган ҳол. Ўзбекистон ҳақидаги билимлари ва тажрибалари ўсгани сайин, улар кенгрок мазмундаги матнларга ва бойроқ луғатларга дохил бўладилар ва бу уларнинг бошқалар билан мулоқотларида ўз аксини топиб боради. Олиб боровчи мазкур босқичда эришилиши керак бўлган натижа иккиламчи эканлигини тан олиши керак: 1таълимотни тушунтира олишдаги енгиллик вазни ва 2Абдул-Баҳонинг фикрларига уйғунлик.

Гуруҳ аъзолари ҳар бир баёлотнинг мазмунини тақдим этишни ўрганиб бўлганидан сўнг, ўрганилган ғояларни ўз оилалари, дўстлари ва ҳамкасбларини ташвишлантирадиган масалалар билан мослаштиришга рағбатлантирадиган кейинги топшириққа ўтадилар. Бу ерга келганда, улардан суҳбатларда кўтариладиган баъзи мавзу ва саволлар ҳақида ўйланиб, мулоҳаза давомидида улардан қайсилари ғояларни тақдим этишга имкон беришини аниқлаш сўралади. Бир неча жумлалар орқали бир иккита мисол келтирилиб, Абдул-Баҳо томонидан тараннум этилган руҳий тамойилларнинг қандай қилиб ҳамма жойдаги одамларни ташвишлантирувчи масалаларга ёруғлик киритиши кўрсатилади. Агар олиб боровчи китобни ўрганиш жараёнида ҳар бир иштирокчига баёлотлардан бирини танлаб, улар устида суҳбатлашиши мумкин бўлган бир-икки кишини топишда ёрдам берса, бу топшириқ янада яхшироқ самара беради. Шундай қилиб, иштирокчилар биргаликда учрашганларида, ўтказган суҳбатларининг динамикаси ҳақида бир-бирларига айтиб беришлари учун махсус вақт ажратиш мумкин.

Қисмдаги ҳар бир бўлимга ёд олиш учун Баҳоуллоҳ Битикларидан келтирилган парчалар киритилган. Руҳи Институтининг ёдлашга урғу бериши аллақачон кетма

кетликдаги биринчи китобда бор бўлиб, иккинчи китобда у янада кўпроқ изҳор этилади. Бу пайтга келиб, иштирокчилар вақти-вақти билан Битиклардан олинган парчаларни эсга олишдан пайдо бўладиган руҳий озукани яхши англай олишлари назарда тутилади. Ушбу китобда улар, Оллоҳ Каломининг инсон юрагига кўрсатадиган таъсири ҳақида фикр юритишда давом этадилар ва учинчи қисмда, худди иккинчи қисмдагидек улар, Битиклардан олинган тамойил ва ғояларни ўз нутқларида тақдим этишни, ҳамда ўрни келганда тўғридан-тўғри иқтибосларни қўллашни ўрганадилар. Таълимотни бошқаларга тоза шаклда узатиш учун аниқ равишда тушунтириш, хизмат йўлидан борар эканмиз, ҳар биримиз ривожлантиришимиз керак бўлган қобилиятдир. Буни бошлашда мукаммал бўлган нуқта, Абдул-Баҳонинг тушунтиришларини ўрганиш ва уларни Ул Зот услубида изҳор этишга ҳаракат қилиш иккинчи қисм таркибининг негизини ташкил этади.

Юқорида кўрсатилганидек, “Теран мавзулар” деб номланган учинчи қисм, мазкур китобда мурожаат этилган хизмат фаолиятига қаратилган, яъни жамоа ҳаёти учун аҳамиятли бўлган суҳбатлар қилиш мақсадида, дўстлар ва қўшнилари хонадонларига ташрифлар буюриш. Қисмда суҳбатларнинг уч тури назарда тутилади ва улардан ҳар бири учун махсус мазмун таклиф этилади. Биринчи турдаги суҳбатлар қатор мавзулар атрофида бўлиб, уларни қишлоқ ёки маҳалла яшовчилари билан биргаликда мунтазам ташрифлар дастури ичида ўрганиш мумкин. Қизиқишни кўрсатган тингловчилар билан эътибор қаратилган мазмунлар турли йўллари билан баҳам кўрилсада, мавзуларнинг муҳим бўлиб қолувчи асл мақсади - хонадон аъзоларининг Ўтиқод ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришдан иборат. Демакки, қисмнинг катта улуши мана шу турдаги суҳбатларга қаратилган.

Охириги йилларда хонадонларга ташриф буюриш тажрибаси янгича йўсин олди, айниқса, қишлоқдан тортиб шаҳардаги қўшничилик миқёсидаги кичик-кичик жуғрофий ҳудудларда олиб боровчилар, ўсмирлар гуруҳлари етакчилари, болалар машғулотларини ўтказадиган ўқитувчилар сифатида фаолият юрита оловчи шахсларнинг ўсиши кузатишмоқда. Бундай тажриба ўзининг нафақат Ўтиқод ҳақидаги билимни тарқатишда муҳимлигини кўрсатди; у шунингдек, ўсмир ёшларга маънавий куч бағишлаш ва болалар ахлоқий тарбияси дастурининг муваффақиятли ривожини учун ҳам аҳамиятлидир. Бунда, етакчи ва ўқитувчилар томонидан ёш иштирокчиларнинг ота-оналари ҳузурига дастурлар шакллантирган тушунчаларни муҳокама қилиш учун мунтазам ташриф буюриши кераклиги аниқ бўлди. Бундай муҳокамалар иккинчи суҳбат туридан иборат бўлиб, 14 ва 15 бўлимларда қараб чиқилади. Ушбу бўлимларнинг мазмуни/контенти унчалик кенг эмас, чунки иштирокчилар тарбиявий дастурларни кейинги курсларда чуқурроқ ўрганадилар. Аммо, уларга болалар синфи ўқитувчилари ва ўсмир ёшлар гуруҳлари етакчиларига ота-оналарга ташриф буюришда ҳамроҳлик қилишдек дастлабки босқич учун бундай турдаги суҳбатлардан воқиф бўлишлари ўта самаралидир.

Қисмда назарда тутилган суҳбатнинг учинчи тури махсус мақсад учун қаратилган. Кўплаб ёш йигит-қизлар ўзларидаги оламни яхшилаш тилаги ўз ифодасини топадиган майдонни излайдилар. Улар жамиятни ўзгартиришга лаёқатли бўлган, ҳали қўл тегмаган улкан салоҳият заҳирасига эгадирлар. Уларнинг ёшлик даврига хос бўлган антиқа масъулият ва имкониятлар ҳақида тенгқурлари орасида юритадиган мулоҳазалари, айниқса улардаги барча қувват ва ғайриоддий салоҳиятни инобатга олганда, аксарият ҳолларда, хизмат атрофидаги муҳокамаларга олиб келади ва дунё бўйлаб қишлоқ ва маҳаллаларда олиб борилаётган ишга бўлган қизиқишларини уйғотади. Ўз навбатида, уларнинг кўпчилиги болалар машғулотини ўтказадиган ўқитувчи ёхуд ўсмирлар гуруҳи етакчиси сифатида келажак авлодни парваришlashда

маънавий тарбияни таъминлаш учун ўз қобилиятларини ўстирадиган восита сифатида институт курсларида қатнашиш таклифини жон деб қабул қиладилар. 9 ва 10 бўлимлар мана шундай суҳбатлар учун керакли бўлган баъзи ғояларни тадқиқ этади.

Кишиларни мазмунли суҳбатларни бошлаш ва уларни давом эттиришга лаёқатли этадиган қобилиятни кучайтириш учун, қисм албатта, таклиф этилган мавзулар ва матнлар мазмунидан четга чиқади. Ғояларни маълум аниқлик билан ифода этиш қобилиятидан ташқари, иштирокчилар ўзларида зарурий муносабат ва руҳий сифатларни ҳам ривожланиришлари керак бўлади. Бу қисмда келтирилган ҳикояларнинг кўпини чертиб ўтади, аммо уларнинг қўйилган масаладаги муҳимлиги 4 бўлимда яққол очилган ва унда иштирокчилар ташрифга тайёргарлик кўраётганда бизнинг қалбимиз ва фикримиз қандай ҳиссиётлар билан тўлиши кераклиги ва 5 бўлимда эса, итоат ва тавозеъ сифати ҳақида ўйланадилар. Олиб борувчи бу бўлимларнинг иштирокчилар томонидан етарлича эътибор қаратилганига амин бўлиши керак, зеро ҳар қанча билимга эга бўлмайлик, ғояларни ҳар қанча чечанлик билан изҳор этмайлик, суҳбатларимиз самараси биз уларга қўшадиган муносабат ва сифатларга боғлиқдир.

Мазкур китоблар қаторида ифода этиладиган хизмат фаолиятлари, жамоа ривожини учун қанчалар марказий бўлмасин, шахснинг ўқиб ўрганиш ва амал қилиш қобилиятини ўстириш жараёнидан устун бўлган унсурладир. Ҳар бир олиб борувчи фаолият турларининг бири бирини мустақамлаши ва китобдан китобга қараб мураккаблашиб боришини тушуниши керак. Ҳар бир фаолият турини муваффақиятли бажара олиш, кейингиларини ижро этишда муҳимдир. Хонадонларга буюрилган қатор ташрифлар мобайнида ўтадиган суҳбатлар давомийлигини сақлашни ўрганиш, 1 китобда таклиф этилган яқка ҳолатда ёки бошқалар билан ҳамкорликда мунтазам дуо учрашувларини ўтказишга нисбатан мураккаброқдир. Иштирокчиларга кейинроқ учрайдиган мураккаброқ хизмат турларини бажаришлари учун, улар бу ерда айтилган қобилиятларни ўзларида ривожлантиришлари керак бўлишини кўриш қийин эмас.

1-Китобнинг кириш қисмида айтиб ўтилганидек, дунё бўйлаб институт курслари иштирокчиларининг келиб чиқиши турлича бўлиб, уларнинг Баҳой таълимоти тамойиллари билан даставвал таниш бўлишлик даражаси ҳам турличадир. Мазкур иккинчи китобни ўрганишга киришган пайтларига келиб, улардан ҳар бири шубҳасиз, курслар очиб берган хизмат йўлига одим ташлагандир. Бироқ, баъзи бир фарқлар мавжуд бўлиб қолади. Масалан, ёшларга келганда, агар улар болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган таълим дастурларини ўтмаган бўлсалар, улар учун бу китобда тақдим этилган кўпгина хабар ва мавзулар янги бўлиши мумкин, уларни ўрганиш давомида ўзларининг Эътикод ҳақидаги билимларини чуқурлаштирадилар. Бу борада олиб борувчи ҳар бир иштирокчида тушунчани ўстирувчи ижодий ёндошув ва хайрихоҳлик кўрсатиши, ҳамда айни пайтнинг ўзида курснинг асосий мақсадига эришишни таъминлаши керак бўлади, яъни иштирокчиларга кўтаринки ва мазмунли суҳбатларда қатнашиш имконини бериши керак. Қолаверса, бу китоб қўлланилаётган минглаб аҳоли пунктларида, китобнинг ҳар уччала қисми ҳисса қўшишга интиладиган жамоа қуриш жараёни ҳамма жойда ҳам бир хил ривожланиш босқичида эмас. Шу тариқа, ўрганилаётган материалнинг ҳаётга тадбиқ этилиши жой-жойига қараб турлича шаклда ўз ифодасини топиши мумкин, бу ҳам ўз ўрнида, китобни ўрганиш жараёнида олиб борувчининг қандай қилиб ҳар бир иштирокчининг эҳтиёжига жавоб беришда эътиборли ва мулоҳазали бўлиши кераклигини кўрсатади.



Таълим Сурури

Мақсад

Таълим сурури Оллоҳ Каломини ўзгалар билан бўлишиш жараёнининг ўзида намоён бўлишини қадрлаш.

1-БЎЛИМ

Хизмат учун кўтарилиш Руҳи Институтини томонидан таклиф этиладиган курслар кетма кетлигидан иккинчиси бўлиб, таҳсил ва фаолиятни бирлаштиришга интилади. Унинг мақсади, шахсий руҳий ва интеллектуал ривожингиз, ҳамда жамият трансформациясига ҳисса қўшишга интилишдек ўз иккитомонлама вазифангизни амалга оширар экансиз, ўзингиз қадам қўйган хизмат йўлидан боришда олдинга силжишингизда сизга ёрдам беришдир. Биринчи курсдаги иштирокингиздан аллақачон тушунганингиздек, биз мурожаат этаётган йўл, қатор хизмат турлари билан белгиланганки, Баҳоуллох Битикларида назарда тутилган янги Дунёвий Тартибот мақсадига нигоҳни қаратган ҳолда бажариладиган фаолиятдир. “Хизмат йўлидан бормок” деганда нималар кўпроқ назарда тутилиши, шу сабаб, Ул Зот таълимотини ўз ҳаётимизда ва инсоният ҳаётида тадбиқ этишдан иборат. Ўз Зухурлари ҳақида Ул Зот шундай дейдилар:

“Эй бандаларим! Менинг муқаддас аҳадиятим Зухурини қаърида буюк қимматга ва беқиёс жилвага эга бўлган саноксиз дурлар пинҳон ётган уммонга ўхшатиш мумкин. Ҳар бир толибнинг бурчи - ўз жаҳду-талабининг камарини боғлаб, ўшал уммон соҳилларига талпинмоқдирким, токи ўз интилишларининг жаҳду-талабига мувофиқ равишда, Оллоҳнинг барқарор ва ниҳон Лавҳларида олдиндан белгилаб қўйилган ўз улушини олсин.”¹

Ушбу биринчи бўлимда, фикрларимиз Баҳоуллох Зухурининг уммонида ётган донолик дурларни кашф этиб, уларни бошқалар билан бўлишар эканмиз, қалбимизни тўлдирадиган сурурга қаратилади. 1 Китобни ўрганишингиздан аллақачон кўрдингизки, Ул Зот Битикларида топиладиган илоҳий ҳидоятнинг дурлари нақадар нафис гўзал. Келинг, улардан олинган бир неча парчалар устида мушоҳада этайлик:

“Оллоҳ Каломи мисли чироқдир, унинг нури ушбу сўзларда: Сиз бир дарахт меваларию, бир новда япроқларисиз.”²

“Инсоф Мен учун ҳамма нарсадан маҳбубдир; гар Мени десанг уни тарк этма ва аминлигимни истасанг ундан ғофил қолма.”³

“Ўзингиз яшаётган аср эҳтиёжларига бор қалбингиз билан киришинг ва фикру-ёдингизни унинг талаб ва эҳтиёжларига жамланг.”⁴

“Барча инсонлар мангу ривожланувчи цивилизацияни олдинга суриш учун яралганлар.”⁵

“Дунё ўтар кетар, Оллоҳ муҳаббати абадул абад қолар.”⁶

“Дунё ўтар кетар, Оллоҳ муҳаббати абадул абад қолар ...”⁷

Ушбу қисқа парчаларни бирон муддат ичида ёдлашни истарсиз, эҳтимол.

2-БЎЛИМ

Мазкур қисмнинг асосий мавзуси устида мулоҳазаларингизни бошлар экансиз, олдинги бўлимдаги парчани қайта ўқиб, қуйидаги машқни бажаринг.

1. Қуйидаги жумлаларни яқунланг:
 - а. Ўз _____ Баҳоуллоҳ Зухурининг уммони _____ бизнинг _____.
 - б. Баҳоуллоҳ Зухурининг уммонининг соҳилларига етишмоқ учун ҳаракат қилиш керакки, токи Оллоҳнинг барқарор ва ниҳон лавҳларида олдиндан белгилаб қўйилган _____.
 - в. Бизнинг Баҳоуллоҳ Зухурининг уммонидан оладиган фойдамиз _____ мувофиқ равишда бўлмай.
2. Ўз “камарини боғлаб” дегани нимани англатади? _____
3. “Талпинмоқ” нима маънони англатади? _____
4. “Талпинмоқ” нима маънони англатади? _____
5. “Талпинмоқ” нима маънони англатади? _____
6. Баҳоуллоҳ айтадиларким, Ул Зот Зухурлари уммонидан биз ўз саъй-ҳаракатларимизга мувофиқ равишда инъом оламиз.
 - а. Ушбу инъомларни қабул этишда бизни лаёқатли этадиган баъзи бир ҳаракатларга мисоллар келтиринг: _____
 - б. Биз қабул этадиган инъомларга мисоллар келтиринг: _____

3-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ Зухурининг ўзида бебаҳо жавоҳирларни мужассам этган уммон эканлигини билиб олгач, ҳар биримиз унинг инъомларидан баҳраманд бўлиш учун бор саъй-ҳаракатимизни сарфлаймиз ва унинг соҳилларига етишишларида бошқаларга ҳам ёрдам берамиз. Аммо, бу уммон биздан қанчалик олисда жойлашган? Баҳоуллоҳ шундай дейдилар:

“Эй бандаларим, Ягона Ҳаққ Оллоҳ Менинг гувоҳим! Бу улуғвор, тубсиз ва мавж уриб ётган Уммон сизга жуда яқин. Хайратомуз даражада яқиндирки, қаранг: у сизга шоҳтомирингиздан-да яқинроқдир. Биргина истак ила бир ондаёқ, унга етишишингиз ва унинг Самадий фазлига, Субҳоний фазлига, Раҳмоний неъматларига, ва Қудратли Карамининг Иззати таърифларга сизга етишишингиз мумкин.”⁸

1. “Бу улуғвор, тубсиз ва мавж ураётган Уммон” жумласи нимага тегишлидир?

2. Бу уммон бизга қай даражада яқин? _____

3. Бу уммон бизга қай даражада яқин? _____

4. Бу уммон бизга қай даражада яқин:

а. Баҳоуллоҳ Зухурининг уммони бизга _____,
_____ даражада _____.

б. Баҳоуллоҳ Зухурининг уммони бизга _____ яқинроқдир.

в. _____ унга
етишмоғимиз ва Унинг Зухури уммонидан баҳраманд бўлишимиз мумкин.

г. Биргина истак ила бир ондаёқ, _____ ва
Унинг Самадий фазлига, Субҳоний фазлига еришишимиз мумкин.

4-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ Зухури Уммонининг соҳилларига етишгач, биз унинг хазиналаридан ўз улушимизга эга бўлиб, ундаги илоҳий ҳидоят дурларини эркин ва беминнат ўзгалар билан бўлишамиз; бу дурларни биз ўз мутолаа ва мушоҳадамизда, ибодатимизда, ҳамда Унинг Амри ва инсониятга хизматимизда бўлган ҳаракатларда мунтазам кашф этиб борамиз. Ушбу масъулиятнинг муқаддаслигини ҳар доим ёдда сақлаш учун, эҳтимол сиз қуйидаги парчани ёд олиш учун вақт ажратасиз:

“Эй Оллоҳ йўлидан бораётган мусофир! Унинг марҳамат уммонидан ўз насибангни ол ва унинг қаъридаги пинҳон ганжиналардан ўзингни маҳрум этма. Унинг хазиналарига етганлардан бўл. Ушбу уммондан арзу-самодаги борлиққа тўкилгувчи бир қатра, уни Алийм ва Қодир Оллоҳ розилиги билан тўкис инъом айлаши мумкин. Дунёдан халос қўллар билан ушбу ҳаётбахш сувдан ҳовучлаб олинг ва уни бутун мавжудот узра сепингким, уларнинг барчаси инсоний дунё чегараларидан покланиб, мунаввар ва муқаддас даргоҳдаги Қудратли Оллоҳ тахтига яқинлашсинлар.”⁹

5-БЎЛИМ

Институт курслари орқали улар талаб этган таҳсил ва фаолиятни амалга ошириб олдинга силжиб борар эканмиз, бизнинг хизмат қилишга бўлган қобилиятимиз ўсиб боради, ҳамда биз қалбимизга чексиз сурур баҳшида этадиган хизмат турларини бажаришга ва ўз иккитомонлама мақсадимизни амалга оширишга қодир бўламиз, яъни болалар маънавий тарбиясидаги ахлоқ дарсларида ўқитувчилик қилиш, ўсмир ёшларни уларнинг руҳан кучга тўлдирадиган дастурга жалб этиш ва дўстлар гуруҳига асосий кетма-кетлик курсларини ўрганишда ёрдам бериш. Ушбу саёҳат мобайнида, биз ёшу қари бўлмасин, барча билан бўлишадиган Оллоҳ Каломи биз учун доимий илҳом манбаи бўлиб қолади. Демакки, унинг кучи ва қалбларга таъсири ҳақида тез-тез мушоҳада юритиш лозим. Қуйидаги иқтибосда Баҳоуллоҳ бу куч ҳақида айтадилар:

“Оллоҳ Каломини инсонлар юрагида илдиз отган ниҳолга қиёслаш мумкин. Унинг илдизлари мустаҳкамлашиб, шохлари фалакдан-да юксакларга етиши учун, сиз уни ҳикмат кавсарининг сувлари, пок ва муқаддас каломлар ила парвариш этмоғингиз лозим.”¹⁰

1. Оллоҳ Каломини нимага қиёслаш мумкин? _____

2. Оллоҳ Каломи қаерда илдиз отган? _____

3. Биз бу дарахт ўсиши учун уни қандай парваришлашимиз керак? _____

4. Бу дарахт қандай баландликкача ўсиши мумкин? _____

5. Оллоҳ Каломини бошқалар билан баҳам кўришнинг нега бу қадар муҳимлигини бир неча жумлаларда изоҳлаб беринг.

6-БЎЛИМ

Келинг, кундалик ҳаётимизда нималар билан шуғулланишимиз ҳақида ўйлаб кўрайлик. Биз ўз танамизнинг эҳтиёжларини қондирамыз. Биз янги билимларга эга бўлиш ва ақлий салоҳиятимизни кенгайтириш учун таҳсил оламыз. Жамиятнинг самарадор аъзоси бўлиб яшашга қодир бўлиш учун биз ишлаймиз ва кўникмаларимизни ривожлантирамыз. Биз спорт ва кўнгилочар машғулотлар билан шуғулланамиз. Бизнинг ақлий ривожланишимиз ва моддий фаровонлигимизни таъминлашга қаратилган бундай машғулотлар вақтимизнинг катта қисмини эгаллайди. Бироқ, ҳар бир ўтган кунимизда руҳан қувват ила суғорилган махсус лаҳзалар бор, яъни, биз ибодат қиладиган, илоҳий билимимизни мустақил равишда ёки биродарларимиз билан биргаликда теранлаштирган ёинки Оллоҳ Ўз саховати билан одамлар қалбини Баҳоуллоҳ Зухурларининг соҳилларига етаклашимизга ёрдам берган вақтимиздир. Бундай лаҳзалар ҳар қандай қиёсдан устун эмасми? Бундай самовий марҳамат бахш этган шодликдан азимроқ бўлган сурур борми?

Биз Абдул-Баҳонинг ўзимизни инсоният равнақига бағишлашга рағбатлантирганини ҳамиша ёдда тутмоғимиз лозим:

“Бизнинг ҳаммамиз ягона илоҳий мақсадда бирлашганмиз, ниятимиз моддий эмас, Илоҳий Муҳаббатни олам аро ёймоқ жўшқин/мўътабар тилагимиздир!”¹¹

1-Бўлимда ёд олган иқтибосларни дўстингиз билан бўлишиш имконияти туғилди деб фараз қилинг. Қалбингиз ҳис этадиган шодлик қаердан келади? Дўстингизнинг Баҳоуллоҳ каломларидан руҳланишига умид қилишингиз табиий. Бироқ, у сиз кутганчалик иштиёқ кўрсатмасачи? Қалбингиздаги шодлик шунчаки сўнадими? Нега сўнмайди?

7-БЎЛИМ

Кундалик ҳаётимизда амалга оширадиган жамийки ишларимиз орасида Оллоҳ Каломини бошқалар билан баҳам кўрадиган онлар ўзгача хайрли эканлигини англашдан, шодлик сурурининг айнан таълим жараёнининг ўзида деган муҳим хулосага келамиз. Биз бажарадиган хизмат турлари арзирли самар келтиради деб умид қиламиз албатта, аммо биз натижага қаттиқ боғланган бўлсак ва ҳаддан ташқари мактовга ёки танқидга берилсак, унда биз таълим сурурини йўқотиб қўямиз. Бизни илҳомлантирадиган нарса муваффақиятга, фойдага эришиш истаги, ўзгалар томонидан эътироф этилишимиз ёки олқишларга сазовор бўлишимиз эмас, балки, Оллоҳга бўлган муҳаббат бўлмоғи лозим. Буларнинг барчасини инқитоъ этиш (кўнгил узиш) таълимнинг сурурини таъминлайдиган шарт ҳисобланади. Қуйидаги иқтибосларни ўрганиш сизга ушбу мавзу устида мулоҳаза юритишда ёрдам беради.

“Эй, икки кўз соҳиби! Бир кўзингни юмгину, бошқасини оч. Кўзингни юм, яъни, дунё ва ундаги жамийки нарсаларга. Кўзингни оч, яъни, Маҳбубнинг қудсий Жамолига.”¹²

“Эй, дўстлар! Фоний Жамолни деб боқий Жамолдан воз кечманг ва тупрок дунёсига кўнгил боғламанг.”¹³

“Эй, дўстлар! Фоний Жамолни деб боқий Жамолдан воз кечманг ва тупрок дунёсига кўнгил боғламанг.”¹⁴

“Эй, Ягонага бегона! Қалбинг чироғи Менинг қудратим қўли ила ёкилгандир, уни нафсу-ҳавонинг муҳолиф еллари ила сўндирма. Сенинг барча иллатларинг табиби Менинг зикримдир, буни унутма. Муҳаббатимни ўзинг учун сармоя эт, уни кўз қорачиғи-ю, жонингни азиз айлагандек сақла.”¹⁵

“Инқитоъ мисли қуёшдир: қай юракка нур сочмасин, у ундаги ҳирсу-ҳавас ва худбинлик оловини ўчиради. Нигоҳи идрок шуъласидан мунаввар бўлган киши, шубҳасиз, бу дунё ва ундаги ўткинчи нарсаларга кўнгил қўймайди... Дунё ва ундаги иллатлар сизни хафа қилишига йўл қўйманг... Бойликдан беҳуда ғурурга тўлмайдиган ва фақирлик қайғуга солмайдиган инсон бахтиёрдир.”¹⁶

1. Бу дунёнинг илинжларини инқитоъ этиш дегани зоҳидларча ҳаёт кечириш деган маънони англатадими? _____
2. Моддий бойликларга эга бўла туриб ҳам, бу дунёнинг илинжларидан кўнгил узиш мумкинми? _____
3. Ўз ҳаётининг қарийб ҳар бир соатини ишига бағишлайдиган кишини бу дунё илинжларидан кўнгил узган деб аташ мумкинми? _____

4. Фақат ўзининг асосий эҳтиёжларини қондириш даражасидагина ишлайдиган, бошқа пайти эса, ҳеч нима билан шуғулланмайдиган кишини бу дунё илнжларидан кўнгил узган деб бўладими? _____
5. Хизмат майдонида моддий қулайсизликларга чидай олмайдиган инсон дунёдан инқитоъ этганми? _____
6. Моддий омиллардан ташқари биз жуда кўп нарсаларга боғланган бўлишимиз мумкин. Агар сиз қуйидаги вазиятлардаги киши бўлсангиз, унда сиз нимага кўнгил боғлагансиз
- у бажарган хизматнинг қадрига ҳеч ким етмаса, қилаётган ишини ташлаб қўйяди? _____
 - у таклиф этган ғояларни кимдир қабул қилмаса, тушқунликка тушади? _____
 - бошқалар уни рад этишидан кўркиб, ўз эътиқодини яширади? _____
7. Инқитоъ яққаланиш ёки беғамликни англатмайди. Қуйидагилардан қай бири кишининг инқитоъ этмаганлигининг белгиси бўлиши мумкин?
- _____ бошқаларнинг муваффақиятини кўришдан хурсанд бўлиш
 - _____ бир неча болалар ўзини ёмон тутгани учун дарс ўтишни тўхтатиш
 - _____ ўз муваффақияти билан мақтаниш
 - _____ тиришқоқлик билан таҳсил олиб, эришилган ютуқлардан қониқиш
 - _____ умумбашар равнақи учун хизмат қилиш қобилиятини ривожлантириш учун тер тўкиш
 - _____ ўз машғулотларида комилликка эришиш учун уриниш
 - _____ тозалikka риоя қилишга ва уйни тоза-саранжом тутишга интилиш
 - _____ ўз нарсаларидан бохабар бўлиш
 - _____ ўзгалар равнақи учун ғамхўрлик қилиш
 - _____ уринишлари мақталмаса, хафа бўлиш
8. Ҳар биримиз учун инқитоъ ўта муҳимки, сизга ушбу бўлимдаги барча иқтибосларни ёдлаш тавсия этилади.

8-БЎЛИМ

Инсониятга хизматдан шодон ҳаётнинг файзидан баҳраманд бўлиш учун, биз саъй-ҳаракат кўрсатишни исташимиз ва бу ҳаракатларимиз баъзи даражадаги фидоийликни талаб қилади. Биз кундалик ҳаётимизда “фидоийлик” деган сўзни тез-тез учратамиз. Агар дўстимиз эрта тонгда сафардан қайтиб келса, уни кутиб олиш учун вақтлироқ уйғонамиз. Бинобарин, ўз уйқумизнинг бир неча соатини фидо айладик деб айтсак бўлади. Агар яқинларимиздан биронтаси ҳасталаниб қолса, унга ғамхўрлик қилиш учун кўнгилхушлик вақтимиздан бир неча соатини қурбон қиламиз. Ҳаётда шундай вақтлар бўладики, жуда кўп ишлашга тўғри келади, шунда биз мақсадимизга эришиш учун қулайликлардан воз кечиб, уларни қурбон қилаяпмиз деб қарашимиз мумкин.

Ҳаммамизда саҳийлик билан ўз вақтимиз ва қувватимизни, ҳамда имкон қадар ўз моддий заҳираларимизни бағишлаб, Амрга хизмат қилишдек улкан орзуйимиз бор. Шу тариқа йўл тутиб, шуни эсда тутишимиз керакки, хизмат йўлида ушбу дунё ашъёларидан воз кечамиз, ҳамда руҳий ривожимиз асносида биз айнан чинакам шодликка тўлаамиз. Кейинги курслар давомида бизда фидоийликнинг табиати ҳақида кўпроқ мулоҳаза юритиш имкони ҳали бўлади. Бу, дарахт пайдо бўлиши учун худди уруғ ўзини қурбон қилишидек, юксакроқ нарса учун тубанроқ нарсадан воз кечишни назарда тутишини аввал бошдан англашимиз керак. Фидоийлик шодлик даракчисидир, токи узлуксиз уринишларни амалга оширмас эканмиз ушбу шодликка эришолмаймиз.

Баҳоуллоҳ таъкидлайдилар:

“ Мехнат қилмоғимиз керак, гар Унга етишмоқ истасак; жону-жаҳд ила ёнмоғимиз керак, гар Унинг васли шахидан тотмоқ бўлсак; ва ушбу жомга гар киши тегизса лаб, оламни унутажак.”¹⁷

Абдул-Баҳо шундай насиҳат қиладилар:

“... ўзингизга ором берманг, ҳаловат изламанг, бу фоний дунё лаззатларига талпинманг, ҳою-ҳаваслардан покланинг, жону-дилдан мехнат қилингким, Илоҳий Салтанатга нойил бўлгaysиз. Самовий хазиналарни қўлга киритингким, қалбингиз кундан-кунга ёришиб, Аҳадият Даргоҳи томон яқинлашгaysиз.”¹⁸

Барчамиз ишонамизки, ўз мақсадларимизга эришиш учун саъй-ҳаракат кўрсатишимиз керак. Бироқ, бундайин оддий таъкид маълум бир амалий натижаларга олиб келишини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим. Авваламбор, қўйилган мақсад ва вазифаларнинг мураккаблик даражаси ва уларни бажариш учун талаб этиладиган қувват ҳажми орасида мутаносиблик борлигини ёдда тутиш зарур. Уларга камроқ харажат билан эришиш мумкин деб ўйласак, ўзимизни алдаган бўламиз. Бунда нафақат иш миқдори ўлчамини назарда тутиш керак. Узлуксизлик/мунтазамлик ва қунт керак. Дикқатни жамлаш керак. Вазифаларни бирини бошлаб, иккинчисига сакрамасдан, охирига етказмай ташлаб қўймасдан ишни якунига етказиш одати жуда муҳимдир. Ярим чала ишлар самара келтирмайди. Ҳафталик болалар машғулотини тасаввур қилинг. Ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёргарлик кўриш учун маълум вақт ажратиши керак, дарс давомида ўқувчиларга мавзунини тушунишларида ёрдам бериш учун диққати жамланган бўлиши керак, болаларнинг ота-оналари билан мунтазам учрашиб, ҳафтадан ҳафтага

кадар уларнинг ривожини кузатиб бориши керак. Агар ўқитувчи дарсларга онда-сонда тайёргарлик кўрса, чарчаганида дарсларни фурсатдан олдин ва тўсатдан тугалласа, ҳар бир бола ҳақида фикрлаш ва ота-оналар билан болаларининг ютуқлари ҳақида мулоҳаза юритишга вақт ажратмаса – бундай фаолиятнинг ҳоли нима бўлади? Ёинки ҳар гал ўқитувчи бошқа бир ишни бажаришни, масалан бошқа шаҳардан келган дўсти билан вақт ўтказишни истагани учун болалар машғулоти бекор қилинса, унда нима бўлади?

Бу каби келтирилган баъзи изоҳлар, бизга бошлаган ҳар бир ташаббусимизда ҳам микдорга ва ҳам сифатга эътибор беришимиз кераклигини ишонтиришга қаратилгандир. Бу, нафақат биз бажараётган хизмат турларига, балки шахсий ривожимизга ҳам тенг равишда тааллуқлидир. Ҳатто мазкур сериядаги биринчи китобда қараб чиққан руҳий одатларимиз, яъни мунтазам дуо ўқиш, кундалик Битиклар мутолаа қилиш, ҳаётимизни таълимот тамойилларига мослаш ҳақида мулоҳаза юритиш, дуо учрашувларида тўласинча иштирок этиш кабилар ҳам доимий уринишларга боғлиқ. Қуйида уринишларга тегишли бўлган қатор таъкидлар келтирилган. Улардан қайсилари тўғрилиги ҳақида фикрлаш ушбу савол юзасидан чуқурроқ ўйланишга ёрдамлашади:

- _____ Агар сиз ақлли бўлсангиз, кўп куч сарфлаб меҳнат қилишингиз керак эмас.
- _____ Узун йўл билан кетишнинг кераги йўқ, ҳар доим қисқа йўлни изланг.
- _____ Ётар тошнинг остига сув окмайди.
- _____ Катта-катта орзуларни қур; улар албатта амалга ошади.
- _____ Мукофот қанча катта бўлса, интилиш шунча катта бўлади.
- _____ Қанча кўп меҳнат сарфласанг, мукофоти шунчалик ширин бўлади.
- _____ Аввалига ҳеч нарса қўлингиздан келмаса, қайта ва қайта ҳаракат қилинг
- _____ Модомики, бошқаларни ўз ўрнингизга ишлата олар экансиз, нима қиласиз ишлаб?
- _____ Агар бу кўп меҳнат талаб қиладиган бўлса, демак бунинг амалга ошиши амримаҳол.
- _____ Кичик қадамлар, агарда улар узлуксиз ва тез суръатли бўлса, муваффақиятга келтириши мумкин.
- _____ Арзирли нарсаларга осонликча эришиб бўлмайди.
- _____ Мукамаллик беминнат садоқатни талаб қиладир.
- _____ Минг харсанглик саёҳат, бир қадамдан бошланар.
- _____ Вазиятдан амаллаб чиқиб олишнинг ўзи кифоя эмас.
- _____ Бирон нарса содир бўлишини кутиб ўтиришимиз керак эмас; ўзимиз ҳаракат қилишимиз керак.
- _____ Муваффақият, бу омаднинг иши.
- _____ Ўз иккитомонлама мақсадимизга афсонавий равишда етишмаймиз.
- _____ Ҳар куни ўзимизга ҳисобот беришимиз керак.

Биз ўз руҳий ва ақлий ривожимизни олдинга силжитиш, ҳамда жамият равнақиға хисса қўшишға интилиш орқали хизмат йўлидан борамиз. Равшанки, ушбу иккитомонлама мақсадимизға эришиш, биздан аҳамиятли хатти ҳаракатларни талаб қилади. Баҳоуллоҳ шундай дейдилар:

“Бекиёс Яратгувчи барча инсонларни ягона моддадан яратди ва уларнинг моҳиятини Ўзининг бошқа барча яралмишларидан юксалтирди. Шунинг учун омад ёки омадсизлик, ютиш ёки ютқизиш инсоннинг шахсий саъй-ҳаракатларига боғлиқдир. Ўз уринишларида қанчалик қатъиятли бўлса, шунчалик олдинга силжийди.”¹⁹

Уқорида келтирилган парчани ҳануз ёд олмаган бўлсангиз, энди уни ёдлашингиз мумкин.

9-БЎЛИМ

Хизматдан шодланишға қодир бўлиш учун, биз ўзимизда маълум бир муносабатларни парваришлашимиз керак. Масалан, Оллоҳнинг бизға ҳиммат ила иноят этган хизмат қилиш тухфаси учун шукр қилишимиз керак; Унинг Амрига хизмат қилар эканмиз, Унга миннат кўрсатяпмиз деган тасаввурға бориш асло ўринсиз. Шунингдек, пессимизмдан қочишни ўрганишимиз ва ҳаётға оптимистик дунёқараш билан ёндошишимиз керак. Ҳатто, машаққатли вазиятларда ҳам биз келажакка ишонч кўзлари билан қараймиз. Абдул-Баҳонинг қуйидаги сўзлари бизнинг саъй-ҳаракатларимизни ифодалаши керак бўлган умид ва кўтаринкилик ҳақидадир:

“ Уруғ аввалида қанчалик кичик бўлмасин, оқибатда у, улкан дарахтдир. Уруғға эмас, дарахтға, унинг гуллари, барглари ва унинг меваларига қаранг.”²⁰

“Демакки, шу кичкина бир уруғнинг ҳаётий аҳамиятға моликлигини идрок этинг, ҳақиқий Дехқон уни иноят қўллари билан Тангрининг шудгорланган далаларига экди, файзу-рахмат ёмғирлари билан суғорди, энди эса, Ҳақиқатнинг Кундузги Ёритқичининг нури ва тафти остида униб-ўстирмоқда.”²¹

“ Дарахтнинг униб-ўсишини кўрганингизда, унинг самарига қўз тикинг. Вақти келиб, у гуллайди ва мева беради. Агар сиз қуриган ёки қариган дарахтни кўрсангиз, уларда мевадан умид йўқ.”²²

“Шу боис, Оллоҳнинг маҳбублари ушбу умид дарахтини тер тўкиб, ўз уринишларининг сувлари билан унга қарашлари, уни озиклантиришлари ва парваришлашлари керак.”²³

“Гар юрак Оллоҳ юборган марҳаматлардан ўғирилса, қандай қилиб у, бахтға умид қила олгай? Гар у, ўз муродини Оллоҳға топширмаса ва Унинг иноятиға умид қилмаса, қандай қилиб у таскин топиши мумкин?”²⁴

Юқоридаги парчалар устида мулоҳаза юритиш учун, қуйида келтирилган жумлаларни якунланг:

1. Уруғ аввалида қанчалик кичик бўлмасин _____
_____ .
2. Биз уруғга эмас, _____
_____ қарашимиз керак.
3. Демакки, биз кичкина уруғнинг Оллоҳ инояти қўллари билан _____
_____ аҳамиятини идрок этишимиз керак, _____

_____ .
4. Дарахтнинг униб-ўсишини кўрганимизда, унинг _____
_____ керак.
5. Дарахтнинг униб-ўсишини кўрганимизда, умид қилишимиз керакки _____
_____ .
6. Тер тўкиб меҳнат қилишимиз сувлари билан _____
_____ .
7. Гар юрак Оллоҳ марҳаматларидан ўтирилса, _____
_____ ?
8. Гар юрак ўз умиди ва ишончини Оллоҳ иноятига топширмаса _____
_____ ?

Энди эса, бир лаҳза мулоҳаза этинг: бизнинг шодон ва умидга тўла руҳиятимиз, тавозеъли шукроналик муносабати билан биргаликда, ўзгалар учун шодлик манбаи бўла олиши мумкинлиги билан розимисиз? Келинг, унда шуни ҳамиша ёдда тутайликки, Амрга хизмат учун кўтарилар эканмиз, инсониятнинг муштараклик Куни, янги Куннинг шафағи ҳақидаги хушxabарни етказамиз. Баҳоуллоҳнинг сўзлари юрагимизда жаранглаб турсин:

“ Ҳаракатдагилар саодатманд; тушунувчилар саодатманд; самовоту заминдаги ҳар не бўлса, улардан кўнгил узиб, ҳақиқатни тутган инсон саодатмандир.”²⁵

REFERENCES

1. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1983, 2017 printing), CLIII, par. 5, p. 369.
2. *Ibid.*, CXXXII, par. 3, p. 326.
3. Bahá'u'lláh, *The Hidden Words* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2003, 2012 printing), Arabic no. 2, p. 3.
4. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CVI, par. 1, p. 241.
5. *Ibid.*, CIX, par. 2, p. 243.
6. Bahá'u'lláh, in *Women: Extracts from the Writings of Bahá'u'lláh, 'Abdu'l-Bahá, Shoghi Effendi and the Universal House of Justice*, compiled by the Research Department of the Universal House of Justice (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1986, 1997 printing), no. 53, p. 26.
7. *The Hidden Words*, Arabic no. 11, p. 6.
8. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CLIII, par. 5, p. 370.
9. *Ibid.*, CXXIX, par. 1, p. 316.
10. *Ibid.*, XLIII, par. 9, p. 109.
11. From a talk given on 19 November 1911, published in *Paris Talks: Addresses Given by 'Abdu'l-Bahá in 1911* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2006, 2016 printing), no. 32.2, p. 121.
12. *The Hidden Words*, Persian no. 12, p. 26.
13. *Ibid.*, Persian no. 14, p. 26.
14. *Ibid.*, Arabic no. 15, p. 7.
15. *Ibid.*, Persian no. 32, p. 33.
16. Bahá'u'lláh, in *The Bahá'í World: Volume One, 1925–1926* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1926, 1980 printing), p. 42.
17. *The Call of the Divine Beloved: Selected Mystical Works of Bahá'u'lláh* (Haifa: Bahá'í World Centre, 2018), no. 2.12, p. 17.
18. *Tablets of the Divine Plan: Revealed by 'Abdu'l-Bahá to the North American Bahá'ís* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1993, 2006 printing), no. 13.6, pp. 95–96.

19. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, XXXIV, par. 8, p. 91.
20. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2010, 2015 printing), no. 40.3, pp. 118–19.
21. *Ibid.*, no. 40.3, p. 119.
22. From a talk given on 11 May 1912, published in *The Promulgation of Universal Peace: Talks Delivered by 'Abdu'l-Bahá during His Visit to the United States and Canada in 1912* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2012), par. 2, p. 153.
23. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 206.13, pp. 356–57.
24. From a talk given by 'Abdu'l-Bahá on 21 November 1911, published in *Paris Talks*, no. 34.8, p. 133.
25. Bahá'u'lláh, *Epistle to the Son of the Wolf* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1988, 2016 printing), p. 139.



Кўтаринки Суҳбатлар

Мақсад

Суҳбатда руҳий тамойилларни
тақдим этиш маҳоратини эгаллаш

1-БЎЛИМ

Мазкур китобнинг биринчи қисмида биз ўзгалар билан илоҳий каломни баҳам кўрганда ҳис этиладиган чексиз сурур ҳақида айтиб ўтдик. Хизмат йўлидан борар эканмиз, бизда ёру-биродарлар билан Баҳоуллоҳ таълимотларидан ўрганган ғояларни баҳам кўришнинг кўплаб имкониятлари вужудга келади. Шундай қилиб, барчамиз ривожлантиришимиз керак бўлган қобилиятлар ичида, мазмунли ва кўтаринки суҳбатлар қуришда ҳисса қўшадиганлари ҳам бордир. Мазкур қисмнинг ва ундан кейингисининг мақсади, сизга бу борада ёрдам беришдир. Бу ерда сиз, кези келганда, руҳий тамойилларга мурожаат этиб, суҳбат даражасини қай тариқа кўтариш мумкинлигини кўриб чиқасиз. Кейинги қисмда эса, сиз ўз қишлоқ ва маҳаллаларингизда динамик жамоа ҳаётини қуриш учун мунтазам уринишлар доирасида, маълум бир мавзулар атрофида қатор суҳбатларни қўллаб-қувватлаш ҳақида фикр юритасиз.

Олдимиздаги бўлимларда биз, айнан сўзма сўз бўлмасада, Абдул-Баҳонинг нутқ ва Лавҳларига асосланган ва Ул Зот томонидан ишлатилган кўпгина ибораларни ўз ичига оладиган турли мавзуларга оид бўлган қатор баёнотлар билан танишамиз. Сиз ҳар бир баёнотни бир неча марта ўқиб чиқишингиз, ғоялар кетма-кетлигини аниқлашингиз ва навбатма-навбат гуруҳингиз аъзолари билан биргаликда оғзаки айтиб беришингиз керак бўлади. Бундай машқ сизни ўрни келганда, суҳбатларни илгари суришда, Эътиқод тамойилларини осонлик билан қўллай олиш учун тайёрлайди.

Албатта ушбу қисмда ҳам сиз Битиклардан олинган парчаларни ёдлашда давом этасиз, зеро улар нутқингизга чокланган бўлса, инсон юраги ва хоҳишига сингувчи ўзгача бир қудратга ва тингловчига чуқур таъсир этгувчи кучга эга. Бироқ, суҳбат давомида иқтибосларни келтириш оқилликни талаб этади. Эътиқод тамойилларини тушунтиришда, Битиклардан олинган парчаларини бевосита келтириш ва ўз сўзларини ишлатиш орасида меъёр ва мувозанат зарурдир. Ушбу меъёрга эришиш учун сиз Битикларни ўрганиш ва уларга ўз фикр ва ҳиссиётларингизни шакллантиришига ижозат беришингиз учун кўп вақт ва қувват бағишлашингиз керак бўлади.

2-БЎЛИМ

Сиздан ўрганиши сўралаётган биринчи баёнот, инсониятнинг Мураббийга муҳтожлиги ҳақидадир:

Борлиқ оламига назар соладиган бўлсак, минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот ва одамзод дунёларининг ҳар бирининг мураббийга муҳтож эканлигини кузатамиз. Боғ боғбонга муҳтож. Серҳосил бўлиши учун дала деҳқонга муҳтож. Агар инсон ёввойи табиат оламида танҳо қолса, у ҳайвонларча йўл тута бошлайди. Агар у таълим ва таҳсил олса, у маърифатнинг юксак чўққиларига эриша олади. Мураббийларсиз, цивилизация ҳам бўлмас эди.

Таълим уч хил: моддий, гуманитар (инсоний) ва руҳий бўлади. Моддий таълим жисмоний ривожланиш билан боғлиқ. Гуманитар таълим эса, цивилизация ва тараққиётга дахлдордир. У бошқарув, ижтимоий тартибот, инсон раънақи, тижорат ва саноат, санъат ва фан, аҳамиятли кашфиётлар ва буюк ташаббусларга тааллуқли дир. Руҳий таълим илоҳий баркамолликни эгаллашдан иборатдир. Бу

хақиқий таълимдир, зеро унинг туфайли инсоннинг руҳий табиати, яъни юксак табиати ривожланади.

Инсоният тараққий этиши учун унга ҳам моддий, ҳам гуманитар ва ҳам руҳий мураббийликда сўзсиз мартабага эга бўлган мураббий керак. Агар кимдир: “Мен улкан ақл-заковатга эгаман ва ҳеч қандай устозга муҳтож эмасман”, - деса, у яққол нарсани рад этган бўлади. Бу худди ёш боланинг: “Мен таълим-тарбияга муҳтож эмасман, мен ўз ақлу-заковатим ва фаҳму-фаросатим ва ўз хоҳишимга биноан йўл тутаман ва ўзим баркамолликка эришаман”, - деганига ўхшайди.

Инсоният ҳар доим унга тана соғлиги ва унинг озиқланиши, кашфиёт ва ихтиролар, ҳамда билим соҳасидаги ютуқларга эришишига илҳомлантирадиган, ҳамда янада муҳимроғи, ҳаётга руҳ нафасини пуркагувчи шундай бир баркамол мураббийга муҳтож бўлиб келган. Бундай улкан вазифаларни ечиш бирон бир инсоннинг қўлидан келмайди. Фақат Оллоҳ Мазҳарларигина буни уддалаш қудратига эга. Улар вақт-вақти билан Оллоҳ томонидан инсониятга юбориладиган сайланган Зотларким, ана ўшалар инсониятнинг умумжаҳон Мураббийларидир.

1. Юқорида келтирилган баёнотни гуруҳингизда бир неча марта ўқиб чиқинг ва бир-бирингизга унинг мазмунини обдон ўрганишда ёрдам беринг. Сиз бир-бирингизга ушбу парчада акс этган ғоялар бўйича саволлар беришингиз ва уларга жавобни ўз сўзларингиз билан эркин ифодалашга ҳаракат қилишингиз лозим.
2. Энди, бу ерда шакллантиришни ўрганган ғояларни қай тариқа суҳбатда қўллаш мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритинг. Табиийки, сиз ўз дўстларингизга таълим уч хил турда бўлади деб, қўққисдан гап очмайсиз. Шунинг учун юқоридаги ғоялар долзарб бўлиши мумкин бўлган ўзаро муносабат турлари ҳақида ўйлаб кўришингиз фойдали бўлади. Масалан, жамиятда ахлоқий меъёрларнинг тушқунликка тушгани ёинки дунёни яхшилаш учун меҳнат қилиш каби масалалар муҳокамаси кетаётган бўлиши мумкин. Дўстларингиз, оила аъзоларингиз ва танишларингиз билан ўзингиз иштирок этадиган турли суҳбатлар ҳақида ўйлаб кўринг. Уларнинг фикрини эгаллаган саволлар ичида ушбу баёнотда келтирилган ғояларни муҳокама этишга олиб келадиган масалалар борми?

3. Ҳозиргина ўрганган мавзуга оид бўлган суҳбатларда, қўпинча саволлар туғилади. Агар сиздан: “Сиз айтаётган мураббийлар кимлар?” - деб сўрашса, нима деб жавоб берган бўлар эдингиз?”

-
-
-
4. Куйида Баҳойй Битикларидан инсониятнинг Мураббийга муҳтожлигига тааллуқли бир неча иқтибослар келтирилган. Уларни ўрганинг ва ҳеч бўлмаганда биттасини ёд олишга ҳаракат қилинг. Шу тариқа, сиз Битиклардан олинган парчаларни кези келганда ўз нутқингизга қўшишингиз мумкин.

“ Барча инсонлар абадий ривожланиб боровчи тамаддунни илгарига суриш учун яратилган.”¹

“Ўзини инсонларга намоён этар экан, ҳақиқий ягона Оллоҳнинг мақсади, Унинг шон-шавкати яна зиёда бўлсин, улар ҳақиқий ва чинакам шахсиятларининг теранликларида пинҳон ётган қимматбаҳо жавоҳирларни рўёбга чиқаришдир.”²

“Оллоҳ инсонларга ўз Элчиларини икки ниятда юборади. Биринчиси – бани-башарни жаҳолат зулматидан халос этиш ва уларни ҳақиқий идрок ёруғлигига олиб чиқиш. Иккинчиси - инсониятни тинчлик ва осойишталик билан таъминлаш, ҳамда, уларни барқарор этиш учун барча воситаларни инъом этиш.”³

“Инсонлар барча замонларда ва барча шарт-шароитларда ўзларини юксалтирадиган, йўл кўрсатадиган, ҳидоятга бошлайдиган ва таълим берадиган Зотга муҳтож бўладилар.”⁴

3-БЎЛИМ

Навбатдаги бўлимда Оллоҳни фақат Унинг Мазҳари орқали англаш мумкинлиги ҳақида гап кетади ва унда келтирилган маълумот, дўстларингиз билан суҳбатларда фойдали бўлиши мумкин:

Чексиз Коинотга назар солинг. У Яратувчисиз ўз-ўзидан яралган бўлиши мумкинми? Ёинки Яратганнинг моҳиятини Унинг яратмиши идрок этиши мумкинми? Агар бутун яралмишни кузатадиган бўлсак, тубанроқ босқичдаги ҳар не бўлса, ўзидан юқорироғининг куч-қувватини идрок этишга қодир эмаслигини кўрамыз. Шу тариқа, тош ва дарахт қанчалик тараққий этмасин, кўриш ва эшитиш қувватини тасаввур ҳам етолмайди. Ҳайвон инсоннинг моҳиятини ҳеч қачон идрок етолмайди ва инсоний руҳнинг қувватини англай олмайди. Бинобарин, биз, яралмиш бўла туриб, қандай қилиб Яратувчимизнинг моҳиятини тушунишимиз мумкин?

Гарчи бизнинг онгимиз Оллоҳнинг моҳиятига ҳеч қачон етолмасада, биз Уни билмоқдан маҳрум эмасмиз. Вақти-вақти билан заминда Оллоҳ Мазҳари бўлмиш алоҳида Зотлар пайдо бўлади. Оллоҳдан тараладиган барча мукамаллик, саховат ва ёғду, худди силлиқ қилиб ишлов берилган, топ-тоза кўзгуда қуёш акс

этгани каби, ушбу Муқаддас Мазҳарларда ўз аксини топади. Ушбу кўзгулар Ҳақиқат Қуёшининг Мазҳарлари деганда, қуёш ўз юксаклигидан тушиб келиб, кўзгу ичидан жой олиши назарда тутилмайди. Худди шундай, Оллоҳ, муқаддаслик самосидан борлиқ саҳнига тушиб келмайди. Бунинг маъноси шуки, инсониятнинг Оллоҳ исмлари, аломатлари ва комилликлари ҳақида барча билган ва ўрганганлари Унинг Муқаддас Мазҳарларига тааллуқлидир.

1. Ўз гуруҳингизда юқоридаги баёотни бир неча маротаба ўқиб чиқиб, матн мазмунини юзасидан бир-бирингиз билан савол-жавоб қилиб бўлгач, ундаги ғояларни осонлик билан айтиб беришни машқ қилинг.
2. Энди эса, ўрганилган ғояларни қандай қилиб табиий равишда суҳбатга қўшиш мумкинлигини муҳокама қилинг. Буни, масалан, Оллоҳнинг мавжудлиги ёки ҳаётнинг мақсади каби мавзулар муҳокамасида осонликча амалга ошириш мумкин. Оилангиз ва дўстларингиз билан кўтариладиган қандай масала ва суҳбатларда ушбу ғоялар билан бўлишиш имкони бор?

3. Фараз қилайлик, дўстларингиз билан суҳбатлашиш жараёнида сизда ҳозиргина ўрганган ғояларни тақдим этиш имкони туғилди. Улардан бири сизга қуйидаги савол билан мурожаат қилса, нима деб жавоб берган бўлардингиз: “Оллоҳ ҳақида Унинг Мазҳарлари орқали нималарни биламиз?”

4. Дўстлар билан суҳбатингизда қўллаш учун эҳтимол, сиз Баҳоуллоҳ Битикларидан келтирилган қуйидаги парчаларни ёд олишни истарсиз:

“Жамийки нарсаларнинг Манбаи бўлмиш Зотни билмоқ ва Унга етишмоқ, фақатгина Ҳақиқат Қуёшидан тараладиган Ушбу нуроний Вужудларни билиш орқали амалга ошириш мумкин.”⁵

“Оллоҳ Мазҳари зоҳир бўлган Зот, доим Оллоҳни намоён этади ва Унинг номидан гапиради. Дарҳақиқат, У, ажойиб Исмларнинг Тонгги Шафағи ва Унинг юксак аломатларининг Маширидир.”⁶

“Қолаверса, ишончингиз комил бўлсингким, ушбу Илоҳий Мазҳарларнинг меҳнат-у амаллари, ҳамда, улар билан боғлиқ бўлган ва улар келажакда зоҳир этадиган неки бўлса, барчаси Оллоҳ томонидан белгиланган ва Унинг Иродаси ва Ниятининг намоён бўлишидир.”⁷

4-БЎЛИМ

Диннинг бирлиги мавзуси кўпчилик учун мароклидир ва қуйидаги ғоялар сизга кўп ҳолларда ёрдам бериши мумкин:

Биз, қайси чироқдан таралаётганидан қатъи назар, нурни севишимиз керак. Биз, қайси боғда очилганидан қатъи назар, атиргулни севишимиз керак. Биз, қай манбадан келиб чиқишидан қатъи назар, ҳақиқатни излашимиз шарт. Битта чироққа боғланиб қолиш, бошқа бир чироқдан таралаётган нурни кадрлашимизга ҳалақит бериши мумкин. Диннинг ташки шакл ва урф-одатларига боғланиб қолиш, бошқа динларнинг ҳақиқий моҳиятини англашимизга ҳалақит бериши мумкин. Ҳақиқатни излашда ўзимизнинг барча аввалдан шаклланган тасаввурларимиздан ҳалос бўлмоғимиз ва ўз бидъату хурофотларимиздан воз кечишимиз керак. Агар бизнинг косамиз худбинлик суви билан лиммо-лим тўла бўлса, унда ҳаёт суви учун жой қолмайди.

Дин - дунё нури. У қадамларимизга йўл кўрсатиб, бизга битмас-туганмас бахт дарвозаларини очади. Барча буюк динларнинг таълимотларини ақидапарастлик ва кўр-кўрона таклиддан озод равишда тадқиқ этар бўлсак, биз уларнинг негизи бирлигини тушунамиз. Уларнинг ҳаммаси Илоҳий билимни очиб беради. Уларнинг барчаси инсон дунёсининг равнақини кўзлайди.

Албатта, ҳар бир дин тарғиб этган ижтимоий қонун-қоидалар ўртасида вақт ва жой талабларига кўра фарқлар бор. Аммо, ўз моҳиятида барча динлар бир. Улар эътиқод, билим, ишонч, адолат, тўғрилиқ, олийжаноблик, ишончлилиқ, Оллоҳга муҳаббат ва хайрихоҳликни парваришлайдилар. Улар софлик, инқилоб, тақво, бардош, чидам ва мунтазамликни ўргатадилар. Ушбу инсоний фазилатлар ҳар бир Зухур Даврида янгиланади.

Афсуски, бидъат ва кўр-кўрона таклид натижасида, кўпчилик кишилар динлар асосидаги бирликни кўролмайдилар. Оллоҳнинг инсониятга кўрсатган йўли ҳақиқатдир, ҳақиқат эса бўлинмас; у ягона. Агар биз аввалдан қолган тасаввурларимизни четга қўйиб, ҳақиқатни мустақил излар бўлсак, бизнинг изланишларимиз бирдамликка олиб келади. Дин бизни бирлаштириши керак; у инсонлар орасидаги муҳаббат риштасини ўрнатиши керак. Гар у зиддият ва душманликка сабаб бўлар бўлса, унда унинг йўқлиги афзалдир.

1. Аввалги бўлимдаги каби, ушбу парчани ҳам ўз гуруҳингизда бир неча бор ўқиб чиқишингиз, унга тааллуқли бўлган ғоялар бўйича бир-бирингиз билан савол-жавоб қилишингиз ва уни ўз сўзларингиз билан сўзлаб беришни машқ қилишингиз керак.
2. Ўзингиз ўрганган ғояларни, масалан, кўпчилик одамларнинг фикрида бўлган диний можаролар мавзусига келганда, қандай қилиб суҳбатга қўшишингиз мумкинлиги ҳақида гуруҳингизда муҳокама қилинг. Балки сиз, ҳақиқатни излаш ва тарғиботга берилмасликнинг муҳимлиги ҳақида гапираётган дўстларингиз суҳбати бўлиб қолишингиз мумкиндир. Дўстлар ва қўшнилари, ҳамкасблар ва танишлар билан бўлиб ўтган охириги пайтдаги суҳбатларингиз мавзуси ҳақида яна бир ўйлаб кўринг. Улар фикрини чулғаган қандай саволлар ушбу ғояларни муҳокама қилишдан фойда топиши мумкин?

3. Ушбу бўлимда келтирилган ғоялар ҳақида дўстларингиз билан бўлишганда, улардан бири: “Қандай ҳақиқатлар барча динларга хос?” - деб сўраб қолса, қандай жавоб берган бўласиз?”

4. Баҳоуллоҳнинг куйидаги иқтибосларини ёдлаш тавсия этилади:

“Ҳеч бир шубҳа йўқки, замин халқлари келиб чиқиши ёки эътиқодидан қатъи назар, ягона самовий Чашмадан илҳом оладилар ва ягона Оллоҳга хизмат қиладилар.”⁸

“Ҳар қандай динга мансуб кишилар билан дўстлик ва биродарлик руҳида мулоқот қилинг.”⁹

“Оллоҳ Дини ва Унинг Қонунини жонлантиргувчи асосий мақсад, бани-башар манфаатларини ҳимоялаш ва унинг бирдамлигини мустаҳкамлашдир . . .”¹⁰

“Оллоҳ Дини муҳаббат ва бирлик учун мавжуддир; уни душманлик ва парокандалик манбаига айлантириб юборманг.”¹¹

5-БЎЛИМ

Ўрганиши сўраладиган навбатдаги мавзу, фан ва дин орасидаги муносабат ҳақидадир.

Дин билан фан мувофиқ бўлиши лозим. Оллоҳ ҳақиқат нималигини идрок этиш учун бизни ақл билан сийлаган. Фан ва диннинг ҳар иккаласидан ақл мезонларига мувофиқ бўлишлик кутилади. Бинобарин, улар бир-бири билан ризоликда бўлиши керак. Улар инсон заковатини юксак чўққиларга парвоз эттира олгувчи икки қанотдир, улар инсоният парвозининг икки қанотидир. Битта қанот етарли эмас.

Фан Оллоҳнинг туҳфасидир. У моддий олам қонунларини кашф этиб, бизга табиат томонидан юкланган чекловларни енгиб ўтишимизга ёрдам беради. Илмий воситалар ёрдамида биз, кўринмас нарсаларни кўзимиз орқали кўра

оламиз ва катта масофаларни бир зумда босиб ўтамиз. Фан ҳозирги ва ўтган замонни бирлаштиради ва келажак сирларини очади. Халқнинг тараққиёти илмий ютуқларга боғлиқдир.

Оллоҳ дини - ҳақиқат тарғиботчиси, маърифат қўмакчиси бўлиб, инсон наслини маданиятлаштиради. Дин бўлмаса, фан, бора-бора умидсизликка етаклагувчи материализмни олдинга сурадиган қуролга айланади. Дин фанга қарши қўйилса, унда у, оддий хурофотга айланади. Агар дин ва фан биргаликда муштарак олдинга силжиса, ҳозирда инсониятни хўрликка келтирган нафрат ва қулфатларнинг қўпи тугайди.

1. Одатдагидек, баёнотни абзацма-абзац гуруҳингизда бир неча марта ўқиб чиқинг ва мазмунни яхши эслаб қолиб, эркин ифода эта олмагунингизча бир-бирингиз билан савол-жавоб қилинг.
2. Сизга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилинганда, қандай жавоб берган бўласиз: “Дин ўтмиш саркити; инсониятнинг барча муаммоларини фан ҳал эта олади”. Дин ва хурофот бир нарса эмаслигини ва фансиз дин хурофотга айланиши, ҳамда динсиз фаннинг умидсизликка етакловчи материализмга айланишини тушунтириш фойдали бўлади, деб ўйлайсизми? Бунинг қандай юзага келишини тушунтирувчи мисоллар келтира оласизми?

3. Сизга Баҳоуллоҳ Битикларидан келтирилган баъзи парчаларинг ёд олиш таклиф этилади:

“Оллоҳнинг инсонга ёғдирган неъматларидан энг дастлабки ва бирламчиси, тушуниш инъомидир... Ушбу инъом инсонга барча нарсалар ичидан ҳақиқатни ажрата олиш қудратини беради, уни тўғри бўлган нарсаларга етаклайди ва яратилмиш сирларини кашф этишга ёрдам беради.”¹²

“Оламга боқ ва бироз тафаккур эт. У кўз олдинда ўз ўзлигининг китобини очади ва унда Сенинг Холиқ ва Алийм Раббинг Қалами томонидан ёзилганларни нозил этади.”¹³

“Билим инсон ҳаётининг қаноти ва унинг юксалишининг нарвонидир. Барчага уни эгаллаш фарз этилган.”¹⁴

6-БЎЛИМ

Инсоният бирлиги мавзуси, бугунги кунда барча инсонлар юрагида акс-садо топадиган мавзудир ва кўпчилик қуйида келтирилган ғояларни сиз билан муҳокама қилишни истаган бўлардилар.

Турфа ранг ва атрга эга бўлган гуллар ёнма-ён ўсадиган боғ кўзга ёқимлидир. Гарчанд бир-биридан фарқ қилсада, ҳар бир гул бир ёмғирдан яшнайди, бир қуёшдан ҳарорат олади. Бу қиёс инсониятга ҳам тааллуқлидир. У кўплаб ирқлар ва ранглардан иборат. Аммо, уларнинг ҳаммаси ягона Оллоҳ томонидан яратилган ва ҳаммасининг келиб чиқиши бирдир. Муסיқадаги турли ноталар биргаликда қўшилиб, комил бир аккордни ташкил қилгани каби, инсоният оиласининг турли-туманлиги ҳам, ҳамоҳангликка сабаб бўлмоғи лозим.

Мавжудлик учун бирдамлик зарур. Ҳаётнинг асл сабаби муҳаббатдир. Моддий оламда барча нарсаларнинг унсурлари тортишиш қонунига биноан бир-бири билан бирлашади. Тортишиш қонуни маълум бир унсурларни гўзал гул шаклида бир-бирига бириктиради. Бироқ, қачонки тортишиш йўқолса, гул парчаланиб, барҳам топади. Инсоният ҳаётида ҳам худди шундай. Тортишиш кучи, бу ҳамоҳанглик ва бирдамлик, уни яхлитликда бир бутун қилиб ушлаб тургувчи кучлардир.

Баҳоуллоҳ жаҳон халқларининг бирлашув нақшини яратдилар. Биз кишиларни бирлик доирасига жалб этиш учун бор куч-ғайратимизни сарфлашимиз керак. Ирқи, миллати, дини ва эътиқоди турли бўлган кишиларни учратсак, тафовутлар орамизда тўсиқ бўлишига зинҳор йўл қўймаслигимиз керак. Уларга инсониятнинг гўзал боғида яшнаган рангба-ранг гуллардек қарашимиз ва улар орасида ўзимизнинг ҳам борлигимиздан шодланишимиз лозим.

1. Юқоридаги баёнотни худди ундан олдингилари сингари ўрганиб, атрофингизда юз берадиган кўплаб суҳбатлар ҳақида ўйланинг. Одамларни тўлқинлантирувчи қайси савол-масалалар сизга бу ғоялар билан бўлишиш имконини бериши мумкин?

2. Инсоният бирдамлиги ҳақидаги суҳбат, биз ўзимиз яшаб турган жамоадаги бирдамликнинг муҳимлигига олиб келиши мумкин. Ҳар биримизнинг бунга қўшишимиз мумкин бўлган ҳиссамиз ҳақида бир-икки оғиз сўз айтинг?

3. Дўстлар даврасида мазкур мавзу юзасидан гап кетганда, мурожаат қила олишингиз учун қуйида келтирилган иқтибослардан биронтасини ёки бир нечтасини ёд олишингиз мумкин:

“Бирдамлик чодир тортилди: бир-бирингизни бегона деб ҳисобламанг. Сиз ягона дарахтнинг мевалари, ягона новданинг япроқларисиз.”¹⁵

“Бирдамлик шуъласи шу қадар қудратлики, у бутун ер юзини ёритишга қодир.”¹⁶

“Ўз юзингизни бирдамлик сари қаратинг ва унинг ёғдуси сизнинг узра ёғилсин. Ёппасига бирлашинг ва орангизда нифоқ-жанжал солишга олиб борадиган ҳар қандай баҳоналарни Оллоҳ номи ила илдизи билан қўпориб ташланг.”¹⁷

“Инсон биродарлик, меҳрибонлик ва бирдамликни тарғиб этадиган неки бўлса, уни маҳкам тутмоғи керак.”¹⁸

7-БЎЛИМ

Адолат - кўпгина кишиларни ташвишлантирадиган яна бир мавзу бўлиб, қуйидаги баёнот сизга шу мавзудаги суҳбатларга ҳисса қўшишда ёрдам беради:

Кишилар қобилияти ўртасидаги тафовут инсон мавжудлигининг негизидир. Бинобарин, инсонларнинг ҳаммаси ҳар томонлама бир-бирига тенг бўлиши имконсиз. Шундай бўлсада, умуман олганда, инсоний ишлар адолат тамойили бўйича бошқарилиши лозим. Адолат муқаддас деб тан олиниши ва ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши лозим.

Адолатнинг чек-чегараси йўқ; у ҳаммабоп сифатдир. У инсон ҳаётининг барча жабҳаларида амал қилиши керак. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси тараққиёт инъомларидан баҳраманд бўлиши лозим, чунки бизнинг барчамиз инсоният танасига тегишлимиз. Агар танадаги бир аъзо безовта ва кийноқда бўлса, унда бошқа аъзолар ҳам албатта қийналади. Қандай қилиб биримиз кийноқда бўлсак, қолганларимиз оромда бўлсин? Бугунги жамиятда ўзаро муносабат ва симметрия етишмайди; у етарли даражада яхши ташкил топмаган. Бутун инсон оиласининг равнақи ва фаровонлигини кўзлайдиган қонун ва тамойиллар зарур.

Адолат муқофот ва жазо устунлари узра ўрнатилгандир. Илоҳий интиқомдан қўрқмайдиган, эътиқодсиз шахслар томонидан бошқариладиган Ҳукуматлар адолатсиз қонунларни ижро этадилар. Зўравонликнинг олдини олиш учун, муқофот олиш умиди ёки жазоланишдан қўрқув ҳисси, ҳар иккаласи зарурдир. Қонун ишлаб чиқарувчилар ва маъмуриятлар ўз қарорларининг руҳий-маънавий оқибатларини яхши идрок этишлари керак. Ўз қилмишлари учун нариги дунёда жавоб беришига амин бўлган ва ўз ҳукму-фармонларининг куни келиб, Илоҳий Адолат тарозисида ўлчанишини билган Ҳукмдорлар, сўзсиз ўзларини зўравонлик ва жабр-зулмдан тортадилар.

1. Юқоридаги ғояларни табиий равишда изҳор этишни ўрганиб олганингиздан сўнг, баёотда тақдим этилган инсайтлар қайси мавзудаги суҳбатларга ҳисса қўшиши мумкинлигини ўйлаб кўринг.

2. Ҳақсизлик ҳеч қачон тугамайди деган инсонга қандай жавоб берган бўлардингиз?

3. Қуйида сизга адолатга оид бўлган Баҳоуллоҳнинг Битикларидан келтирилган иқтибосларни ёд олиш тавсия этилади.

“Адолат инсонлар учун нурдир. Уни жабр-зулм ва мустабидликнинг муҳолиф еллари бирла сўндирманг. Адолатнинг мақсади одамлар ўртасида бирдамликнинг пайдо бўлишидир.”¹⁹

“Ҳеч бир ёғдуни адолат ёғдусига қиёслаб бўлмайди. Дунёнинг тартиби ва инсониятнинг осойишталиги унга боғлиқдир.”²⁰

“Дунё адолат билан тарбия топади, зеро у, икки устунга - мукофот ва жазога таянади. Бу икки устун дунё учун ҳаёт манбаидир.”²¹

8-БЎЛИМ

Бойлар ва камбағаллар ўртасидаги жарлик кун сайин катталашиб бормокда ва қуйида келтирилган баёот, дўстлар билан шу мавзу ва унга дахлдор суҳбатларни қуришда сизга кўмаклашади.

Бугун ўзаро ҳамкорлик ва ҳамоҳангликдаги муносабатларнинг етишмаслигидан жамиятнинг баъзи бир аъзолари бошпана ва егуликка зор бўлса, бошқа бирлари ўта дабдаба-ю, ҳашаматдаги қулайликда яшашдан қоникмоқдалар. Баъзилар ҳаддан ташқари бой бўлиб, қолганлар эса ўта қашшоқдирлар.

Жамият қонунлари шундай тарзда шаклланиб, риоя этилиши керакки, натижада баъзиларнинг ҳаддан кўп бойлик йиғишига, бошқаларнинг эса қашшоқланишига олиб келмасин. Бу, ҳамма бирдек тенг бўлади дегани эмас, чунки қобилият ва даражасига нисбатан фарққа эга бўлиш яратилмишга хосдир. Аммо, номақбул даражадаги ортиқча бойликнинг тушқунликдаги қашшоқликка олиб келишини четлаштира бўлади. Модомики, капиталист бойликка эгалик қилишга ҳақли

экан, ишчи ҳам етарлича тирикчилик воситаларига эга бўлишга ҳақли. Ҳаддан ташқари қашшоқликни кўрган жойимизда, қаердадир зулмни топамиз.

Масаланинг мағзи шундаки, Илоҳий адолат инсоний шароитларда намоён бўлиши керак. Иқтисодий вазиятнинг пойдевори ўз табиатига кўра илоҳийдир, у қалб ва руҳ олами билан вобаста. Бойлар ўз тўкин-сочинлигини улашиши керак; улар ўз қалбларини юмшатиб, мурувватли ақл-заковатни парваришлари керак. Қалблар шу қадар чамбарчас боғланиб, муҳаббат шунчалар ғолиб келиши керакки, токи бойлар иқтисодиётни тамомила ўзгартириш ташаббусига катта иштиёқ билан киришсинлар. Улар жамиятда ўтакетган қашшоқлик мавжуд экан, катта бойликка эга бўлишнинг ноқонуний ва адолатсиз эканлигини ўзлари англаб етишлари керак. Шу тарзда, улар қулай фароғатли ҳаёт учун ўзларига қанча керак бўлса шунчасини қолдириб, ўз бойликларининг қолган қисмини иштиёқ билан берадиган бўладилар.

1. Баёотни одатдагидек, ўз гуруҳингизда ўқиб-ўрганинг. Инсон онгида бойлик ва камбағаллик тўғрисида кўплаб саволлар туғилади, иш билан таъминланиш, меҳнат ҳақи, бошпана ва ҳоказолар шулар жумласидан. Мазкур баёотдаги ғояларни муҳокама этиш фойдали бўлиши мумкин бўлган бошқа мавзулар ҳақида фикрлай оласизми?

2. Юқоридаги фикрларни айтганингизни эшитиб, бирон киши сиздан “Сизнингча, бойлар қаттиқ солиқ қонунларини тушунадиган, уларни қўллайдиган ва уларни керак миқдорда иштиёқ билан тўлайдиган бўладиларми? Бунинг имкони борлигига сизни нима ишонтиради?” деб сўраса, қандай жавоб берган бўлардингиз?”

3. Сизга Баҳоуллоҳ Битикларидан олинган куйидаги парчалардан бир иккитасини ёдлаш тавсия этилади:

“... ҳам ўзингиз ва ҳам ўзгалар баҳраманд бўлиши учун эзгу ва ажойиб мевалар беришингиз керак. Бинобарин, ҳар бир кишининг бурчи касбу-хунар эгаллаш, зеро, бойлик сири шундадир, эй идрок этгувчилар!”²²

“Гар нигоҳинг мурувват сари қаратилган бўлса, ўз манфаатингдан воз кечиб, инсониятга фойда келтирадиган ҳар нарсани тут. Гар нигоҳинг адолат сари қаратилган бўлса, ўз яқининг учун ўзингга раво кўрган нарсани танла.”²³

“Биродарини ўзидан устун тутган, саодатманддир.”²⁴

“Ҳеч бир хайрли иш йўқолмаган ва йўқолмас, зеро олийҳиммат амаллар хазинасини Оллоҳ уни бажаргувчиларнинг фойдаси учун асраб қўйгай.”²⁵

“... меъёр чегарасидан ўтиб, исрофчилар сафидан бўлишдан эҳтиёт бўлинг.”²⁶

9-БЎЛИМ

Қуйида сизга бидъат-таассуботлар мавзусидаги муҳокамаларда қатнашишда ёрдам берадиган баъзи ғоялар келтирилган.

Бидъатнинг турли шакллари - диний, ирқий, жинсий, миллий, иқтисодий бўлмасин, инсоний қадриятлар тизимини емиради ва Оллоҳнинг буюрганларига қарши чиқади. Минглаб йиллар давомида инсоният шу бидъатлардан униси ёки буниси келтириб чиққан уруш ва қон тўкишлардан изтироб чекиб келди. Модомики улар бор экан, инсоният ором топмас.

Оллоҳ Ўз Элчиларини ягона мақсад, яъни сулҳ ва муҳаббат мақсадида юбориб келган. Барча самовий Китоблар ёзма равишдаги муҳаббат сўзларидир. Агар улар бегоналашувга сабаб бўладиган бўлса, демак улар фойдасиз бўлиб қолган бўлади. Шунинг учун, айниқса диний бидъатлар Оллоҳ иродаси ва насиҳатига зиддир.

Миллий бидъатлар умуман асоссиздир. Замин ягона ҳудуд, ягона мамлакатдир. Миллатларни ажратиб тургувчи чегаралар ва чизиқларнинг бари хаёлий; уларни Оллоҳ яратмаган. Инсонлар дарёни икки давлат орасида чегара деб белгилайдилар ва унинг ҳар икки тарафига ном берадилар, ваҳоланки бу дарё ҳар икки томон учун яратилган ва ҳамма учун табиий сув томири бўлиб ҳисобланади. Ҳаёт неъматларини уруш ва бузғунчилик сабабига айлантиришга ундаган нарсаси, хаёлий тасаввур ва нодонлик эмасми, ахир?

Ирқий бидъатлар эса, хурофотдан бўлак нарсаси эмас. Инсон танасининг ранги, бу, унинг ёки аждодларининг замона зайли билан иқлим ва атроф муҳитга мослашишининг натижасидир ҳолос. Инсонийликнинг асл мезони шахсиятда. Баркамоллик, ирқ ва тери рангига боғлиқ эмас. Иймон, қалб софлиги, эзгу амаллар ва таҳсинга сазовор нутқ - мана шулар Оллоҳ ҳузурида мақбулдир.

Узоқ замонлар мобайнида аёллар эркакларга бўйсундирилиб, ранжитиб келинган. Аёл ва эркак ўртасидаги фарқ моддий оламнинг шарти; руҳ оламида улар тенг. Оллоҳ наздида эркак ва аёл орасида фарқ йўқ. У бутун одамзодни ақл-заковат ва зеҳн билан сийлаган. Барчада фазилатларга эга бўлиш қобилияти бор. Бугунги кундаги вазият, инсонга нисбатан жинсий дискриминациянинг асоси бўлиб хизмат қила олмайди.

Қўхна Аҳддаги сўзларга биноан, Оллоҳ айтади: “Инсонни Ўз суратимиз ва сиймоимизга кўра яратдик”. Аниқки бу аёлларга ҳам тегишлидир. Инсон Оллоҳ сиймосига кўра яратилган; бошқача қилиб айтганда, илоҳий фазилатлар инсон моҳиятида намоён бўлади ва очилади. Бу бутун инсоният учун тааллуқли.

Фақатгина муайян тери ранги, миллати ёки этник келиб чиқишидаги одамлар Оллоҳ киёсига кўра яратилган дейиш, тамомила ўринсиздир. Фақат бойлар унинг сиймосига кўра яратилган дейиш ёки юқори мавқега эга бўлишни Оллоҳга яқинроқ деб билиш, нақадар ақлга сиғмас. Инсоният бидъатлардан воз кечмасдан, Салтанат маънавиятини эгалламасдан нурафшон бўлолмайди.

1. Бу баёотни ҳам олдингиларини ўрганганингиздек ўрганиб, дўстлар ва қўшниларингиз томонидан бидъатларни йўқотишга чорлайдиган суҳбатларда кўтарилган баъзи муаммолар ҳақида фикрланг.

2. Юқоридаги ғоялар билан бўлишганингизни эшитган бирон киши сиздан, “Биз бидъатимиз борлигини билмаслигимиз мумкинми?” деб сўраса, нима деб жавоб берасиз?”

3. Баҳоуллоҳ Битикларидан олинган қуйидаги парчалардан бир-иккитасини шу мавзудаги суҳбатларда қўллашингиз мумкин:

“Замин ягона мамлакат ва инсоният унинг фуқароларидир.”²⁷

“Дунёдаги барча ниҳоллар бир дарахтдан ва барча томчилар бир уммондан пайдо бўлган, ҳамда барча мавжудот ўз мавжудлигида бир Мавжудликка тегишли.”²⁸

“Бугун ўзини инсон наслига хизмат учун бахшида этган одам, дарҳақиқат, инсон деб аталишга лойиқдир.”²⁹

“Эзгу ишнинг нури қуёш нури ва ёғдусидан ёрқинроқдир.”³⁰

“Инсоннинг шуҳрати унинг зеб-зийнати ва бойлигида эмас, балки унинг фазилатли хулқ-атвори ва тўғри тушунчага эгалигида.”³¹

“Иншоллоҳ, Унинг марҳаматли ёрдами билан сен ҳар қандай шароитда бўлмасин, хурофий бутларни парчалаб ташларсан ва инсоний хом хаёллар пардасини йиртиб ташларсан.”³²

“Беҳуда баҳс қуриб, ўзини биродаридан устун деб биладиган киши, инсонлар ичида энг ғафлатда қолганлардандир.”³³

10-БЎЛИМ

Дўстлар билан суҳбатлар чоғида, аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигига бағишланган қуйидаги баёнотда келтирилган ғоялардан фойдаланишингиз мумкин:

Жисмоний қуёш ўз нури ва ҳарорати воситасида ердаги бутун борлиқнинг моҳиятини рўёбга чиқаради. Қуёш нурига жавобан, дарахт ичидаги пинҳон бўлган мева унинг шохларида етилади. Худди шунга ўхшаб, Ҳақиқат Қуёши ҳам, маънавият осмонида бор гўзаллиги билан чарақлаб, ўтмишда очилмай қолган ҳақиқатларни рўёбга чиқаради. Шунинг учун ҳам, бизнинг кунларимизда аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги тамойили тўла тан олинган ва ҳозирда қарор топган далилдир.

Баҳоуллоҳ Оллоҳ наздида аёллар ва эркаклар орасида тафовут йўқлигини аниқ-равшан баён этганлар. Асрлар давомида мавжуд бўлиб келган ҳуқуқий тенгсизлик, эркаклар устунлигининг натижаси эмас; бу, шунчаки аёлларга ўзларидаги бор салоҳиятни ривожлантиришга имкон берилмаганидан. Уларга нисбатан бўлган бидъатларга қарамай, тарих зарварақлари энг буюк муваффақият қозонган кўплаб аёлларнинг ҳаётини акс эттиради.

Шундай аёллардан бири, форс шоираси Тоҳира эди. У 1800 йилларнинг бошларида, аёллар эркакларга тамомила бўйсунган бир мамлакатда туғилди. У янги Оллоҳ Зухурининг ҳақиқатини биринчи бўлиб тан олган аёл эди. Янги Кун тонгини кўриши биланоқ, у аёллар ва эркакларнинг тенглиги ҳақидаги ҳақиқатни тан олиш вақти келганини англади. У бор куч-қувватини ушбу ҳақиқатни эълон қилишга бағишлади. Унинг билими ва сухандонлиги ўз замонасининг энг олим эркакларини лол қолдирарди. Мустабид ҳукмдорнинг куч-қудратига ва жоҳил, такаббур уламоларнинг қаршилигига қарамай, у ҳақиқатни куйлашдан бир лаҳза ҳам чекинмади. Оқибат натижада, у ҳаётини ўзи қатъий ишонч билан қабул қилган Амр йўлида қурбон қилди.

Оллоҳга номақбул нарсаларга ишониш нодонлик ва хурофотдир. Бугун аёлларга маърифатли бўлиш ва инсоний фаолиятнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг мавқени эгаллаш учун барча имкониятларни бермоқ лозим. Токи аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги худди руҳий оламда қарор топгани каби бу дунёнинг ҳам ҳақиқатига айланмас экан, инсониятнинг чинаккам тараққиёти имконсиздир.

1. Одатдагидек, ушбу баёнотни ўз гуруҳингизда ўрганиб, ғояларни тақдим этишни машқ қилинг. Дўстларингиз билан охириги пайтларда бўлиб ўтган қандай суҳбатларда бу ерда келтирилган ғоялар фойдали бўлиши мумкин эди? Қандай саволларни муҳокама қилдингиз?

2. Барча фаолият соҳаларида аёллар эркаклар билан тенг мавқега эга бўлиши учун замонавий жамиятдаги мавжуд бўлган қандай ақида ва қарашларни ўзгартириш керак бўлади?

3. Қуйида Баҳойй Битикларидан олинган мавзуга тааллуқли бир нечта иқтибос келтирилган, уларни ёд олишингиз мумкин:

“Оллоҳ наздида аёллар ва эркаклар ҳамиша тенг ҳуқуқли бўлган ва шундай бўлиб қолади.”³⁴

“Нима учун сизларни бир тупроқдан яратганимизни билурмисиз? Токи ҳеч ким ўзини бошқалардан устун тутмаслиги учун. Қандай қилиб яратилганингизни ҳар дам фикрланг.”³⁵

“Бугунги Кунда Илоҳий марҳамат қўли барча тафовутларни бартараф этди. Оллоҳ хизматкорлари ва Унинг канизаларига бир хил мавқени эгаллаб турганлар сифатида қаралади.”³⁶

11-БЎЛИМ

Сиздан ўрганишингиз сўраладиган охириги баёнот умумий таълим мавзусига бағишланади:

Таълимни ривожлантириш замонамизнинг энг кечиктириб бўлмас талабларидан биридир. Таълимни ўзининг асосий ташвиши деб билмас экан, ҳеч бир миллат фаровонликка эриша олмайди. Халқ тубанлашувининг асосий сабаби, ҳамманинг ҳам билим олишга қўли етмаслигида.

Таълим гўдакликдан бошланиши лозим. Фарзандларига таълим-тарбия бериш, руҳий ва ахлоқий қонунларга мувофиқ ҳолда табиатини яхшилаш, уларга фан ва санъатни ўргатиш учун қўлидан келганини бажариш она-отанинг бурчидир. Оналар - инсониятнинг илк муаллимлари; улар фарзандларини билим сути билан парваришлайди. Ҳар бир бола таълим ва тарбия кўрган бўлиши керак; бу масалани эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Агар она-отанинг бу борадаги сарф-харажатларни кўтаришга имкони бўлса, бу ишни бажариши лозим. Акс ҳолда, боланинг таълими учун маблағни жамоа таъминлаши керак.

Таълим ҳар бир инсонда комилликка эришиш истагини ривожлантириши лозим. Инсон комилликдан илҳомланиши ва жон-жаҳди билан унга интилиши керак. Биз руҳий фарққа интилишимиз ва самимият, садоқат, инсониятга хизмат, муҳаббат, ҳамда, адолат каби фазилатлари билан ном қозонмоғимиз лозим. Биз тинчлигу бирдамликни тарғиб этиш ва таълим-тарбия олиш жараёнини

мустаҳкамлашга бағишланган саъй-ҳаракатларимиз билан ажралиб туришимиз керак. Одамларни ана шундай йўлга бошлаш таълимнинг ҳақиқий вазифасидир.

1. Ўз гуруҳингизда ушбу баёотни ўрганиб бўлганингиздан сўнг, таҳсил олиш мавзусининг дўстларингиз орасида қандай ташвишли саволлар туғдиришини аниқлашга ҳаракат қилинг. Баёотдаги ғоялар уларнинг ташвишига қандай жавоб бериши мумкин?

2. Баҳоуллоҳ Битикларидан қуйидаги иқтибосларни бир икkitасини ёд олишингиз тавсия этилади:

“Инсон билимсиз ёки ҳунарсиз қолмаслиги керак. Акс ҳолда, у бамисоли мевасиз дарахтдир.”³⁷

“Ақл-идрок ва иродангизни заминдаги халқлар, ҳамда, қабилаларни маърифатли қилишга қаратинг . . .”³⁸

“Санъат, ҳунаrmандчилик ва фанлар борлиқ оламини кўтаради ва уни юксаклишига ҳисса қўшади.”³⁹

“Дарҳақиқат, билим инсон учун ҳақиқий ҳазинадир. Инсон учун у шон-шухрат, саховат, юксалиш, қувонч ва бахт-саодат манбаидир.”⁴⁰

12-БЎЛИМ

Ҳар кимнинг фикрини эгаллайдиган масала тинчликдир. Унинг ўрнатилиши энг кечиктириб бўлмас ва ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Олдинги баёотларда келтирилган тамойиллар устида бир оз мулоҳаза юритгач, энди сиз умумбашар сулҳ-тинчлик масаласи ҳақида фикр юритишни истарсиз, эҳтимол.

Шубҳасиз, кўп нарса ҳукуматларнинг қандай қилиб урушни бартараф этиш учун қўядиган амалий қадамларига боғлиқ. Тинчликка эришиш учун давлатлараро халқаро ҳамкорликнинг турли шакллари билан бир қаторда, можароларни муросага келтириш ва қуролланишни қисқартириш бўйича сиёсий келишувлар зарур. Бундай тадбирлар қанчалар муҳим бўлмасин, ваҳоланки бутун дунёда, биз олдин муҳокама этиб ўтган тамойиллар ўрнатилмас экан, барқарор тинчликка олиб келмайди. Ўзимиздан сўрашимиз керак бўлган савол - модомики, одамлар воқеъликни мустақил излашни ўрганмасалар ва унинг ягоналигини англамасалар, асрларча давом этиб келган адоват сақланиб қолмайдими ахир? Бизларнинг барчамизнинг келиб чиқишимиз ягона. Оллоҳ ҳаммамизнинг ғамхўримиз ва ҳаммамизни Ўз Мазҳарлари орқали тарбиялайди. Улар таълимотларининг негизида айни муҳаббат ва биродарлик тамойили ётади. Қачонки динлар бирлиги тан олинса, диний можаролар тўхтади ва дин нури тинчлик сари олиб

борувчи йўлни ёритади. Ўзимиздан сўрашимиз керак бўлган яна бир савол шундаки, ахир жаҳолат булутларини тарқатиб юбориш учун ва тинчлик йўлида тўсиқ бўлиб турган бидъатларнинг барча шакллариининг ёлғонлигини намойиш этиш учун фан ва дин уйғунликда ишлаши зарур эмасми? Ҳозирда, ер юзининг барча бурчакларида мавжуд бўлган бойлар ва камбағаллар орасидаги тенгсизлик бартараф этилмас экан, тинч-тотув ҳамжамиятни барпо этиш мумкинми? Шунингдек, токи ҳаётнинг барча жабҳаларида аёлларга эркаклар билан бир қаторда қатнашишга изн берилмас экан, тарихнинг катта қисмини изоҳлаб келган зўравонлик тинчликка ва ҳаққоний фаровонликка ўрин бўшатмайди. Янги ўсаётган авлод ушбу тамойиллар асосида таълим тарбия кўриши керак, акс ҳолда тинчликка бўлган ҳар қандай умид чилпарчин бўлади. Инсоният келажаги ҳақида қайгурадиган кишилар билан бўлишиш учун Баҳоуллоҳнинг қуйидаги сўзларини ёд олишингиз мумкин:

“Токи инсониятнинг бирдамлиги мустаҳкам қарор топмас экан, унинг фаровонлиги, тинчлиги, хавфсизлигига эришиб бўлмайди.”⁴¹

REFERENCES

1. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1983, 2017 printing), CIX, par. 2, p. 243.
2. *Ibid.*, CXXXII, par. 1, p. 325.
3. *Ibid.*, XXXIV, par. 5, p. 89.
4. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1988, 2005 printing), no. 11.1, p. 161.
5. Bahá'u'lláh, *The Kitáb-i-Íqán: The Book of Certitude* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2003, 2018 printing), par. 151, p. 131.
6. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, XXVIII, par. 2, p. 77.
7. *Ibid.*, XXIV, par. 1, p. 66.
8. *Ibid.*, CXI, par. 1, p. 246.
9. *Ibid.*, XLIII, par. 6, p. 106.
10. *Ibid.*, CX, par. 1, p. 244.
11. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 15.4, p. 220.
12. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, XCV, par. 1, pp. 219–20.
13. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 9.13, p. 141.
14. *Ibid.*, no. 5.13, p. 51.
15. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXII, par. 1, pp. 247–48.
16. *Ibid.*, CXXXII, par. 3, p. 326.
17. *Ibid.*, CXI, par. 1, p. 246.
18. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 7.20, p. 90.
19. *Ibid.*, no. 6.25, pp. 66–67.
20. Bahá'u'lláh, cited by Shoghi Effendi, *The Advent of Divine Justice* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2006, 2018 printing), par. 42, p. 41.
21. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 3.23, p. 27.

22. Bahá'u'lláh, *The Hidden Words* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2003, 2012 printing), Persian no. 80, p. 51.
23. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 6.19, p. 64.
24. *Ibid.*, no. 6.37, p. 71.
25. Bahá'u'lláh, in *Huqúqu'lláh—The Right of God: A Compilation of Extracts from the Writings of Bahá'u'lláh and 'Abdu'l-Bahá and from Letters Written by and on Behalf of Shoghi Effendi and the Universal House of Justice*, compiled by the Research Department of the Universal House of Justice (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2007), no. 16, p. 16.
26. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXVIII, par. 2, p. 283.
27. *Ibid.*, CXVII, par. 1, p. 282.
28. Bahá'u'lláh, cited by Shoghi Effendi, *The Promised Day Is Come* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1996, 2018 printing), par. 279, p. 187.
29. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXVII, par. 1, p. 282.
30. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 4.11, p. 36.
31. *Ibid.*, no. 6.3, p. 57.
32. *Ibid.*, no. 6.3, p. 58.
33. *The Hidden Words*, Persian no. 5, pp. 23–24.
34. Bahá'u'lláh, in *Women: Extracts from the Writings of Bahá'u'lláh, 'Abdu'l-Bahá, Shoghi Effendi and the Universal House of Justice*, compiled by the Research Department of the Universal House of Justice (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1986, 1997 printing), no. 54, p. 26.
35. *The Hidden Words*, Arabic no. 68, p. 20.
36. Bahá'u'lláh, in the compilation *Women*, no. 3, p. 3.
37. Bahá'u'lláh, in *Excellence in All Things: A Compilation of Extracts from the Bahá'í Writings*, compiled by the Research Department of the Universal House of Justice (London: Bahá'í Publishing Trust, 1981, 1989 printing), no. 5, p. 2.
38. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CLVI, par. 1, p. 378.
39. Bahá'u'lláh, *Epistle to the Son of the Wolf* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1988, 2016 printing), p. 26.

40. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 5.13, p. 52.
41. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXXXI, par. 2, p. 324.



Тушунчани Чуқурлаштирувчи Мавзулар

Мақсад

Маънавий аҳамиятга эга мавзуларда суҳбатлашиш
учун дўстлар ва қўшниларга ташриф
буюриш одатини ривожлантириш

1-БЎЛИМ

Ушбу учинчи боб, аввалгисига ўхшаб, мазмунли ва кўтаринки суҳбатга киришишимизга имкон берадиган қобилиятлар билан боғлиқ. Иккинчи бобда биз маънавий тамойилларга мурожаат қилиш орқали суҳбат даражасини кўтаришга имкон яратадиган кўплаб ҳолатларга эътибор қаратдик. Бу ерда диққат эътиборимиз жамоа ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзуларни ўрганиш учун дўстларимиз ва кўшниларимизнинг уйларига ташриф буюришга қаратилади.

Дунё бўйлаб қишлоқ ва маҳаллаларда, дўстлар гуруҳлари мунтазам равишда ўтказилаётган дуо учрашувлари, болаларнинг маънавий тарбиясига оид машғулотлар, ўсмирлар учрашувлари, ўқув тўғараклари, ёшлар лагерлари ва турли хил кампанияларни ўз ичига оладиган қатор ўзаро боғлиқ фаолиятларда фаол иштирок этмоқдалар. Ушбу фаолият андазаси маҳаллий жойларда илдиз отиб борар экан ва борган сайин кўпчилик ўзини хизмат кўрсатишга бағишлар экан, дўстлар ядроси тобора кенгайиб ва кучайиб боради. Қишлоқда ёки ҳудудда тобора кўпайиб бораётган уйларга ташриф буюришнинг тизимли дастури жамиятни қуриш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ҳозирги кунда тез ривожланиб бормоқда. Бундай ташрифлар давомида турли хил мавзулар муҳокама қилинади. Масалан, Баҳой болалар синфининг ўқитувчиси болаларнинг ота-оналарини тез-тез таълим-тарбияга тегишли мавзуларни муҳокама қилишга чорлаши керак. Худди шундай ташрифлар ўсмирлар ва ёшларнинг уйларига ўқув тўғаракларини олиб боровчилар ва етакчилар сифатида хизмат қилувчилар томонидан амалга оширилиб, инсон ҳаётидаги ушбу истикболли йиллар билан боғлиқ қийинчилик ва имкониятлар муҳокама қилиниши лозим. Хонадон аъзолари билан уларнинг Эътиқод ҳақидаги билимларини чуқурлаштирадиган мавзуларда суҳбатлар ўтказиш ҳам, бирдек муҳимдир. Умуман олганда, бундай ташрифларнинг жамиятда пайдо бўладиган ўртоқлик маданиятига таъсирини қадрламай бўлмайди.

2-БЎЛИМ

Ушбу бўлимнинг мақсади учун, биз юқорида таърифланган жараён олдинга силжиётган тасаввурий маҳаллани кўриб чиқамиз ва уни хонадон ташрифи пайтида юзага келиши мумкин бўлган суҳбат турларини ўрганиш учун контекст сифатида ишлатамиз.

Алехандра - университетнинг учинчи курсида ўқиётган ёш талаба қиз. У ва унинг укаларидан бири, у ҳам талаба, биз тасаввур қилган маҳаллада ота-оналари билан ўз туғилиб-ўсган уйларида яшайдилар. Улар тўрттовлон ва маҳаллага яқинда кўчиб келган ёш бир оила биргаликда дуо ўқиш учун ва 8000лик аҳоли ичида ташкил этилган фаолият турларининг ривожини тўғрисида маслаҳатлашиш учун ҳар ҳафта учрашиб турадилар. Вақт-вақти билан ушбу ҳафталик йиғилишларда қатнашиб, нафақат ўзларининг хизматлари ҳақида, балки жамиятни қуришнинг буткул жараёни тўғрисида ҳам мунтазам равишда ўйланадиган яна уч киши бор: олти ой олдин бошланган болалар машғулотини ўтказадиган ўқитувчиси, ҳамда ўсмирлар гуруҳи ҳаракатларини бошқарадиган ўн етти ёшар икки ёш, уларга ҳозирда ўз ота-онасидан мунтазам хабар олиб турадиган Алехандранинг акаси ёрдам беради, чунки у, уларнинг ўсмирлигида улар гуруҳининг етакчиси эди.

Биз кўриб чиқадиган суҳбатлар тўпламининг биринчиси, Алехандра билан маҳалладаги обрўли ва ҳурматга сазовор Санчеслар оиласи ўртасидаги суҳбатдир. Ёши олтмишдан ошган ушбу жуфт ўғил-қизларини вояга етказиб, Алехандранинг уйидан бир неча квартал нарида ўзлари танҳо яшайдилар. Жаноб ва хоним Санчес саводли инсонлар, аммо ўқув муассасаларида жиддий таълим олмаганлар. Саховат ва пок ишларга тўла ҳаётий тажрибадан орттирган доноликлари туфайли улар кенг омма ҳурматини қозонганлар. Улар бир мунча вақт олдин Баҳой таълимотидан хабардор бўлдилар, яқинда эса, уни жиддий ўрганишга қарор қилдилар. Бир ҳафта олдин улар Алехандранинг ота-онасига ўзларининг жамоага қўшилиш истакларини етказдилар. Уларни илиқ кутиб олиш учун учрашув аллақачон режалаштирилган ва бундан ташқари, уларнинг Ўзбекистон ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришда ёрдам берадиган қатор мавзуларни муҳокама қилиш учун Алехандранинг улар хонадонига бир неча ҳафта давомида ташриф буюриши ҳақида келишиб олинган. Ташрифлар ҳақидаги ҳикояни кузатиб борар экансиз, сиз ҳам ушбу мавзуларни ўрганишингиз ва айтиш пайтнинг ўзида, бундай вазиятлардаги суҳбат динамикаси ҳақида фикр юритишингиз мумкин.

3-БЎЛИМ

Алехандра жаноб ва хоним Санчес билан бўладиган биринчи суҳбат мавзусини куйида келтирилган қисқача изоҳга, яъни Оллоҳнинг Абдий Аҳди мавзусига асослашни режалаштирмоқда.

Бутун мавжудотни Воҳид, Холик, Боқий Оллоҳ яратган. Баҳоуллоҳ айтадиларки, Оллоҳнинг моҳияти инсоний идрокка ва тасаввурга сиғмайди, зеро, инсон онги чекланган бўлиб, интихосизликни англаши мумкин эмас. Инсонлар Оллоҳ ҳақида тўкиб чиқарган тасаввурлари, улар фикру хаёлларининг самарасидир. Оллоҳ — инсон эмас, наинки бутун коинотга тарқалган куч ҳам эмас. Ўз борлигимизнинг манбаи сифатида Самовий Бузруквор, Самовий Қудрат, Улуғвор Рух дея таърифлаш учун фойдаланадиган сўзларимиз Унинг исмларидан ва сифатларидан бирининг инсоний тилдаги ифодаси бўлиб, табиийки, бу ўз ҳолича Уни тўлиқ таърифлаш учун етарли эмас.

Нихон Калималарда куйидагиларни ўқиймиз:

“Сенинг яратилишингни севдим, шунинг учун сени яратдим. Мени севким, токи сени зикр этгум ва қалбингни ҳаёт руҳи ила тўлдиргум.”¹

Баҳоуллоҳнинг бу сўзларидан кўриниб турибдики, Оллоҳнинг бизга муҳаббати бизнинг мавжудлигимиз сабабидир. Бизни асрайдиган, мадаккор бўладиган ва ҳаётий руҳ билан тўлдирадиган бу муҳаббатни яхши англамоғимиз лозим. Машаққат ёки беғамлик билан, қайғу ёки шодлик билан кечадиган ҳар бир дақиқамизда, Оллоҳ муҳаббати бошимиздан ёғилиб турганлигини ёдда тутишимиз керак.

Баҳой таълимотидан биламизки, Оллоҳ бизни ўз муҳаббатидан яратар экан, биз билан Аҳд боғлади. “Аҳд” сўзи икки ёки бир неча томонлар ўртасидаги ўзаро битим ёки ваъдалашувни англатади. Улуғвор Аҳдга кўра, Ато этгучи Оллоҳ

бизни ҳеч қачон ўз ҳолимизча танҳо ташлаб қўймайди ва вақти-вақти билан Ўз Мазҳарларидан бирининг воситасида бизга Ўз Иродаси ва Ниятини зоҳир этади.

“Зоҳир этмоқ” дегани аввал номаълум бўлган ниманингдир очилиши, намоён бўлиши демакдир. Оллоҳнинг Мазҳарлари – бизга Оллоҳ Каломини очиб берувчи ва аён этгувчи алоҳида Зотлардир. Улар жаҳон Мураббийлари бўлиб, бизга қандай қилиб Оллоҳ Иродасига мувофиқ яшаш ва ҳақиқий бахт-саодатга эришиш ҳақида сабоқ беришади. Ана шундай Мазҳарлардан — Иброҳим, Кришна, Мусо, Зардушт, Будда, Исо, Муҳаммад ва албатта, инсоният тарихида асримизнинг икки Қўша Мазҳари бўлмиш Боб ва Баҳоуллоҳлардир.

Шундай қилиб, Оллоҳнинг Абадий Аҳдида Унинг ўзига тегишли бўлган қисми ҳамиша бажариб келинган. Барчамиз ўзимиздан сўрашимиз керак бўлган асосий савол будир: “Қандай қилиб мен Аҳдда ўзимга тегишли қисмни бажара оламан?” Барча диний битиклардан топадиган жавобимиз: Оллоҳ Мазҳарини тан олиш ва Унинг таълимотига бўйсуниб орқалидир. Бу жавоб ҳаётимизнинг асл мақсади, яъни Оллоҳни билиш ва Унга ибодат қилишга келиб тақалади. Қисқа фарз намозида биз қуйидагиларга шаҳодат келтирамыз:

“Ё Оллоҳим гувоҳлик бераманки, Сен мени Сени билмоғим ва Сенга ибодат қилмоғим учун яратдинг. Ушбу дамда гувоҳлик бераманки, мен ожиз ва Сен Қувватлисан мен заиф ва Сен Қудратлисан мен фақир ва Сен Ғанийсан.

Бало-қазода Сендан ўзга Мададкор, Абадий Бирубор Парвардигор йўқ.”²

Модомики, биз Оллоҳни фақат Унинг Мазҳарлари орқали била олар эканмиз, ҳаётимиз мақсадига эришишнинг ягона йўли - Уларни тан олиб, Улар таълимотларига риоя қилишдир. Барча муқаддас китобларда, заминда тинчлик ва адолат қарор топиши ҳақида берилган ваъдалар амалга ошаётган бир пайтда яшаш иноятидан, қалбимиз шукроналик билан тўлиб тошади. Баҳоуллоҳ шундай деб эълон қиладилар:

“Бу шундай Кунки, қачонки, Оллоҳнинг юксак марҳаматлари инсонларга ёғилди, Кунки, қачон Унинг қудратли файзи барча яралганларга қаратилди. Заминдаги барча ихтилофда яшаётган халқлар мурсага келишлари, мутлақ бирлик ва тинчликка эришганлари ҳолда, Тангри шавкат ва эзгулик дарахтининг соясига кирмоқлари лозим.”³

Ҳикоямизни давом эттиришдан олдин, сиз юқоридаги тушунтиришни ўқиб, гуруҳнинг бошқа иштирокчилари билан абзацма абзац мулоҳаза юритишингиз керак бўлади. Ҳар бирингиз ғояларни табиий равишда ва осонликча ифода эта олмагунингизча, бир-бирингизга саволлар беришингиз ва уларга биргаликда жавоб беришингиз мумкин. Иқтибосларни яхши ўрганиш айниқса муҳимдир, чунки бундай муҳокамаларда Муқаддас Битиклардан олинган парчалар билан бўлишиш зарурий ҳисобланади. Қуйидаги машқлар ушбу бўлимда келтирилган ғоялар ва парчаларнинг маъноси ҳақида ўйланишга ёрдам беради:

1. Оллоҳ моҳиятининг номаълум эканлигини бирон кишига қандай тушунтирган бўлардингиз? Юқоридаги биринчи абзац бу борада сизга ёрдам бериши керак.

- _____
- _____
- _____
- _____
2. Оллоҳ бизни нима учун яратди? _____
- _____
3. “Аҳд” сўзи нимани англатади? _____
- _____
4. Оллоҳ Ўзининг инсоният билан бўлган Абадий Аҳдида нимани ваъда қилди? _____
- _____
5. Ҳаётимизнинг мақсади нима? _____
- _____
6. Агар биз ҳеч қачон Оллоҳнинг моҳиятини била олмасак, унда ҳаётимизнинг мақсади бўлмиш Оллоҳни билиш дегани, нимани англатади? _____
- _____
7. “Зоҳир этмоқ” иборасининг маъноси нима? _____
- _____
8. Оллоҳ Мазҳарларидан баъзиларининг номини келтиринг: _____
- _____
- _____
- _____
9. Агар биз Аҳддаги ўз қисмимизни адо этмоқчи бўлсак, биздан нима талаб қилинади? _____
- _____
10. Қуйидаги гапларни тўлдилинг:
- а. Бу шундай Кунки, _____, Оллоҳнинг _____
- _____ инсонларга ёғилди.
- б. Ушбу Кунда Оллоҳнинг _____ барча яралганларга қаратилди.

в. Ушбу Кунда _____
_____ мурасага келишлари,
мутлақ тинчлик ва бирлика эришганлари ҳолда, _____
_____.

11. Баҳоуллоҳ дунё халқларидан нима қилишларини сўрайдилар? _____

4-БЎЛИМ

Алехандранинг фикрида нафақат жаноб ва хоним Санчес билан бўлишишни режалаштирган мавзу мавжуд. У улар билан мустаҳкам дўстлик ришталарини ўрнатишга умид қилмоқда. Ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, у бидъат(таасублар) ва ҳомийларча муносабатда бўлишнинг таъсири зарарли эканлигини билади. Табиийки, у ўзини бундан узоқ тутди; унинг олий маълумотли эканлиги, унинг камтарлигини камайтирмади. Унинг юрагида Санчесларга бўлган чинакам муҳаббат ва ҳурматдан бошқа нарса йўқ. Биринчи мавзунини қандай тушунтириши кераклигини ўйлар экан, у, бунинг кўп ҳафтадан ичида очилиб борадиган давомий суҳбатларнинг боши эканлигини ўзига эслатади. У ғояларнинг кетма-кетлигини аниқлик билан тақдим этиш муҳим бўлса-да, уларнинг жавобини тинглаш учун баъзи бир жойларда тўхталиб ўтиши кераклигини тушунарди. “Мен ҳаяжонланмасликка ҳаракат қилишим керак, - дейди у ўзига ўзи, - акс ҳолда, тўхтовсиз гапиришим мумкин ва суҳбатни шакллантириш учун имкон бўлмайди”. Алехандра ўз ташрифи ҳақида бир муддат ўйлашни давом эттиради. Унинг ўрнида сиз бўлганингизда, қуйидаги фикрлардан қай бирини ақлингиздан жой олиши муносиб деб билардингиз?

_____ Менинг вазифам Санчесларга Ўтиқодни ўргатиш ва ўргатган нарсаларимни ўзлаштирганликларига амин бўлиш.

_____ Шунақанги ажойиб хонадон билан биргаликда вақт ўтказиб, муборак Битиклардан олинган парчаларни улар билан баҳамжиҳат ўрганиш қандайин ифтихор.

_____ Ташриф буюришнинг муҳимлигини яхши биламан. Бироқ, бу кўп вақтимни олмайди деб умид қиламан, чунки, бажаришим лозим бўлган бошқа юмушларим бор.

_____ Иқтибослар улар учун жуда мураккаб бўлади. Мен бир-икки оддий ғояларни айтиб ўтаман. Энг муҳими уларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш.

_____ Санчеслар бу ёшларида, кўп нарсаларни ўргана олмайдилар.

_____ Мен ташрифни, ҳамда уларнинг мавзу муҳокамасидан ва иқтибослар мулоҳазасидан туғиладиган илҳомларини эшитишни иштиёқ билан кутмоқдаман.

_____ Улар ўқишни биладилар. Мен шунчаки мавзуни тақдим этиб, уларга ўзлари мустақил ўрганишлари учун иқтибосларни қолдираман.

_____ Гояларни тақдим қилганда, иқтибосларни биргаликда ўрганишимиз ва улар ҳақида маслаҳатлашиш учун тез-тез тўхталиб туришим керак бўлади.

_____ Мавзуни тўлалигича, бўлмасдан тақдим эта оламан деб умид қиламан ва охирда улардан саволлари борми ёки йўқлигини сўрайман.

Бундай ташрифга тайёргарлик кўришда, ўзингиз истаган ёки истамаган бошқа хис-туйғулар фикрингизга келадими?

5-БЎЛИМ

Алехандранинг Санчеслар уйига биринчи ташрифи яхши ўтди. Улар унинг ҳаяжонланганини пайқашди ва ўз илиқ меҳрибонликлари билан унга ўзини эркин ҳис этиши учун имкон яратдилар. Улар уни диққат билан тинглашди ва иқтибосларга алоҳида эътибор бериб, муҳокамада тўлиқ қатнашдилар. Ягона қийинчилик, Санчес хонимнинг охирда Алехандрани ҳайратда қолдирадиган саволни берганида туғилди: “Баҳойий жамоасига қўшилсам, Исони унутган бўламанми?” Алехандра жавобни билади, аммо уни ифодалаш учун унга вақт керак бўлади. Жаноб Санчес жилмайиб, ёрдамга келади: “Менимча, Исо Масихга бўлган муҳаббатим, Баҳойий таълимоти тўғрисида билганимиздан бери ўсди”. “Ҳа, кўпчилик дунёда шундай ҳис қилмоқда, — деб қўшиб қўйди фикрларини жамлашга улгурган Алихандра. — “Уларнинг Мусо, Исо, Кришна, Будда, Зардушт ва Муҳаммадга бўлган муҳаббатлари Баҳоуллоҳнинг Оллоҳ бирлиги, дин бирлиги ва инсоният бирлиги тўғрисида таълими туфайли кучайди.”

Ўз гуруҳингизда ташрифнинг самарали ўтиши учун Алехандра кўрсатиши лозим бўлган бир қанча фазилат ва муносабатлар мунозараси учун вақт ажратиш фойдали бўлади. Сиз эътиборга олишингиз керак бўлган асосий нарса — камтарликдир. Барча камтарликнинг асоси — Оллоҳ олдидаги камтарликдир. Ўша камтарликдан Оллоҳнинг яратганлари қаршисидаги камтарлик келиб чиқади. Оллоҳ ва Унинг Мазҳарлари ҳақида гапирганда, камтарлик алоҳида аҳамият касб этади. Сиз Баҳоуллоҳнинг қуйидаги сўзлари устида мулоҳаза юритиб, бор кучингиз билан уларни ёдлашга уриниб кўринг:

“Оллоҳ ҳабиблари, Оллоҳга бўлган ўз муносабатларида ва Унга ҳамду сано айтишларида шу қадар камтарлик ва итоаткорлик кўрсатишлари лозимки, токи оёқлари остидаги хокнинг ҳар бир зарраси улар садоқатининг чуқурлигидан гувоҳлик берсин. Бу тақводор қалблар томонидан айтиладиган нутқлар шундай қувватга эга бўлиши керакки, токи уни тинглаб хокнинг ўша зарралари ларзага келсин. Улар ўзларини шундай тутмоқлари лозимки, қадам босиб юрган заминлари уларга қуйидагидек каломларни айта олмасин: — Мен сизлардан кўра кўпроқ мақтовга сазоворман. Зотан, деҳқонларнинг менга юклаган юкига қанчалар тоқат билан бардош қилаётганлигимни кўринг. Ҳар қандай марҳаматнинг манбаи бўлмиш Зотнинг менга билдирган ишончи туфайли барча мавжудотларни ярлақаш мен орқали хабар қилинмоқда. Менга

билдирилган ишончга ва ҳар қандай мавжудот эҳтиёжларига хизмат қилувчи бойликларимнинг беҳисоб гувоҳликларига қарамай, менинг нақадар итоаткорлигимга, одамлар мени оёқлари остида топташларига нақадар мутлақ фидойилик билан имкон бериб қўйганимга нигоҳ ташланг”⁴

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инсон мавжудоти олдида камтарлик, Оллоҳ олдидаги камтарликдан келиб чиқади. Дўстимиз ёки кўшнимизнинг уйига баъзи бир мавзуларни биргаликда чуқурроқ ўрганиш учун ташриф буюрганимизда, айтиш камтарликдаги ибодат ҳолатида бўламиз. Сухбат давомида биз ўз фикрларимизни тез-тез Оллоҳга қаратамиз, Ундан бизнинг, шунингдек, шу ерда бўлганларнинг ҳаммасини, онгимиз ҳамда қалбимизни ёритишини сўраймиз. Ушбу мақсадни ёдда тутишимиз учун ибодатларда кўплаб иборалар ва жумлалар мавжуд. Қуйида улардан баъзилари:

“ Қалбларимизни равшан, кўзларимизни кўргувчи ва қулоқларимизни эшитгувчи қил.”⁵

“ Ё Оллоҳим, бепоён лутф ва эҳсонингни дариғ тутма, ҳидоятнинг нурини чароғон айла.”⁶

“ Ҳақиқий илм дарвозаларини очгин ва иймон нурини сочгин.”⁷

“ Ё Оллоҳ, бандаларинг юзини ёритгин, токи Сени кўра олсинлар.”⁸

“Сенинг Илоҳий Бирлигинг бўлмиш ушбу даврда Сенинг ироданга зид бўлган нарсалардан ҳимоя тилаб, бор қалбим, онгим ва тилим ила Сенга буткул илтижо қилурман . . .”⁹

6-БЎЛИМ

Санчеслар уйига ташрифдан ва улар билан абадий Аҳд мавзусидаги сухбатдан сўнг, Алехандранинг юраги қувончга тўла. “Кейинги ташриф Баҳоуллоҳ ҳаётлари ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришда улар учун яхши имконият бўлиши мумкин”, — деб ўйлайди у. Қуйида у, мурожаат этган тақдимот:

Баҳоуллоҳ 1817 йил Эрон пойтахти бўлмиш Техрон шаҳрида таваллуд топадилар. Ул Зот болаликлариданоқ, ўзларининг ажойиб қобилиятларини намоён этадилар ва буни сезган ота-оналари ўз фарзандларини буюк келажак кутаётганлигига амин бўлишади. Баҳоуллоҳнинг отаси шоҳ саройининг таниқли вазири бўлиб, отанинг ўғлига бўлган муҳаббати чексиз эди. Бир кеч у туш кўрадики, тушида Баҳоуллоҳ улкан уммон оғушида сузиб борар, вужудларидан нур таралиб, уммонни равшан этиб турарди. Тим қора сочлари эса, сув юзида бошлари узра таралиб ётар ва атрофларида жуда кўп балиқлар йиғилиб, ҳар бир соч толасига биттадан балиқ ёпишган эди. Балиқлар шу қадар кўп бўлса-да, бирон тола соч ҳам узилмабди. Баҳоуллоҳ сув қўйнида эмин-эркин сузиб борар, балиқлар эса, Ул Зотнинг ортидан эргашар эдилар. Баҳоуллоҳнинг отаси машҳур бир донишманддан ушбу туш таъбирини сўрайди. Донишманднинг айтишича, бепоён уммон – бу, бутун дунё бўлиб, Баҳоуллоҳ якка-ю ёлғиз,

Ўзгаларнинг ёрдамисиз ушбу дунё салтанатига эришади. Сон-саноксиз балиқлар эса, Ул Зотнинг келиши билан дунё халқларида пайдо бўладиган ғул-ғулалардир. Аммо, Ул Зот илоҳий ҳимоя ва муҳофаза остида бўлгусидир, ва ҳеч нарса Ул Зотга зиён-заҳмат етказа олмайди.

Баҳоуллоҳ 14 ёшлигидаёқ, ўз донолиги ва билимдонлиги билан шоҳ саройида машҳур бўлади. Ул Зот 22 ёшга кирганида отаси вафот этади ва ҳукумат Баҳоуллоҳга отаси эгаллаган юқори лавозимни таклиф этади. Бироқ, Ул Зотда сиёсий арбоб бўлиш истаги йўқ эди. Ул Зот давлат ва унинг вазирлигини ортда қолдириб, Ўзлари учун Оллоҳ томонидан белгилаб қўйилган йўлни, яъни, фақиру заифларга ва беморларга ёрдам бериш йўлини тутадилар ва тез орада адолатнинг машҳур ҳимоячисига айланадилар.

27 ёшида Баҳоуллоҳ махсус чопар орқали Бобнинг баъзи бир битикларини оладилар, уларда инсоният узоқ кутган янги Элчи келадиган Куннинг яқинлиги, бу Илоҳий Мазҳар дунёда тинчлик, бирдамлик ва адолат олиб келиши башорат қилинган эди. Баҳоуллоҳ Бобнинг бу Хушхабарини зудлик билан қабул қилиб, Ул Зотнинг фидойи издошларидан бирига айланадилар. Бироқ, ўз ғаразли истаклари кўзларини кўр қилиб қўйган Эрон ҳукмрон доиралари Бобийларни шафқатсиз таъкиб қила бошлайдилар. Ўзларининг нуфузли келиб чиқишларига қарамасдан, Баҳоуллоҳ ҳам таъкибга учрайдилар. Боб ўз вазифаларини эълон қилганларидан сўнг саккиз йил ўтиб ва Ул Зот қатлларидан кейин икки йил ўтгач, Баҳоуллоҳ “Қора Ўра” деб аталадиган даҳшатли зиндонга ташланадилар. Ул Зотнинг бўйнига солинган занжирлар шу қадар оғир эдики, ҳатто, бошларини ҳам кўтара олмасдилар. Зиндондаги ўта оғир муҳтожликда даҳшатли ва машаққатли тўрт ой ўтади. Бу азобу изтиробларга қарамасдан, худди ана шу ерда Илоҳий Ваҳий Ул Зотга нозил бўлиб, Ул Зотнинг барча замонларда Ваъда Қилинган Зот эканлиги маълум бўлади. Ана шу қоронғи зиндондан Баҳоуллоҳнинг Қуёши бош кўтариб, бутун оламни ёритиб юборади.

“Қора Ўра”даги тўрт ойлик маҳкумликдан сўнг, Баҳоуллоҳ бор мол-мулкидан маҳрум этилиб, оилалари билан сургунга учрайдилар. Қаҳратон қишда улар ғарбий Эрон тоғлари оша ўша пайтда Усманийлар империясининг шаҳарларидан бири бўлган, ҳозирда эса, Ироқнинг пойтахти бўлмиш Боғдод шаҳрига йўл олишади. Тақдир насиб этган бу шаҳарга бориш учун уларнинг юз чақиримлаб қор босиб, муз кечиб чеккан интиҳосиз йўл азобларини тасвирлашга сўз ожизлик қилади.

Тез орада Баҳоуллоҳнинг шухрати Боғдод ва бутун империя бўйлаб ёйилади. Сургундаги бу Маҳкумнинг ярлақаш ичун Ул Зотнинг ҳузурига тумонат одам оқиб кела бошлайди. Бироқ, Ул Зотнинг шухратини кўролмайдиган ҳасадгўйлар ҳам йўқ эмас эди. Мирзо Яҳёнинг фитнаси Боб издошлари ўртасидаги парокандаликка сабаб бўлади ва Баҳоуллоҳ бундан қаттиқ кайғурадилар. Бир куни кечаси Баҳоуллоҳ ҳеч кимга ҳеч нарса демай, Қурдистон тоғларига жўнаб кетадилар. У ерда Баҳоуллоҳ танҳоликда яшаб, ибодат ва мушоҳада билан машғул бўладилар. Ул Зот кичкина бир ғорда истиқомат қилиб, жуда оддий озуқа билан тирикчилик ўтказадилар. Ҳеч ким Ул Зотнинг ижтимоий келиб чиқишларини ва ҳатто номларини ҳам билмас эди. Бироқ, маҳаллий аҳоли Ул Зотни аста-секин Номсиз, Илоҳий илмлар нозил этилган буюк муқаддас Зот деб атай бошлайди. Муқаддас Зот ҳақидаги янгиликлар Баҳоуллоҳнинг тўнғич ўғли

Абдул-Баҳонинг ҳам кулоғига етиб боргач, у дарҳол бу Зот ўзининг сеvimли Отаси эканлигини англаб етади. Махсус чопар орқали мактуб жўнатиб, унда Отасининг Боғдодга қайтишини илтижо қилиб сўрайди. Баҳоуллоҳ бу илтижоларга рози бўладилар. Ана шу тариқа икки йилга чўзилган айрилиқ азоби ниҳоясига етади.

Баҳоуллоҳ йўқлигида бобийлар жамоасининг аҳволи жуда тез ёмонлашиб кетган бўлади. Курдистон тоғларидан қайтгач етти йил давомида Баҳоуллоҳ умидсизликка тушиб қолган, таъқиб остига олинган Боб издошлари қалбига янгича руҳ бахш этдилар. Гарчи, Ул Зот ҳали ўзининг буюк мақомини эълон қилмаган бўлса-да, сўзларининг қудрати ва донолиги кўплаб бобийлар қалбини забт этиб, турли ижтимоий табақа вакилларининг олқишига сазовор бўла бошлайди. Бироқ, ақидапараст мусулмон Руҳонийлари Баҳоуллоҳнинг буюк таъсири кўплаб қалбларни забт эта бошлаганига хотиржам қараб тура олмайдилар. Улар ҳокимият идораларига қайта-қайта шикоят қиладилар ва ниҳоят, Усманийлар империяси билан келишган Эрон ҳукумати бу гал Баҳоуллоҳни ўз ватанидан узокроққа – Константинополга (ҳозирда Истамбул) жўнатишга муваффақ бўлишади.

1863 йилнинг апрели Боғдод аҳолиси учун ўта қайғули ой бўлади. Улар ниҳоятда қаттиқ севган Зот шаҳарни тарк этиб, қаёққадир кетиш арафасида эди. Баҳоуллоҳ кетишидан бир неча кун аввал шаҳар чеккасидаги боғда чодир қуриб, ўн икки кун давомида ўзлари билан хайрлашмоқчи бўлган кишиларни қабул қиладилар. Боб издошлари бу боққа оғир қалб изтироби билан келишарди: улардан айримлари Баҳоуллоҳни янги сургун жойига кузатиш учун тўпланишган бўлса-да, аммо, уларнинг аксарияти Баҳоуллоҳ билан яқин мулоқотда бўлишдан маҳрум этилган эдилар. Бироқ, Оллоҳнинг Иродаси бу воқеанинг қайғули тус билан яқунланишига йўл қўймайди. Унинг чексиз марҳамат дарвозаси очилади ва Баҳоуллоҳ Ўзларининг Боб зикр этган Зот, Оллоҳ Мазҳари эканлигини эълон этадилар. Қайғу шаксиз шодиёна билан алмашинади. Кўнгиллар кўтарилиб, қалблар Оллоҳга бўлган муҳаббат билан тўлиб-тошади. Шундан бери 21 апрелдан то 2 майни ўз ичига олган ўн икки кун бутун жаҳон баҳойлари томонидан Ризвон байрами, Баҳоуллоҳ ўз вазифаларини эълон қилганларининг йиллиги сифатида нишонланиб келинади.

Константинополь (Истамбул) – Усманий империясининг пойтахти эди. Бу ерда ҳам Баҳоуллоҳнинг буюк донишмандликлари ва шахсий жозибалари кўплаб кишиларни ўзига жалб эта бошлайди. Ақидапараст мусулмон Руҳонийлари: “У энди ортиқ Истамбулда қолиши мумкин эмас”, - дея ўз норозилигини баён этади ва Баҳоуллоҳни Адрианополга (Адирна) сургун қилишга ҳокимиятни ишонтирадилар. Адрианополда Ул Зот жаҳон мамлакатларининг қироллари ва ҳукмдорларига мактублар ёзиб, уларни кишиларга зулм ўтказишни тўхатишга, ўзларини халқлар фаровонлиги учун бағишлашга даъват қиладилар. Шу орада Ул Зотнинг душманлари жуда шафқатсиз жазони ўйлаб топишади. Унга кўра, Баҳоуллоҳ ва Ул Зотнинг оиласи Аккога сургун қилиниши лозим эди. Ўша пайтда Акко, Усманийлар империясининг мустамлакаси бўлиб, жинойтчилар ва хавфли маҳбуслар ана шу шаҳарга сургун қилинар эди. Калтабин кимсалар Баҳоуллоҳ ушбу зиндон-шаҳар даҳшатли шарт-шароитида шак-шубҳасиз ҳалок бўлади ва Оллоҳнинг ўзи бунёд этган бу фаолият шу билан хотима топади деб хаёл қиладилар.

Баҳоуллоҳ Аккода кўплаб чеккан мусибатларини етказиш қийин. Ул Зот барча қулайликлардан маҳрум этилиб, туну кун душманлар куршовида эдилар. Бироқ, аста-секин маҳкумлик шарт-шароитлари ўзгара боради. Акко шаҳри аҳолиси ва ҳокимият вакиллари ушбу шаҳарга жўнатишган бир гуруҳ баҳойларнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқлигига тобора ишонч ҳосил қила бошлашади. Гарчи ҳали кўпчилик Баҳоуллоҳнинг буюк Мақомини англаб етмаган бўлса-да, бироқ, кишилар мазкур машҳур Зотнинг донишмандлиги ва муҳаббатига янгидан мафтун бўладилар. Орадан тахминан тўққиз йил ўтгач, Баҳоуллоҳ ва Ул Зотнинг издошлари учун ушбу зиндон-шаҳарнинг чиқиш эшиклари очилади. Ул Зотнинг суюкли ўғиллари Абдул-Баҳо Оталарига шаҳар деворлари ташқарисида яшаш учун муносиб жой топадилар ва кейинчалик Абдул-Баҳога уйни ижарага олиш имконияти пайдо бўлади. Баҳоуллоҳ ҳаётларининг қолган ўн уч йилини нисбатан тинчлик ва осойишталикда ўтказишга муваффақ бўладилар. Энди биз бу уйни Баҳжи Қасри деб биламиз. 1892 йилнинг май ойида Ул Зот ўзининг қудрати ва шон-шарафининг энг юқори чўққисидалигида вафот этадилар.

Баҳоуллоҳ умумжаҳон тинчлиги ва биродарлиги байроғини баланд кўтардилар, Оллоҳ Каломини очиб бердилар. Гарчи, душманлари Ул Зотга қарши бирлашганига қарамасдан, Оллоҳ Ул Зот Техроннинг даҳшатли зиндонидан занжирбандлигида ваъда қилганидек, охир-оқибатда, Баҳоуллоҳ ғолиб чиқдилар. Ҳали ҳаётлигидаёқ, Ул Ҳазратнинг Номалари минглаб кишилар қалбидан жой олди ва кўплаб кишилар Ул Зотга ўз ҳаётларини фидо этишди. Бугунги кунда Баҳоуллоҳнинг таълимотлари бутун дунё бўйлаб тарқалиб бормоқда, эндиликда, ҳеч нарса уни пировард мақсад - инсониятни ягона умумий Иш учун, ягона Дин учун бирлаштиришга тўсқинлик қила олмайди.

Баҳоуллоҳнинг ҳаёти ҳақидаги юқоридаги ҳикоя анча узундир. Қуйидаги машқларга ўтишдан олдин сиз ўз гуруҳингизда абзацларни ўқиб, бир-бирингизга саволлар беришингиз керак, шунда сиз мазмунини яхши ўрганишингиз ва уни осонликча



1. Сизга юқорида кўрсатилган маълумот асосида Баҳоуллоҳ ҳаёти билан боғлиқ бўлган асосий воқеалар кетма-кетлигини ёзиб қўйиш фойдали бўлиши мумкин.

-
- This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

- “Қадимий Гўзаллик бўлмиш Ул Зот, Ўзини занжирбанд этишга ижозат бердиким, токи инсоният ўз кишанларидан халос бўлсин дея; энг кучли Харсанглар зиндонига ташланишига ихтиёр бердиким, токи бутун олам ҳақиқий озодликка эришсин дея. Ул Зот ҳасрат қадаҳини охиригича сипқордиким, токи бутун замин халқлари мангу шодликка тўлсин дея. Булар Раҳмон ва Раҳийм Оллоҳ марҳаматидандур. Биз камситишларга рози бўлдик, эй Оллоҳ Воҳидлигига иймон келтирганлар, токи сиз юксалинг дея ва бисёр ноҳушликларни бошдан кечирдикки, токи сиз фаровонликда

бўлинг дея. Мана Ўша, янги дунёни қурмоқ учун келган Зот, кўринг, ўзларини Оллоҳ билан тенглаштирувчи кимсалар, Уни шаҳарлардан энг ташландикида кун ўтказишга мажбур этдилар!”¹⁰

3. Баҳоуллоҳнинг азоб-укубатлари ҳақида гапирганда, Ул Зотни душманларининг ночор қурбони сифатида кўрсатмаслик учун эҳтиёт бўлишимиз керак. Ул Зот ихтиёрий равишда инсониятни озод қилиш учун занжирбанд қилинишга рози бўлдилар. Баҳоуллоҳнинг ҳаётлари ҳақидаги ҳикоя, гарчи катта азоб-укубатлар билан тўлдирилган бўлса-да, моҳиятан ғалаба қозонган. Гуруҳингиз олиб боровчиси ёрдамида Баҳоуллоҳнинг азоблари ва ғалабалари ҳақида қисқача нутқни ҳозирги билимларингиз асосида тайёрлай оласизми? Қуйидаги саволлар сизга ёрдам бериши мумкин.

- а. Нега Баҳоуллоҳ занжирбандликка рози бўлдилар? _____

- б. Нега Баҳоуллоҳ зиндонда маҳбусликка рози бўлдилар? _____

- в. Нега Баҳоуллоҳ ҳасрат қадаҳини сипқордилар? _____

- г. Нега Баҳоуллоҳ Ўзларини камситилишларига йўл қўйиб бердилар? _____

- д. Нега Баҳоуллоҳ шу қадар кўп изтироблар чекдилар? _____

- е. Баҳоуллоҳнинг қўлларида бIRON-бир нарса келмаганлиги учун изтироб чекишга рози бўлдиларми? _____

- ж. Агар Баҳоуллоҳ ўз душманларидан ожиз бўлмасалар, унда нега Ул Зот изтироблар чекиш йўлини танладилар? _____

7-БЎЛИМ

Алеҳандранинг Санчеслар уйига буюрган иккинчи ташрифи худди биринчисидек қувончли ўтди. Жаноб ва хоним Санчес Баҳоуллоҳ ҳаётлари билан аллақачон бир оз таниш бўлсаларда, Алеҳандранинг тақдмотидан янада кўпроқ нарсаларни билиб олганларидан мамнун эдилар ва албатта, Ул Зотнинг чеккан изтиробларидан таъсирландилар. “Кўриниб турибдики, - деб мулоҳаза юритади Санчес хоним, - Оллоҳ Мазҳарлари ҳар доим мансабпарастлар ва дунёвий ҳокимиятга чанқоқлар қўлидан азоб чекиб келган”. Алиҳандра, охириги бўлимни ўрганишдан сиз ҳам билиб олган иқтибосни улар билан бўлишишни мақсадга мувофиқ деб билади - унда Баҳоуллоҳ

бизларнинг кишанлардан халос бўлиб, абадий бахтга эришишимиз учун азоб-уқубатларга рози бўлганликларини таъкидлайдилар. Ўша кунги муҳокамалардан сўнг, уччала дўст ҳам руҳланадилар.

Ўзининг кейинги ташрифи ҳақида ўйлар экан, Алехандра тезлик билан, табиий равишда навбатдаги мавзу Абдул-Баҳо ҳақида бўлади деган фикрга келади. Албатта, у қуйидаги саволларга тўхталиб ўтишни режалаштиради:

Абдул-Баҳо, Баҳоуллоҳнинг тўнғич ўғиллари бўлиб, инсоният тарихидаги энг нодир сиймодир, илгариги динларнинг ҳеч бирида Унингдек шахсни тополмаймиз. У болалигиданок, Ўз отасининг илоҳий мақомини тан олади ва отаси билан биргаликда бор сурғуну изтиробларни баҳам кўради. Баҳоуллоҳ Ўзларидан кейин баҳоний жамоасини, айнан, Абдул-Баҳонинг зиммаларига қолдирадилар. Баҳоуллоҳ инсониятни нақадар чексиз иноят билан сийлаганини биз ҳеч қачон тўласинча баҳолай олмаимиз, зеро Ул Зот бизга наинки Ўз олий Зухурларини, балки Ўзларининг айтишларича, билими ва донолиги билан оламни чароғон айлаб, ҳидоятга бошлайдиган Ўз Ўғилларини ҳам ато этдилар.

Абдул-Баҳонинг ҳаётлари ва нутқларини ўрганар эканмиз, биз У кишининг мазкур Зухур даврида антиқа бир мақомни эгаллаганликларини идрок этамиз. Бу мақомнинг уч жиҳатини ёдда сақлашимиз муҳим.

Биринчидан, Абдул-Баҳо, Баҳоуллоҳ Аҳдининг Марказидирлар. Баҳоуллоҳ издошларини ўз қалбларини шу марказга қаратишга ва унга тўласинча содиқ бўлишга чорлаб, аҳду паймон боғлайдилар. Абдул-Баҳо Ўз Васиятномаларида ўзларидан кейин Шавқий Эффендини, Ўтиқод Муҳофиз (Валии Амруллоҳ) ва ҳамма мурожаат қилиши керак бўлган марказ деб атайдилар. Бугунги кунда бундай марказ Умумжаҳон Адолат Уйидир, у Баҳоуллоҳнинг махсус фармойишлари, ҳамда Абдул-Баҳо ва Муҳофиз қолдирган аниқ кўрсатмаларга биноан жорий қилинган. Аҳд кучи баҳоний жамоасини бирдамликда тутиб, уни парокандалик ва парчаланишдан асрайди.

Иккинчидан, Абдул-Баҳо Баҳоуллоҳ сўзларининг бенуқсон тафсирчисидирлар. Баҳоуллоҳнинг Зухурлари шу қадар кенг қамровли, Ул Зот каломларида мужассам бўлган маънолар шу қадар чуқурки, Ул Зот Ўзларидан кейин, Ўзлари томонидан илҳомланган тафсирчини қолдириш кераклигини зарур деб билдилар. Шу тариқа, инсониятнинг келажак авлодлари, Баҳоуллоҳ таълимотини Абдул-Баҳонинг кўпсонли лавҳ ва асл нутқларининг транскриптларини ўқиб-ўрганиш орқали тушуна оладилар. Абдул-Баҳодан сўнг, Баҳоуллоҳ таълимотининг тафсирчиси Муҳофиз бўлдилар; шу билан тафсир масаласи тугайди, улардан сўнг Баҳоуллоҳнинг сўзларини то Ул Зот Зухурининг даври тугамагунича талқин этишга ҳеч кимнинг ваколати йўқ.

Ўтмишда ҳар бир дин, муборак оятлар талқинларининг турли-туманлигидан парокандаликка учраб, зиён кўриб келган. Мазкур Зухур даврида эса, Баҳоуллоҳ айтган сўзларнинг маъноси борасида тушунмовчилик туғилса, барча Абдул-Баҳо ва Муҳофизнинг талқинларига мурожаат қилади. Агар янада аниқлик киритишга эҳтиёж туғилса, ҳар бир киши аниқлик сўраб Умумжаҳон Адолат Уйига мурожаат этиши мумкин. Шу тариқа, таълимот тамойилларининг маъноси ҳақидаги баҳсларга ўрин қолмайди ва Ўтиқод бирлиги сақланади.

Учинчидан, Абдул-Баҳо Ўз Оталарининг таълимотини ўзида мужассам этган мукаммал Намунадирлар. Гарчи биз, ҳеч қачон баркамолликнинг бу қадар юксак босқичига кўтарилишга умид қила олмасак-да, ҳамиша кўз ўнгимизда У кишини тассавур этишимиз ва Ул Зотдан ўрнатилган ҳаракат қилишимиз лозим. Битикларда муҳаббат ҳақида ўқиганимизда, биз Абдул-Баҳога мурожаат этишимиз ва муҳаббат эзулиқнинг асл моҳиятини кўришимиз мумкин. Гар софлик, адолат, ҳалоллик, шодлик ва олийҳимматлилик ҳақида ўқисак, Унга мурожаат қилиб, Унинг ҳаёти ҳақида ўйланишимиз мумкин, шунда биз бу фазилатларнинг барчаси У кишида тамомила баркамолликда мужассам бўлганини кўрамиз.

Абдул-Баҳо ҳаётининг мақсади, албатта, хизмат эди. Абдул-Баҳо исмининг маъноси “Баҳонинг қули” деганидир ва У киши Ўзларига берилган барча номлардан шу исмни бошқаларидан афзал билдилар. Абдул-Баҳонинг қуйидаги сўзлари хизматга бўлган эҳтиросли истакларининг ифодасидир:

“Менинг номим – Абдул-Баҳо. Менинг зотим – Абдул-Баҳо. Менинг сифатим – Абдул-Баҳо. Менинг ҳақиқатим – Абдул-Баҳо. Менинг мақтовим – Абдул-Баҳо. Зеро, Муборак Жамолга қуллик – менинг шавкатли ва нурафшон тоғимдир, бутун инсон наслига хизмат - менинг азалий динимдир... Менинг Абдул-Баҳодан бошқа ҳеч исмим, мартабам, зикрим, шарафим бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмас. Бу менинг орзуйим. Бу менинг олий авжим. Бу менинг юксак интилишим. Бу менинг абадий ҳаётим. Бу менинг мангу иззатимдир.”¹¹

Табиийки, Алехандра навбатдаги ташрифи давомида, Санчеслар билан энг нодир сиймо ҳақида фақатгина бошланғич маълумот билан бўлишишни режалаштирмоқда; Абдул-Баҳонинг ушбу Зухурда тутган ўрни ҳақидаги тушунчалари уларда кейинги йиллар мобайнида янада чуқурлашади. Ҳаётда хизмат йўлидан силжиб борар экансиз, Унинг сўзлари устида фикрлаш ва Ул Зот кўрсатган ўрнатилган эслаш учун ҳали кўп имкониятлар туғилади. Китобнинг олдинги қисмида, аллақачон, сиз Ул Зот томонидан баён этилган баъзи нутқлар билан танишдингиз, ҳамда сизга Унинг чиқишлари ва Лавҳларида баён этилган фикрларни, худди Унингдек изҳор этишни ўрганиш таклиф этилган эди. Ҳозир эса, Ул Зотнинг мақомлари ҳақидаги сиз айна пайтда эга бўлган тушунчани мустаҳкамлаш учун, гуруҳингиз аъзолари билан юқорида айтиб ўтилган асосий пунктлар бўйича маслаҳатлашиш ва уларни раво изҳор этишни машқ қилиш сўралади. Келтирилган иқтибосли парча устида мулоҳаза юритиш, хизмат йўлидан олдинга силжишингизда ёрдам беради.

8-БЎЛИМ

Жаноб ва хоним Санчесларга ташриф буюришни бошлаганидан буён, Алехандрани ўйлантирган нарсалар - уларнинг маҳаллада жамоа ҳаётини қуриш жараёнида ишончга тўла ва фаол иштирокчи бўлишлари учун қандай мавзулар муҳокамаси уларга ёрдамлашиши мумкин деган савол бўлди. Бир томондан, у, улар руҳий ҳаётининг мунтазам равишда мустаҳкамланиб бориши учун ибодат, руҳ боқийлиги ва Оллоҳга бўлган муҳаббат ва содиқлик каби мавзуларни улар билан муҳокама қилишга умид қилади. Бошқа томондан эса, улар учун борган сайин ривожланиб борадиган жамоа

ҳақидаги қарашга эга бўлиш, ҳамда бундай жамоанинг пайдо бўлишида ўзларининг ҳам бебаҳо ҳисса қўша олишларини билишлари ҳам муҳимдир. Хоним ва жаноб санчеслар билан Абдул-Баҳонинг тутган ўрни ҳақидаги суҳбат давомида, Алехандра аста-секин навбатдаги ташрифнинг мавзуси ҳақида тушунчага эга бўла бошлайди. “Улар Ўзбекистоннинг мақсади инсонларни бирлаштириш эканлигини яхши тушунадилар”, - дея ўйлайди у. “Ана энди, эҳтимол, ўрганишимиз лозим бўлган мавзу, жамоада бирдамликни яратиш ва уни мустаҳкамлаш бўлса керак.”

Ўзининг тўртинчи ташрифи давомида Алихандра, айти пайтда маҳалладаги дўстлардан иборат кичик бир гуруҳ фаолиятини таърифлашдан бошлайди. “Бизнинг сафимиз кенгайиб борар экан, - дея тушунтиради у, - ҳар биримиз зиммамизга оладиган энг осон бўлмаган масъулият бу, сўзларимиз, фикрларимиз ва ҳаракатларимизда бирдамликка эришишдир. Агар рози бўлсангиз, бугун бирдамлик мавзусини биргаликда тадқиқ этайлик.”

Жамоамиз тараққиёти учун бирдамликнинг нақадар муҳимлигини яхши тушунаман, - дейди Санчес хоним.

Аслини олганда, айнан Баҳоуллоҳнинг бирдамлик ҳақидаги хабари бизнинг қалбимизни Ул Зотнинг таълимотига жалб этди, - дейди жаноб Санчес.

Мен қатор ғояларни танладим ва уларнинг ҳар бири учун тегишли иқтибосларни топдим, - дейди Алихандра. - Қарши бўлмасангиз агар, биз уларни бирма-бир қараб чиқишимиз ва муҳокама қилишимиз мумкин.

Қуйида Алехандра тузган ғоялар рўйхати келтирилган:

- Жамоамиз ҳақиқатда бирдам бўлиши учун, ҳар биримиз жанжал ва низодан қочишимиз керак. Баҳоуллоҳ таъкидлайдилар:

“Бу Кунда Оллоҳ Амрига ҳеч бир нарса, Тангри ҳабиблари ўртасидаги ихтилоф, зиддият, жанжал-низо, парокандалик ва бепарволик етказган зиёнчалик кучли зарар етказиши мумкин эмас. Оллоҳ қудрати ва Унинг улугвор мадади билан бундан четланинг ва Унинг Бирлаштиргувчи, Алийм, Қодир номи билан кишилар қалбини чамбарчас боғлашга ҳаракат қилинг.”¹²

- Биз жамоадаги ҳар бир кишига меҳр-муҳаббатли бўлишимиз керак, зеро бу муҳаббат, бизнинг Оллоҳга бўлган муҳаббатимизни аксидир. Абдул-Баҳо айтадилар:

“Комил бирдамликда бўлинг. Ҳеч қачон бир-бирингизга нисбатан қаҳру-ғазабда бўлманг... Яратмишни Оллоҳ ҳақи севинг, наинки уларнинг ўзлари учун. Гар уларни Оллоҳ ҳақи ила севсангиз, унда ҳеч қачон улардан ғазабланмайсиз ва ранжимайсиз. Инсоният комил эмас. Камчилик ҳар бир инсон зотига хосдир, агар сиз кишиларнинг ўзларига қарайдиган бўлсангиз, сиз ҳар доим бахтсиз бўласиз. Бироқ, нигоҳингизни Оллоҳга қаратиш орқали, уларни севишингиз ва меҳрибон бўлишингиз мумкин, зеро, илоҳий дунё мукаммаллик ва тамомила меҳр-шафқат дунёсидир.”¹³

- Агар бир-биримизга нисбатан бўлган бор меҳр-муҳаббатимизга қарамай, муносабатларимизда таранглик сезилса, биз дарҳол, Абдул-Баҳонинг қуйидаги насиҳатини ёдга оламиз:

“Мен сизнинг ҳар бирингизни ўз фикру ёдингиз ва қалбингизни меҳр-муҳаббат, ҳамда, бирдамликка сафарбар этишга чорлайман. Уруш ҳақидаги фикр туғилганда, тинчлик ҳақидаги кучлироқ фикрни унга қарши қўйинг. Нафрат фикрини меҳр-муҳаббат ҳақидаги кучлироқ фикр билан парчалаб ташланг. Уруш фикри ҳар қандай ҳамоҳангликни, фаровонликни, осойишталик ва тўқчиликни барбод этади. Меҳр-муҳаббат фикри эса, биродарлик, тинчлик, дўстлик ва бахт-саодат туғдиради.”¹⁴

- Мабодо, ўз туйғуларимизни назорат қилишга қанчалик уринишимизга қарамай, эҳтирослар бизни мағлуб этиб, бошқалар билан зиддиятга олиб келадиган бўлса, биз Баҳоуллоҳнинг қуйидаги сўзларини ёдда тутишимиз керак:

“Тар сизларнинг ўртангизда қандайдир ихтилоф чиқиб қолса, рўпарангизда турган Мени тасаввур этинг ва Менинг исмим ҳақи, Менинг аниқ-равшан ва Улуғвор Амримга бўлган меҳр-муҳаббатингиз ҳурмати, бир-бирингизнинг хатоингизни кечиринг.”¹⁵

- Бизни бошқа кишиларнинг руҳий сифатларига диққатимизни жалб қилиб, уларнинг гуноҳларини яширишимизга сабаб бўлувчи ва бизни улар ҳақидаги ғийбатдан тийиб турувчи руҳий интизом, парокандаликка қарши энг самарали восита ҳисобланади. Қачонки биз бир-биримизни севсак, ғийбат қилишга бўлган мойилликни енгиш осонроқ бўлади. Шунини ёдда тутиш керакки, биз ўзимиз яхши кўрадиган кишиларнинг камчилигига эътибор бермасликка мойилмиз, шу боис уларга гуноҳни яширувчи нигоҳ билан қарашимиз осонроқ. Абдул-Баҳо айтадилар:

“Нокомил нигоҳ нокомилликларни кўради. Хатоларга кўз юмадиган нигоҳ, руҳлар Яратувчисига қарайди. Қодир Эгам уларни яратди, уларни тарбия этиб, қўллар, уларни ҳаёт ва қобилиятлар билан сийлади, кўрадиган ва эшитадиган қилди; шунинг учун улар Унинг улуғворлигининг нишонасидирлар. Бинобарин, сиз ҳаммага меҳр-муҳаббатли бўлишингиз, йўқсилларга ғамхўрлик қилишингиз, ожизларни ҳимоя қилишингиз, беморларни даволашингиз, саводсизларни ўқитиб, маърифатли қилишингиз лозим.”¹⁶

Баҳоуллоҳ шундай дейдилар:

“Эй, тахтим рафиқи! Ёмонликни эшитма ва ёмонликни кўрма; ўзингни камситма ва нолалар қилма. Ёмонликдан сўз очмаким, сенга ҳам ёмонлик айтилмасин; бошқалар айбини катталаштирмаким, ўз айбинг катта бўлиб кўринмасин. Ҳеч кимнинг зиллатини раво кўрма, токи ўз зиллатинг фош бўлмасин. Шунда, пок бир юрак, тоза бир қалб, муқаддас бир кўнгил ва соф виждон ила бир лаҳзадан-да қисқа бўлган умринг айёмини ўтказгинки, озод ва маъсуд бир ҳолда, ушбу фоний жасаддан маънавий фирдавсга қайтарсан, ҳамда, абадий малакутда яшарсан.”¹⁷

Ул Зот яна буюрарлар:

“Эй муҳожирлар! Мен тилни Мени зикр этмоқ учун яратдим, уни нолойик сўзлар билан булғаманг. Худбинлик олови сизни чулғаганда, Менинг яратмишларимнинг нуқсонини эмас, ўз нуқсонларингизни эсланг, зеро сизнинг ҳар бирингиз ўз нафсингизни бошқалардан кўра яхшироқ биласиз.”¹⁸

- Бирдамлик фақатгина нифоқ ва зиддиятларнинг йўқлигида эмас, меҳр-муҳаббат эса, фақат сўзларда ифодаланмас. Агар бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз жамоа хизматида намоён бўлса, ҳамда бизнинг фаолиятимиз ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам руҳига асосланса, шундагина, биз орамизда ҳақиқий бирдамлик бор десак бўлади:

“Бир он ҳам, дам олма ва бир лаҳза ҳам, қулайлик излама; ундан кўра, жонү дилдан меҳнат қил, токи ҳеч бўлмаганда битта руҳга содиқ хизмат қилиб, ҳеч бўлмаганда битта нурафшон юракка бахт ва сурур етказ. Мана Абдул-Баҳонинг манглайини ёритувчи ҳақиқий саховат. Ушбу ишда менинг йўлдошим ва шеригим бўл.”¹⁹

Яна Ул Зот айтадилар:

“Инсониятнинг энг юксак эҳтиёжи ҳамкорлик ва ўзаро тотувликдир. Одамлар ўртасидаги биродарлик ва муштарақлик ришталари қанчалик мустаҳкам бўлса, бунёдкорлик ҳамда инсон фаолиятининг барча жабҳаларидаги ютуқлар кучи шунчалик катта бўлади.”²⁰

- Жамоанинг муваффақиятли фаолият кўрсатишида энг муҳим калит – бу, барча масалалар бўйича меҳр-муҳаббатда ўтадиган ошкора маслаҳатлашув. Маслаҳатлашув воситасида кўриб чиқиладиган масала бўйича бизнинг турлитуман фикр-мулоҳазаларимиз бир жойга йиғилади ва биз ўз коллектив фаолиятимизда амал қилишимиз лозим бўлган энг яхши йўналишни топиб оламиз. Маслаҳатлашув орқали биз фикрларимиз бирлигига эришамиз ва фикр ва қараш яқдиллиги билан жамоамиз ривожини учун самарали режани туза оламиз. Абдул-Баҳо маслаҳатлашувчилар ҳақида қуйидаги фикрларни баён этадилар:

“Биргаликда маслаҳатлашувчилар, авваламбор, ният софлиги ва руҳ мунавварлигига эга бўлишлари, Оллоҳдан бошқа ҳар нарсадан кўнғил узиб, Унинг ажиб ифторларига жалб бўлишлари, Унинг маҳбублари олдида тавозеъ ва итоат руҳи билан сингишлари, машаққатларни енгишда саботга тўлишлари ва Унинг юксак остонасига хизмат учун баҳшида бўлишлари керак. Гар Оллоҳ марҳамати ила уларга ушбу сифатларни эгаллаш насиб этса, ғайб Баҳо Салтанатидан зафарга муваффақ бўлгайлар.”²¹

- Фикр бирдамлиги ҳаракат бирдамлиги даражасига ўсиб чикмасдан амалга ошмайди. Ҳаракат ёки фаолият бирдамлиги дегани, ҳамма битта ишни қилади дегани эмас. Аксинча, фаолият бирдамлигида жамоа аъзоларининг турфа истеъдодидан тўлиқ фойдаланилади. Бунда, бизнинг кучимизга куч қўшилади ва ҳатто, сонимиз ҳали у қадар кўп бўлмасада, жаҳондаги улкан ва қудратли

ташкilotлар ҳам уддалай олмайдиган ишларни амалга оширишга қодир бўламиз:

“Қачонки, самовий чашмадан қувватланган муқаддас руҳлар, руҳнинг ана шундай сифатлари билан кўтарилиб, саф-саф тортиб, бир маромда одим ташласа, бундай руҳларнинг ҳар бири минг бўлиб, ушбу қудратли уммондан кўтарилган тўлқинли долғалар бамисоли Малакут лашкари бўлади.”²²

Юқоридагиларни диққат билан ўқиб чиқиб, гуруҳингиз иштирокчилари билан таркибни ҳар бир нуктада муҳокама қилганингиздан сўнг, аввалги учтаси каби мавзунини тақдим этишда бир-бирингизга ёрдам беришни истарсиз. Қуйида сизнинг ҳаракатларингизга ёрдам берадиган баъзи машқларни топасиз.

1. Қуйидаги гапларни тўлдилинг:

- а. Бу Кунда Оллоҳ Амрига ҳеч бир нарса, Тангри ҳабиблари ўртасидаги _____, зиддият, жанжал-низо, парокандалик ва бепарволик етказган зиёнчалик кучли зарар етказиши мумкин эмас.
- б. Бу Кунда Оллоҳ Амрига ҳеч бир нарса, Тангри ҳабиблари ўртасидаги ихтилоф, _____, жанжал-низо, парокандалик ва бепарволик етказган зиёнчалик кучли зарар етказиши мумкин эмас.
- в. Бу Кунда Оллоҳ Амрига _____, Тангри ҳабиблари ўртасидаги ихтилоф, зиддият, жанжал-низо, парокандалик ва бепарволик етказган зиёнчалик кучли зарар етказиши мумкин эмас.
- г. Бу Кунда Оллоҳ Амрига ҳеч бир нарса, Тангри ҳабиблари ўртасидаги ихтилоф, зиддият, жанжал-низо, парокандалик ва _____ етказган зиёнчалик кучли зарар етказиши мумкин эмас.
- д. Бу Кунда Оллоҳ Амрига ҳеч бир нарса, Тангри ҳабиблари ўртасидаги ихтилоф, зиддият, _____ - _____, парокандалик ва бепарволик етказган зиёнчалик кучли зарар етказиши мумкин эмас.
- е. Бу Кунда Оллоҳ Амрига ҳеч бир нарса, Тангри ҳабиблари ўртасидаги ихтилоф, зиддият, жанжал-низо, _____ ва бепарволик етказган зиёнчалик кучли зарар етказиши мумкин эмас.
- ж. Бу Кунда _____ ҳеч бир нарса, Тангри ҳабиблари ўртасидаги ихтилоф, зиддият, жанжал-низо, парокандалик ва бепарволик етказган зиёнчалик кучли зарар етказиши мумкин эмас.

2. Иккинчи иқтибосда Абдул-Баҳо бизга шундай дейдилар:

- а. Биз комил _____ бўлишимиз керак.

- б. Биз _____ бир-биримизга нисбатан _____ -
_____ бўлмаслигимиз керак.
- в. Биз яратмишни _____ севишимиз лозим, наинки
уларнинг ўзлари учун.
- г. Гар уларни Оллоҳ ҳақи ила севсак, унда ҳеч қачон улардан _____
ва _____.
- д. Инсоният _____ эмас.
- е. Агар биз кишиларнинг ўзларига қарайдиган бўлсак, ҳар доим _____
бўламиз.
- ж. ироқ, _____ Оллоҳга қаратиш орқали, _____ севишимиз
ва _____ бўлишимиз мумкин.
3. Учинчи иқтибосда Абдул-Баҳо бизга шундай дейдилар:
- а. Биз ҳар биримиз ўз фикру ёдимизни ва қалбимизни _____
_____, ҳамда, бирдамликка _____ этишимиз лозим.
- б. Уруш ҳақидаги фикр туғилганда, _____ фикрни
унга қарши қўйишимиз керак.
- в. Нафрат фикри меҳр-муҳаббат ҳақидаги кучлироқ _____
_____ ташланиши керак.
- г. Уруш фикри ҳар қандай _____,
_____ ва _____.
- д. Меҳр-муҳаббат фикри эса, _____,
_____ ва _____.
4. Ўзингиз ва жамоадаги бошқалар ўртасида зиддият пайдо бўлганида нима
қиласиз? _____

5. Жамоангизда бирликка ҳисса қўшишда ёрдам берадиган маънавий интизомни
тасвирлаб беринг: _____

-
-
6. Куйидагилардан қайси бири бирдамликка ёрдам беради?
- _____ Бошқаларнинг камчиликларига қараш.
- _____ Бошқаларнинг хатоларига эътибор бермаслик.
- _____ Дўстингиз билан суҳбатда бошқа одамнинг камчиликларини изоҳлаш.
- _____ Воқеани бошқа бир кишини ёмон қилиб кўрсатиш учун уни бўрттириб ёки бузиб кўрсатиш.
- _____ Бошқаларнинг камчиликлари ҳақида ўйлаш.
7. Нега баъзи одамлар хато қилганларида уларни танқид қиламиз, аммо, айнан шу хатони бошқа киши қилганда танқид қилмаймиз? _____
- _____
- _____
8. Одамлар бир-бирлари ҳақида ғийбат қилаётган вазиятда бирлик бўлиши мумкинми? Нима учун йўқ? _____
- _____
- _____
- _____
9. Бирор киши ҳақида ёлғон гапириш, албатта, нотўғри. Аммо ҳақиқатан ҳам қилган иши учун бировни танқид қилиш тўғрими? _____
- _____
10. Ғийбат ва бошқаларни танқид қилишнинг фарқи нимада? _____
- _____
- _____
- _____
11. Ғийбат ва доимий танқид жамоага қандай таъсир қилади? _____
- _____
- _____

- _____
- _____
12. Қандай қилиб бу одатларни ҳаётимиздан олиб ташлашимиз мумкин? _____
- _____
- _____
13. Агар биз одамлар ҳақида улар ҳузурида гаплашгандек гапирсак нима бўлади?
- _____
- _____
- _____
14. Агар биз болалар олдида ғийбат қилсак, бу уларга қандай таъсир қилади? _____
- _____
- _____
15. Ғийбат қилиш ва ғийбат билан шуғулланиш истаги қардан пайдо бўлади? _____
- _____
- _____
16. Баҳоуллоҳ бизга шундай насиҳат қиладилар: “Ғар худбинлик оташи ғалаба қилса, _____ эмас, ўз айбларингизни хотирлаш билан _____, зеро, _____ ўз нафсингизни Менинг бандаларим нафсидан _____ танийсиз.”
17. Севги шунчаки сўзлар билан ифодаланмайди. Яна нима керак? _____
- _____
18. Бирдамлик ва муҳаббатга нисбатан, Абдул-Баҳо бизни даъват этадилар: “Бир он ҳам, _____ ва _____, қулайлик излама; ундан кўра, _____ қил, токи ҳеч бўлмаганда _____ қилиб, ҳеч бўлмаганда битта нурафшон юракка _____ етказ.”

19. Ул Зот яна шундай дейдилар: “_____ ва _____
инсониятнинг энг юксак эҳтиёжидир. _____ ва _____
ришталари қанчалик мустаҳкам бўлса, _____,
ҳамда, _____
_____ шунчалик юқори бўлади.”
20. Жамоанинг муваффақиятли ҳаракат қилишининг энг муҳим калити нима? ____

21. Биргаликда маслаҳатлашадиганлар ҳақида Абдул-Баҳо шундай дейдилар:
“Биргаликда маслаҳат олувчилар, авваламбор, _____ ва руҳ
_____ эга бўлишлари, Оллоҳдан бошқа ҳар нарсадан кўнгул узиб,
_____ жалб бўлишлари, Унинг маҳбублари
олдида _____ ва _____ сингишлари,
машаққатларни енгишда _____ ва Унинг юксак
остонасига хизмат учун бахшида бўлишлари керак. Гар _____
_____ уларга ушбу сифатларни _____
этса, ғайб Баҳо Салтанатидан _____ бўлғайлар.”
22. Бирдамликда ишлашнинг кучи тўғрисида Абдул-Баҳо бизга шундай дейдилар:
“Қачонки, _____ муқаддас
руҳлар, руҳнинг _____ билан кўтарилиб,
саф-саф тортиб, бир _____ ташласа, бундай руҳларнинг
ҳар бири минг бўлиб, ушбу қудратли уммондан кўтарилган _____
_____ Малакут лашкари бўлади.”

9-БЎЛИМ

Санчеслар хонадонига буюрган ўзининг тўртинчи ташрифи давомида, Алехандра улар билан яшаётган ва уларга яқин бўлган олий ўқув юртида таҳсил олаётган набиралари Беатрисни учратишдан севинади. Беатрис бирдамлик мавзусига жуда қизиқиб, мунозарада мароқ билан иштирок этади. Сухбат якунига келганда, Санчес хоним ҳаммага қаҳва ва ширин пиширик узатадилар. Алехандра учун бу фурсат Беатрис билан яхшироқ танишиш имконини яратади ва у маҳалладаги жамоа қуриш уринишлари ҳақида гаплашиш учун эртаси куни у билан учрашиш ҳақида келишиб олади. “Балки у, курслар асосий кетма-кетлигини ўрганишни истар” дея ўйлайди Алехандра. “Мен унга биринчи китобларни тезроқ суръатда ўтишда қўмаклашишим мумкин. Сўнгра у, болалар машғулотини бошлаши ёки менга маҳаллада ўсмирлар гуруҳини ташкил этишда ёрдам бериши мумкин бўлади. Шунда у, 5-китобни ўрганиш жараёнида, секин-аста гуруҳ учун кўпроқ масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин ва бу уни етакчи сифатида хизмат

қилишга тайёрлайди”. Алехандра муайян мавзуларга бағишланган ва кейинчалик кўпчилиликни курсларда иштирок этиш учун етаклаган ёшлар учрашувларида бир неча мартаба қатнашган эди. Эртаси куни Беатрис билан суҳбатда ўша мавзулар изчиллигига риоя қилишни қарор қилади. Мана, суҳбат қандай бошланди:

Бизнинг ҳаммамиз дунёнинг яхшироқ жойга айланишини истаймиз. Биз умумжаҳон тинчлиги ўрнатилиб, одамзот оиласи ҳамоҳангликда яшайдиган келажакни кўришга муштоқмиз. Бундай келажак эртак эмас, ичимиздан қанча кўпроқ ва кўпроғимиз олам фаровонлигига ҳисса қўшиши учун саъй-ҳаракат қилишимизга қараб, унинг барпо этилиши мумкин бўлади. Ҳар биримизнинг қалб тўрида ўз жамоамизга хизмат қилиш орзуси бор. Биз ўзимизда омма фаровонлиги учун беминнат хизмат турларини бажариш қобилиятини ривожлантиришимиз лозим.

Ўзимизнинг инсониятга хизматимиз ҳақида ўйланганда, уни хизмат йўлидан биргаликда бормоқ сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бу йўл ҳаммага очиқ. Ҳар биримизда унга қадам қўйиш танлови бор ва ҳар биримиз ўз тезлигимизга яраша, ундан илдам силжиб борамиз. Бу йўлда танҳоликда бормаймиз; биз дўстлар қуршовида хизмат қиламиз, бирга ўрганамиз ва бир-биримизга ҳамсафар бўламиз. Ҳар бир босган одимимиз қувонч ва ишонч келтиради ва ҳар бир ҳатти-ҳаракатимиз илоҳий тасдиқни ўзига тортади.

Беатрис эшитганларидан хушланади ва ушбу қисқа тақдимотдан сўнг, жонли суҳбат авж олади. Давом этишдан олдин, шу ерда тўхталиб, янги икки дўст орасидаги ўзаро муносабатнинг табиати ҳақида мулоҳаза юритайлик. Алехандра институт жараёнида қатнашишга таклиф қилиш учун Беатрисни мазмунли суҳбатга тортишга қарор қилади. Нега унинг томонидан Беатрисга шунчаки таклиф этилган курслар сериясига қўшилишни айтиш кифоя эмас?

10-БЎЛИМ

Алехандра ва Беатрис орасидаги суҳбат икки соатларча давом этади. Қуйида, Алехандранинг ўз янги ўртоғи билан қўшимча бўлишган баъзи ғоялар келтирилган. Биз, албатта, унинг тақдироти узлуксиз ва узундан-узоқ бўлмаганлигини тушунамиз. Икки соатлик вақтнинг катта қисми мазкур парчада келтирилган ғоялар юзасидан биргаликда фикрлаш билан ўтади:

Биз ёшмиз, бизда энергия ва катта иштиёқ бор. Одамлар бизни беғам деб ўйлашади. Ваҳоланки, бу аксинча; биз инсониятнинг оғир аҳволдан хавотирдамиз ва жамиятда реал ўзгаришлар бўлишини истаймиз. Худди шундай, биз ўз ҳаётимиз ҳақида ҳам ўйланишимиз керак - таҳсил олиш, ишлаш, дўстлар, оила куриш. Улғайиб бораётган ҳар бир йилимиз билан, биз зиммамизга кўпроқ масъулият оламиз; ота-онамиз кўп нарсани биздан кутадилар. Баъзан ўз масъулиятларим ҳақида ўйланганда, ўзимни ўта таҳликали ҳис этаман. Шунда Баҳойи Битикларидан ёдлаган сўзларимни эслайман: “Инсон ҳаёти ўз баҳорий фаслига эга ва ажойиб шукуҳ билан сийланган. Ёшлик палласи куч-қувват ва ғайратга тўла, ҳамда инсон ҳаётининг энг асил чоғидир.”

Сен билан шуни бўлишмоқчи эдимки, кўплаб ёшлар дунё бўйлаб, бизнинг жамоамиздагига ўхшаб куч-қувватларини ўз интеллектуал ва руҳий ривожлари, ҳамда жамиятни яхшилашга ҳисса қўшишдан иборат бўлган иккитомонлама мақсадга эришиш сари йўналтириш мумкинлигини тушунадилар. Мақсадимизнинг бу иккитомонлама жиҳати бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Шахсий қобилиятимизнинг ўсиб бориши билан биз бошқаларга яхшироқ хизмат қила бошлаймиз ва бир-биримизга ёрдамлашар эканмиз, биз шахс сифатида ўсамиз, ўзимиз эга бўлган фазилатларни кучайтирамиз.

Мен аввалроқ эслаб ўтган хизмат йўли ғояси мана шу ўринда аҳамиятга эга. Ундан бориш - бу ҳаётимизнинг шунчаки яна бир қирраси эмас; у биз бажараётган ҳар бир ишга маъно бағишлайди. Жамиятга хизмат қилиш бизга ўз таҳсилимизнинг мақсадини тушунишга кўмаклашади, келажак ҳақидаги фикрларимизни ойдинлаштиради, оилаларимиз фаровонлигига ҳисса қўшадиган зарурий сифатларни ривожлантиради. Бу, бизнинг дўстлигимизни мустаҳкамлайди. Бу, бизга ўз куч-қувватимизни беҳуда машғулотларга сарфлашдан асрайди.

Ўз руҳий ва интеллектуал ривожимиз ҳақида ўйлар эканмиз, бизга таъсир кўрсатадиган кўпгина кучларни англашимиз керак. Улардан баъзилари, мисол учун билим, адолат ва муҳаббат кучи кабилар, бизни тўғри йўналишда ҳаракатлантиради ва биз ўзимизни мана шундай кучлар билан ҳамоҳанг созлашимиз керак. Бошқа кучлар эса, масалан материализм ва эгоизм аксинча йўл тутади ва биз уларга қарши туришимиз керак. Биз мукамалликка интилишимиз ва ўз саъй-ҳаракатларимизнинг илоҳий тасдиқ билан ярлақаланишига ишонишимиз керак.

Жамиятни тубдан ўзгартиришга қўшадиган ҳиссамиз ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, яъни зулм, қашшоқлик ва изтироблар дунёсини тинчлик-тотувлик, фаровонлик ва ҳамоҳанглик дунёсига ўзгартириш учун, биз ҳам моддий ва ҳам руҳий тараққиётни назарга олишимиз керак. Токи биз руҳий-маънавий тараққиётга келмас эканмиз, барча одамларнинг моддий тараққиётига эришиб бўлмайди. Улар бир-бирига параллел равишда ривожлангандагина, дунё яхшиланади. Яна бир ёдлаган иқтибосим бор: “Моддий цивилизация чироққа ўхшайди, руҳий цивилизация эса, мана шу чироқ ичидаги нурдир. Гар моддий ва руҳий цивилизация бирлашса, шунда ҳам чироқ ва ҳам нур бирлашади ва натижа аъло бўлади.”

Хизмат йўлидан одим ташлаб борар эканмиз, биз гуруҳлар билан ишлашни ўрганамиз, хусусан, ўсмирлар ва болалар билан ишлаб, уларга билим, руҳий сифат ва кўникмаларни эгаллашда ёрдам берамиз. Шунингдек, биз жамоаларимизнинг бирдамлигига ҳам эътибор қаратишни ўрганамиз. Жамоанинг раванқига ҳисса қўшмоқчи бўлган алоҳида шахслар, оилалар ва ташкилотлар биргаликда ҳамкорлик қилишлари керак. Улар қарашлар ва мақсадлар муштарақлигини шакллантириб, иш юритишнинг можароли услубларидан воз кечишлари керак.

Шундай экан, бизнинг ёшлик даврида бошқалар билан ҳамжиҳат муносабатда бўлиш одатларини ривожлантиришимиз муҳим. Биз дўст бўлишимиз, яъни ўзимиз бажараётган ишда бир-биримизга ҳамроҳ бўлишимиз, бир-биримизнинг қўшган ҳиссамизни қабул қилишимиз, бир-биримизни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашимиз, бир-биримизнинг кучли томонларимизни кўришимиз, бир-биримиздан фойдали маслаҳатларни ҳам эшитиш, ҳам уларни беришимиз ва бир-биримизнинг ютуқларимиздан хурсанд бўлишимиз керак. Хизмат йўлидан боришда, биз ҳаракат қилишимиз, ҳаракатларимиз устида мулоҳаза юритишимиз, маслаҳат тутишимиз ва биргаликда ўқиб-ўрганишимиз керак.

Охирги ўнйилликлар мобайнида, баҳойлар жамоаси деярли ҳар бир мамлакатда, ўзига хос ўқув муассасаларини ташкил эта олди. Бу институтлар, уларни шундай деб атаймиз, бизнинг жамоага хизмат қилиш қобилиятимизни мустаҳкамлайдиган курсларни таклиф этади. Ушбу курсларни ўргана туриб, биз хизмат йўлидан бирга бориш учун зарур бўлган руҳий тушунчалар ва амалий кўникмаларни эгаллаймиз. Курсларни ўрганиб бориш давомида, бизда борган сайин мураккаброқ хизмат турларини бажариш қобилияти ўсиб боради. Бизни доим ўзимиздан кўра тажрибалироқ кишилар қўллаб боради ва вақт ўтиши билан биз ҳам ўзимиздан тажрибаси камроқ бўлганларга ҳамроҳлик қила бошлаймиз. Аввал бошдан, бизнинг ҳаммамиз шахсий ва ижтимоий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиларимиз, ўз ўқишимиз ва жамиятга хизматимиз учун бўлган масъулиятни иштиёқ билан ўз зиммамизга оламиз.

“Фаол иштирокчи” дегани, онгли равишда ҳаракат қилиш учун иродали бўлиш, ўз уринишларимизда қатъиятли бўлиш, ҳамда ҳар бир босқичда илм эгаллаб, уни амалда қўллашни англатади. Фаол иштирокчи, бу, шунчаки эзгулик меваларини тотиб ўтирадиган пассив қабул қилувчи эмас, балки у тараққиёт учун фаол ҳисса қўшувчи шахс. Фаол иштирокчи бўлиш учун инсон, ижодий ва интизомли ташаббусни кўрсатишни ўрганиши керак. Институт курслари бизга жамоани қуриш жараёнида фаол иштирокчи бўлиш қобилиятимизни кучайтиришда ёрдам беради.

Биз юқоридаги абзацларда баён этилган ғоялар устида мулоҳаза юритиш учун вақт ажратишимиз лозим. Бўлим бошида тилга олинганидек, Алехандра наинки фикрларни бирин-кетин баён этади, балки Беатриснинг улар ҳақида ўйлаши ва суҳбатга ўз ҳиссасини қўшиши учун етарлича имкони бўлишининг кетидан кузатиб боради. Гуруҳингизда ҳар бир абзаци муҳокама қилиб, ундаги ғояларни раван ифода эта олишни ўрганиб олганингиздан сўнг, сиз эҳтимол, суҳбатнинг ривожланиш даражаси, Алехандрани Руҳи Институтининг баъзи курслари ҳақида бир-икки оғиз гапни ишонч билан айта олиш ва Беатрисни 1-Китобни ўрганишга таклиф қилиш учун етган ёки етмаганлигини қараб чиқишни хоҳласиз. Қуйида келтирилган бўш жойда, сиз ўзингиз

Алеҳандранинг ўрнида бўлганингизда, нима деган бўлишингизни ёза оласизми? 1 ва 2 Китобларни ва улар чақирадиган хизмат турларини қандай ифодалаган бўлардингиз? Кейинги китобларда кўриб чиқиладиган хизмат турлари ҳақида қисқача эслаб ўтиш, хусусан, болалар руҳий тарбияси учун мўлжалланган дарсларни ўқитиш ва етакчи сифатида ўсмирлар гуруҳини ўтказиш, шубҳасиз, Беатрисга келажакда ўзи қандай хизмат турини бажариши мумкинлиги ҳақида тушунчага эга бўлишида ёрдам берган бўларди. Гуруҳингизнинг олиб боровчиси сизга таклиф этилган икки хизмат тури ҳақида, Алеҳандранинг Беатрисни 1-Китобни ўрганишга таклиф эта туриб айтганларига ўхшаш тарзда ва унинг айтганларига қўшиш мумкин бўлган бир неча гапларни тузишингизда ёрдам бериши мумкин.

11-БЎЛИМ

Алеҳандранинг Санчеслар уйига охириги ташрифидан сўнг икки ҳафта ўтди. Бу вақт ичида Беатрис интенсив кампанияда қатнашиб, 1-Китобнинг дастлабки икки қисмини тугатди. Ҳозирда, у маҳаллада дўстлардан беш нафари қатнашадиган гуруҳ билан биргаликда ҳафтасига икки марта учрашиб, учинчи қисмни ўрганмоқда. Алеҳандра Санчеслар оиласи билан ибодат мавзусида суҳбатлашишни мақбул деб ҳисоблайди ва Беатрисдан унга ёрдам беришни хоҳлаши ҳақида сўрайди. Сиз ўзингиз 1-китобнинг иккинчи қисмини ўрганиб чиқдингиз, шунинг учун ташриф давомида Алеҳандра ва Беатрис томонидан ёритилган мавзуни сиз учун қайта баён қилишнинг ҳожати йўқ. 1-китобнинг ушбу қисмига қайтиб, ушбу мавзуни муҳокама қилаётганда, ўзингиз мурожаат қилишга ҳаракат қиладиган асосий фикрлар рўйхатини тузишингиз мумкин бўлади. Қуйида ўз ғояларингизни ёзишингиз учун жой келтирилган.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

12-БЎЛИМ

Алеҳандранинг Санчеслар оиласига ташрифи яна бир неча ҳафта давом этади ва ибодатнинг аҳамияти ҳақида улар юргизган мулоҳазалардан табиий равишда - руҳ ҳаёти,

руҳий сифатларни ривожлантириш, Оллоҳнинг қонун ва насиҳатларига бўйсуниб, ҳамда Унинг севгисида мустаҳкам бўлиш каби мавзуларни муҳокама қилиш имкони келиб чиқади. Бир гал, улар Маъмурий тартибот институтлари, хусусан Маҳаллий ва Миллий Руҳий Мажлислар ҳақида ҳам бир оз гаплашиб ўтдилар. Бундай кетма-кет ташифларда кўриб чиқиладиган мавзу мазмунларининг ҳар бирини кўриб чиқишимиз шарт эмас. Аммо, суҳбатлар туркуми иштирокчиларида аксари ҳолларда пайдо бўладиган, биз тасаввур этишимиз мумкин бўлган икки масала бор. Биринчиси, жамоа томонидан ўтказиладиган учрашувлар табиатига оиддир, иккинчиси эса молиявий ресурслар ҳақида. Ушбу бўлимда биз учрашувлар мавзусини, хусусан, Ўн тўққизинчи кун Айёмини ўрганамиз, кейинги бўлимда эса, молия масаласини кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, қуйидаги фикрлар, Ўн тўққизинчи Кун Айёми мавзусидаги суҳбат учун асос бўлиши мумкин:

- Баҳойий жамоасидаги учрашувлар ҳар хил мақсадга эга — ибодат, таҳсил, махсус кунларни нишонлаш, жамоа ишлари ҳамда жамиятга хизмат бўйича маслаҳатлашиш, фаолият режаларини муҳокама қилиш кабилар. Баҳоуллоҳ ваъда берадилар:

“Ҳаётим ва Амрим билан қасам! Оллоҳ ҳабиблари кирадиган ва уларнинг Парвардигорга ҳамду-сано айлаган хитоблари янграб турадиган истиқоматгоҳ атрофида, жамийки фаришталар ва ҳақиқий тақводорларнинг руҳлари тавоф этгайлар.”²³

- Учрашувларда дўстлар орасида Оллоҳ Каломини эшитиш, қалбимизга қувонч бағишлайди ва бирлик ришталарини мустаҳкамлайди. Баҳоуллоҳ бизга шундай насиҳат берадилар:

“Дўстлар қай диёрда яшамасин, учрашувлар учун йиғилиб, у ерда доно ва чиройли суҳбатлар қуришлари ва Оллоҳ Оятларини ўқишлари лозим, зеро, айнан Оллоҳ Каломлари муҳаббат оловини ёқади ва уни жўшқин алангага айлантиради.”²⁴

Абдул-Баҳо таъкидлайдилар:

“Учрашувлар ўтказиб, самовий таълимотни шундайин ўқиб-қуйлангизким, шояд бу мамлакат ҳақиқат нури бирла тўлиб-тошсин ва бу диёр муқаддас руҳ орқали мафтункор жаннатга айлансин, зотан ушбу давр – Шавкатли Оллоҳ даври – ва инсоният дунёси бирдамлигининг оҳанглари Шарқ-у Ғарб бўйлаб барча қулоқларга етиб борсин.”²⁵

- Баҳойийларнинг барча учрашувлари орасида Ўн тўққизинчи кун Айёми алоҳида аҳамиятга эга. Баҳойий тақвими ҳар бир ойи Ўн тўққизинчи кунни ташкил этадиган ўн тўққиз ойдан иборат бўлиб, Баҳоуллоҳнинг кўрсатмаларига биноан баҳойийлар, ҳар бир жойда ўтказиладиган мана шундай учрашувларга йиғилиб турадилар:

“ Ҳақиқатан ҳам, сизга ҳеч бўлмаганда сув билан манзират қилиб бўлса-да, ҳар ойда Айём ўтказиш тавсия этилади, зеро, Оллоҳ, қалбларни ҳам заминий ҳам самовий воситалар билан бирлаштиришни тилади.”²⁶

- Ўн тўққизинчи кун Айёми уч қисмдан иборатдир. Биринчиси – ибодат қисми бўлиб, унда, дуолар ва Муқаддас Битиклардан парчалар ўқилади. Иккинчиси – маъмурий қисм, унда дўстлар жамоа ишлари борасида маслаҳатлашишади. Учинчиси – ижтимоий қисм.
- Биз Айёмнинг ибодат қисмининг муҳимлиги ҳақида Абдул-Баҳонинг қуйидаги каломларидан билиб оламиз:

“Эй сиз, Қадим Гўзалликнинг содиқ хизматкорлари! Ҳар бир замон ва Зухур даврида байрам айёмини севганлар ва эъзозлаганлар, Оллоҳ ҳабиблари учун дастурхон ёзишни шараф деб билганлар. Айниқса, ушбу кунда, ушбу ғаройиб Зухур даврида, ушбу энг саховатли асрда, байрам Оллоҳга сажда қилиш ва Уни шарафлаш учун ўтказиладиган учрашувлар қаторида ҳисобланар экан, унинг шодиёнаси кўкларга кўтарилгандир. Унда муборак оятлар, самовий қўшиқлар ва ҳамду-санолар таралади, унда қалблар хушёр тортиб, юксакларга парвоз этади.”²⁷

- Айёмнинг маъмурий қисмида дўстлар узоқ-яқин Баҳойй жамоалари фаолияти тўғрисида ҳисоботларни тинглашади, ўз жамоаларидаги Дин ишлари ҳақида маслаҳатлашиб, уни янада ривожлантириш ҳақида фикр юритишади, Умумжаҳон Адолат Уйининг кўрсатмаларидан хабардор бўлишади, ҳамда Маҳаллий Мажлис ҳаволасига таклифлар киритишадик, бу таклифлар Миллий Руҳий Мажлисга ва ҳатто, Умумжаҳон Адолат Уйига етказилиши мумкин. Ўн тўққизинчи кун Айёмидаги маслаҳатлашув ниҳоятда муҳимдир, чунки, унинг ёрдамида ҳар бир инсон жаҳон баҳойй жамоаси фаолиятида иштирок эта олади.
- Айёмнинг ижтимоий-маданий қисмига келадиган бўлсак, бу – биродарлик, меҳмондорчилик ва меҳр-муҳаббат пайти. Бу қисмда мусиқа куйланиши, илҳомлантирувчи нутқлар сўзланиши, болалар томонидан тақдиротлар берилиши мумкин. Қисқаси, Айёмнинг ушбу қисмини бойитиш учун, бир пайтнинг ўзида ҳам шодон ва ҳам олижаноб бўлган ва эътибор билан сараланган маданият ифодаларидан фойдаланиш мумкин.
- Ўн тўққизинчи кун Айёми Эътиқоддаги Маъмурий Тартиботнинг ноёб жиҳати ҳисобланади. У жамоа ҳаётининг руҳий, маъмурий ва ижтимоий жиҳатларини чамбарчас бирлаштиради. Учала қисмнинг ҳар бирига тенг аҳамият бермоқ лозим, чунки, Айёмнинг муваффақияти ана шу қисмлар мувозанатининг тўғрилигига боғлиқдир. Умумжаҳон Адолат Уйининг 1989 йилнинг августида йўллаган мактубида шундай дейилган:

“Баҳоуллоҳнинг Дунёвий Тартиботи кишилик жамияти ҳаётининг барча жабҳаларини қамрайди; руҳий, маъмурий ва ижтимоий жараёнлар унинг доирасида бир бутунлик сифатида тажассум топади; унинг шарофати ила инсон ўзлиги ифодасининг ранг-баранг шакллари янги тамаддун бунёдкорлиги сари ўзан топади. Ўн тўққизинчи кун Айёми, жамият негизи бўлмиш ана шу жиҳатларнинг барчасини ўзида акс эттиради. Қишлоқ, шаҳобча ва шаҳарда фаолият кўрсатар экан, у, барча Баҳо аҳли аъзолари ҳисобланадиган муассасадир. У бирдамликни тарғиб қилиш, тараққиётни таъминлаш ва шод-хуррамликни кучайтиришга мўлжаллангандир.”²⁸

- Ўн тўққизинчи кун Айёмидек муҳим тадбирни шоша-пиша ўтказиш ўринли эмас. Ҳар бир инсон ибодат ва мушоҳадалар орқали ўзини ушбу Айёмга тайёрлаши, тадбир пайтида эса, бор шуури ва қалби билан иштирок этиши лозим — хоҳ руҳий қисмда Битиклар ўқисин ёки уларни тингласин; хоҳ ҳисобот берсин, ёки ҳидоят нутқларини тингласин ва ёхуд таклифлар киритсин; хоҳ мезбонликни ўрнига қўйсин, ёки меҳмоннавозликдан шунчаки шод-хуррам бўлиб ҳузурланиб ўтирсин. Юқорида зикр этилган мактубда Умумжаҳон Адолат Уйи яна шундай деб ёзади:

“Айёмга тайёргарлик кўрилар экан, энг аввало, Битиклардан мувофиқ парчаларни саралаб олиш, уларни ифодали ўқийдиган кишиларни танлаш ва умуман олганда, ҳамма нарсани шу даражада тайёрлаш керакки, натижада ибодат қисмининг дастури эътиборга лойиқ даражада тақдим этилсин ва худди шу даражада кутиб олинсин. Айёмнинг қандай шароитда, яъни, ёпиқ бинода ёки очик ҳавода ўтказилишига эътибор бериш ҳам, тажрибага таъсир этади. Озодалиқ, маконни қай тартибда ташкил этиш ва безатиш – барчасининг муҳим ўрни бор. Шунингдек, ҳар нарсани ўз вақтида бошлаш (пунктуаллик) ҳам яхши тайёргарликнинг нишонаси ҳисобланади.

Айёмнинг муваффақияти тайёргарликнинг сифатига ва одамларнинг иштирокига боғлиқ. Севимли Устоз шундай маслаҳат берганлар: “Ўн тўққизинчи кун Айёмга катта аҳамият беринг, токи бу тадбир жараёнида Оллоҳ ҳабиблари ва Раҳмон канизлари ўз юзларини Унинг Салтанатига қаратсинлар, муқаддас мадҳиялар куйласинлар, Оллоҳдан мадад сўрасинлар, токи уларнинг қалблари бир-бирларига мафтун бўлиб, поклик ва муқаддаслик, Оллоҳ қўрқуви билан тўлиб-тошсин, ҳамда ҳою-ҳавас ва худбинликдан озод бўлсин. Шунда, улар бу ўткинчи дунё илинжларидан халос бўла оладилар ва руҳ алангасидан ёна бошлайдилар.””²⁹

Ҳар доимгидек, юқорида баён этилган ғояларни бир неча марта ўқиб чиқишингиз ва уларни ўз сўзларингиз билан қайта айтиб бера олиш учун ўз гуруҳингизда муҳокама қилишингиз керак. Қуйидаги машқлар, Ўн тўққизинчи кун Айёмининг аҳамиятини яхшироқ тушунишда сизга ёрдам беради:

1. Баҳоуллоҳ таъкидлашларича, Оллоҳни улуғлаш ва Унга ҳамду сано айтиш учун дўстлар йиғиладиган ҳар бир жойнинг ўзига хос жиҳатлари нимада? _____
2. Иккинчи иқтибосда Баҳоуллоҳ шундай таъкидлайдилар; биз учрашувлар учун йиғилганимизда, у ерда _____ ва _____ суҳбатлар қуришимиз ва _____ ўқишимиз лозим, зеро, айнан Оллоҳ Каломлари _____ ва _____ айлантиради.
3. Юқорида келтирилган учинчи иқтибосда, Абдул-Баҳо бизга йиғилишларни ўтказиш ва самовий Таълимотни шундайин ўқиб куйлашимизни маслаҳат берадиларким, токи _____

- Биз яшаётган мамлакат _____ .
- Биз яшаётган диёр - _____ - ва инсоният
_____ етиб борсин.
4. Баҳойй тақвимида неча ой бор? _____
5. Ҳар ойда неча кун бор? _____
6. Баҳоййлар орасида ойига бир марта қандай махсус йиғилиш бўлиб ўтади? _____

7. Ўн тўққизинчи кун Айёмнинг уч қисми нимада? _____

8. Ўн тўққизинчи кун Айёмнинг қисмлари ҳар қандай тартибда амалга ошириладими? _____
9. Айёмнинг руҳий/маънавий қисмининг мақсади нима? _____

10. Айёмнинг маъмурий қисмининг мақсади нима? _____

11. Айёмнинг ижтимоий қисмининг мақсади нима? _____

12. Қуйидаги мавзулардан қай бирини Айёмнинг маъмурий қисмида муҳокама қилиш ўринли бўлади?
_____ Жамоанинг молиявий эҳтиёжлари

- _____ Миллий футбол жамоасининг натижалари
- _____ Жамоанинг икки аъзоси ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш
- _____ Жамоада болалар баҳойи машғулоти ютуқлари
- _____ Жамоанинг аъзоларидан бири шу ҳафта ичида Битиклардан ўрганган парча маъноси
- _____ Жамоадаги ўсмирлар дастурининг динамикаси
- _____ Ёшлар учун маҳаллий иш билан таъминлаш имкониятларининг очилиши
- _____ Жамоанинг хизмат лойиҳалари янада мураккаблашаётган ўсмир гуруҳларини қўллаб-қувватлаши
- _____ Институт томонидан тарғиб қилинган ўқув дастурларида қатнашадиган болалар ва ўсмирларнинг ота-оналарига ташрифлар
- _____ Жамоанинг ибодат хусусиятини кучайтириш
- _____ Телекўрсатувлар жадвали
- _____ Ўқув тўғрақларида қувончли ва интизомли муҳитни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ички ёришувлар
- _____ Яқинлашиб келаётган Муқаддас кунни нишонлаш
- _____ Жамоа куриш жараёнидан келиб чиқадиган ижтимоий ҳаракатларнинг ташаббуслари

13. Гуруҳингиз билан қуйидаги саволни муҳокама қилинг: Айёмнинг уч қисми орасидаги мувозанат қанчалик муҳим?
14. Қуйидаги иккита саволни муҳокама қилинг.
 - а. Агар Айём мезбони бўлсангиз, қандай тайёргарлик кўрасиз?
 - б. Агар Айём иштирокчиси бўлсангиз, қандай тайёргарлик кўрасиз?

13-БЎЛИМ

Эътиқод тўғрисида суҳбат кетганда, кўпинча пайдо бўладиган иккинчи масала, бу Баҳой жамоасининг қандай қилиб ўз молиявий эҳтиёжларини қондириши ҳақида. Бундай саволларга жавоб беришда ёрдам берадиган бир нечта фикрлар қуйида келтирилган:

- Баҳой жамоаси ўз моддий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланадиган восита - бу Баҳой Жамғармаси. У маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда бўлган Эътиқод муассасалари томонидан бошқарилади. Баҳойлар ўз Эътиқодларини тарғиб қилишдаги харажатларни ўзлари қоплашлари кераклигига ишонадилар ва шунинг учун, жамғармага фақат жамоа аъзоларининг хайр-эҳсони қабул қилинади.

- Жамғармага хайр-эхсон қилиш ихтиёрий. Унинг махфийлиги шахс ва Ўтиқод муассасалари ўртасида; хайр-эхсон қилувчининг исми ва хайриясининг ҳажми ошқор қилинмайди. Жамоа аъзоларига ўз ҳиссасини қўшиш учун ҳеч қандай босим ўтказилмайди. Муассасалар жамоага умумий мурожаатлар қилиб, Жамғарманинг муҳимлигини эслатиб туради ва унинг эҳтиёжларидан воқиф этади. Кўпинча, жамоа ўзи олдига қўшадиган ҳиссасини мақсад қилиб белгилайди. Аммо, ҳеч қачон жисмоний шахслар учун маблағ миқдори ўрнатилмайди ва улардан пул талаб қилинмайди. Ҳар бир киши бу масала билан боғлиқ тамойиллар ҳақидаги тушунчасига кўра, қанча хайр-эхсон қилишни ўзи ҳал қилади.
- Биз, ҳам моддий ва ҳам маънавий жиҳатдан гуллаб-яшнайдиган цивилизацияни қуришга ҳаракат қиляпмиз. Бойлик, муайян шартларга риоя этилгандагина мақбулдир. Биз унга ҳалол меҳнат орқали эришишимиз керак. Биз уни инсоният манфаати учун сарфлашимиз лозим. Бутун жамоа юксалган бўлиши шарт; кўпчилик энг зарурий нарсаларга муҳтож бўлиб турганида, баъзиларнинг ҳаддан ташқари бой бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Баҳоуллоҳ шундай дейдилар:

“Инсонларнинг энг яхшиси, бу, Раббил оламин бўлмиш Парвардигор муҳаббати учун ўз меҳнати ва касби билан ҳаёт кечириб, орттирганини ўзига ва оиласига сарфлайдиган кишидир.”³⁰

“... Ажойиб ва эзгу мевалар беришингиз керак, токи, ҳам ўзингиз ва ҳам ўзгалар бундан баҳраманд бўлсинлар. Шунинг учун, ҳар бирингиз касб ва ҳунар билан машғул бўлишингиз лозим, зеро, бойлик сабаби шундир, эй идрок соҳиблари!”³¹

Абдул-Баҳо шундай тушунтирадилар:

“Бутун аҳоли бой бўлгандагина, бойлик мақтовга сазовордир. Бироқ, озчилик катта бойликка эга бўлса-ю, қолганлар эса, қашшоқликкача олиб келинган бўлса, бундай бойлик на самара, на фойда келтирар ва эгаси учун жавобгарлик бўлиб қолади.”³²

- Адолатсизлик ва бахтсизликлардан озод жамиятни барпо этиш учун барчамиз сахий ва бергувчи бўлишимиз керак. Молиявий ресурсларимиз кам бўлса ҳам, биз инсоният равнақи учун бирон нарса қилишимиз лозим, чунки ҳақиқий фаровонликка фақат бериш орқали эришиш мумкин. Саховат - инсон қалбининг сифати; унинг моддий вазиятимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ниҳон калималарда Баҳоуллоҳ шундай дейдилар:

“Улашмоқ ва саховатли бўлмоқ Менинг хислатим, хислатларим билан безанган саодатлидур.”³³

- Биз, ўзимиз эга бўлган ҳар қандай бойликнинг ҳақиқий манбаи Раҳимли Оллоҳ эканлигини ёдда тутишимиз керак. У бизни тирикчилик воситалари билан таъминлайди; У бизга олдинга силжиш имконини беради. Жамғармага хайр-эхсон қилганимизда, биз У бизга берган маблағдан бир қисмини Унинг Ишига сарфлаган бўламиз. Шундай қилиб, баҳойий учун хайр-эхсон, бу нафақат

сахийлик масаласи; бу, шунингдек, рухий ҳада ва жуда катта шахсий масъулиятдир. Муҳофиз бизга шундай маслаҳат берадилар:

“Биз, доимо ўзини боридан бўшатадиган ва доимий равишда кўринмас манбадан ўзини тўлдирадиган фаввора ёки булоқ каби бўлишимиз керак. Қашшоқликдан кўркмасдан, жамийки бойлик ва бор хайрнинг Манбаи бўлмиш Зотга таваккул қилиб, биродарларимиз фаровонлиги учун доимо бериш — иймонли ҳаётнинг сири шундир.”³⁴

Сиз бу ерда тақдим этилган баъзи ғояларни, моддий воситалар мавзусига бағишланган кейинги туркум курсларидан бирида чуқурроқ кўриб чиқиш имконига эга бўласиз. Ҳозирча сиз, ҳар доимгидек, ғояларни табиий ва осон ифода этишни ўрганишингиз учун юқорида берилган мавзуни абзацма-абзац муҳокама қилиб, қуйидаги машқларни бажаринг:

1. Иқтибослар асосида, қуйида келтирилган жумлалардаги бўш жойларни тўлдилинг.
 - а. Баҳоуллоҳ бизларга меҳнат ва _____
_____ кечириб ортирганимизни _____
ва _____ буюрадилар.
 - б. Биз _____ ва _____ мевалар беришимиз керак,
токи, ҳам _____ ва _____
_____ бўлсинлар.
 - в. Ҳар _____ ва _____ билан _____
_____ лозим, зеро, _____ шундир.
 - г. Абдул-Баҳо _____ бўлгандагина, бойлик
_____ деб таъкидлайдилар.
 - д. Бироқ, _____ эга бўлса-
ю, қолганлар эса, _____,
бундай бойлик на _____, на _____ келтирар ва _____
жавобгарлик бўлиб қолади.
 - е. Баҳоуллоҳ шундай дейдилар: “_____ ва _____ Менинг
хислатимдан, хислатларим _____ саодатлидур”.
 - ж. Муҳофиз бизга, доимо _____
ва доимий _____ ўзини
тўлдирадиган _____ ёки _____
бўлишимизни маслаҳат берадилар.

биз, бу ерда муҳокама этилган суҳбатларни кура олиш учун тегишли мавзулар тўғрисидаги билимларни кенгайтиришдан ташқари, муайян руҳий сифатлар-фазилатлар, мунособат турлари ва кўникмалар зарурлигини кўрдик.

Бу борада қисмнинг мазкур ва навбатдаги бўлимида биз бошқа турдаги мавзуларни тадқиқ қиламиз, яъни, умуман олганда, институт томонидан ўтказиладиган тарбиявий дастурларда қатнашадиган болаларнинг оилаларига ташриф давомида муҳокама этиладиган мавзулар. Олдин айтиб ўтилганидек, болаларни ўқитиш ва ўсмирлар гуруҳининг етакчиси бўлиш каби хизмат турлари 3- ва 5-Китобларда мувофиқ ҳолда ўрганилади. Ўзингиз ёшроқ бўлган пайтингизда уларда иштирок этган-эتماганлигингизга қараб, бу иккала дастур билан таниш ёки нотаниш бўлишингиз мумкин.

Келинг, биринчи навбатда, ўсмирларнинг оиласи билан бўладиган доимий суҳбатлар асосини ташкил этадиган мазмунни кўриб чиқайлик. Тасаввур қиламизки, биз ҳикояни қолдирган жойимиздан сўнг, бироз вақт ўтиб, Беатрис ҳозир 2-Китобни ўрганмоқда. Алехандра ўзининг ёрдамида гуруҳ ташкил қилмоқчи бўлган бир неча ўсмирларнинг оилаларига ташриф буюришда, дугонасидан унга ҳамроҳлик қилишни истайдими, деб сўрайди. Дугонаси бу таклифни иштиёқ билан қабул қилади.

Алехандра буни ўзи қандай тасаввур этишини Беатрисга тушунтиради. “Ҳар бир ташрифни биз, фарзандлари иштирок этишга қизиқиш кўрсатган ота-оналарни дастур билан таништиришдан бошлаймиз, - дейди у, - ва бунинг, шу маҳаллада ривожланаётган жамоа куриш жараёнининг бир қисми эканлигини эслатиб ўтамиз. Сўнг, биз дастурнинг асосий тушунча ва ғояларидан баъзиларини улар билан биргаликда кўриб чиқамиз. Бу ташрифлар туркумидан биринчиси бўлади ва умид қиламизки, суҳбатларимизнинг давом этиб бориши билан вақти келиб, оила нафақат гуруҳни турли йўллар билан фаол қўллайдиган, балки жамоа ўсмирларининг руҳий кучга тўлишининг тарғиботчисига айланади.”

Алехандра ва Беатрис ҳар бир оила билан кўтармоқчи бўлган баъзи саволларни муҳокама этишда давом этадилар. Улар ўзлари муҳим деб ҳисоблаган барча мавзуларни ёза бошлайдилар, чунки биринчи ташрифларда фақатгина улардан баъзиларини қамрай оладилар, қолганларига эса кейинги галларда мурожаат этиш мумкин бўлади. Мана уларнинг ўсмирлар салоҳияти ҳақида тузган фикрлар рўйхати:

- Инсон ҳаётида 12 дан 15 ёшгача бўлган уч йиллик давр, болаликдан балоғатга ўтиш босқичи бўлиб, ҳал қилувчи аҳамиятга эга.
- Бу ёшга тааллуқли бўлган ёшларни кўпинча “ўсмирлар” деб атаيمиз. Улар аллақачон кичик болалар эмас, аммо ҳали тўласинча вояга ҳам етмагандирлар.
- Афсус, ўсмирлар ҳақида уларни импульсив, қайсар, худбин ва инқирозга мойил гуруҳ деб қараш кенг тарқалгандир. Ҳолбуки, биз уларга бошқача нигоҳ билан қараймиз. Албатта, ҳаётнинг мазкур қисқа даври мобайнида биз жисмонан, эмоционал ва ақлий жиҳатдан тезлик билан содир бўладиган ўзгаришларни бошдан кечирамиз. Бунинг натижасида, биз маълум даражадаги ўжарликни намоён этишимиз ҳам тўғри. Аслини олганда эса, бу ёш улкан салоҳият ва истикболларга эга.

- Бизнинг ўзимиз ҳам, бундан бир мунча пайт олдин ўсмир бўлган эдик ва бундай ўзгаришларнинг бизга қандай таъсир этганини эслай оламиз. Баъзан шижоатли, баъзида эса уялчан эдик. Биз нималарни яхши эплай олишимиз ва қандай истёдоду қобилиятларга эғалигимизни тушунишга ҳаракат қилардик. Шунингдек, бошқаларнинг бизга қандай қараши ва бизнинг ғояларимиз ҳақида қандай фикрда эканлиги биз учун жуда муҳим эди.
- Бундай хатти-ҳаракатларнинг вақтинча характерга эғалигини тушуниш муҳимдир. Инсон ҳаётида, айнан, мана шу йиллар мобайнида муайян ақлий қобилиятлар тез ривожланади. Биз мавжудликнинг асосий ҳаётий саволларига жавоб ахтара бошлаймиз. Биз атрофимизда рўй бераётган ҳодисаларни таҳлил қила бошлаймиз ва ўзимизга ўргатилган нарсаларнинг кўпини саволга тутга бошлаймиз. Катталарнинг айтганини, айниқса, уларнинг сўзлари ва ишлари орасидаги тафовутни пайқаганда, аввалгидек сўзсиз бажаришга ҳозир бўлмаймиз.
- Ўсмирларга уларнинг янги қобилиятларини амалда самарали қўллашда ёрдам бермоқчи бўлсак, биз уларга болаларча муносабатда бўлишдан сақланишимиз керак. Мана, қандай сўзлар билан Абдул-Баҳо бу фаслни таърифлайдилар:

“Бир мунча пайтдан сўнг, у ёшлик палласига қадам қўяди, унда унинг аввалги ҳолати ва эҳтиёжлари унинг ривожланиш босқичига биноан янги талаблар билан сиқиб чиқарилади. Унинг кузатишга бўлган қобилияти кенгайиб ва чуқурлашиб боради, унинг интеллектуал қобилияти синалади ва уйғонади; болаликнинг чекловлари ва шарт-шароити унинг энергиясини бошқа тугиб туролмайди.”³⁵

- Баҳоий Эътиқодининг бошқарув органи, Умумжаҳон Адолат Уйи, ўсмирлар билан ишлашда биз танлаган услуб ҳақида шундай дейди:

“Дунёда мазкур ёшга оид гуруҳни муаммоли, жисмоний ва эмоционал ўзгаришлар азобида қолган, бепарво ва диққатини ўзида жамлаган гуруҳ деб таърифлаш тенденцияси мавжуд бир пайтда, баҳоий жамоаси ўзи қўлайдиган тил услуби ва ёндошувларида қатъиян қарама-қарши йўналишда ҳаракатланмоқда ва бунинг ўрнига ўсмирлардаги альтруизм, кучли адолат ҳисси, Коинот ҳақида кўпроқ билимга эга бўлиш ва яхшироқ дунё қуриш учун ўз ҳиссасини қўшиш орзусини инобатга олмоқда.”³⁶

Шундан сўнг, Алехандра ва Беатрис ўз эътиборларини руҳий куч бағишлов дастурининг ўзига қаратиб, унинг баъзи хусусиятларини аниқлашга киришадилар:

- 12 ёшдан 15 ёшгача бўлганлар, ўз фирқаларини баҳам кўриш, лойиҳалар устида ишлаш, спорт билан шуғулланиш ва ҳоказолар учун дўстлар гуруҳига тегишли бўлишга интиладилар. Шу боис, дастур “ўсмирлар гуруҳи” ғояси атрофида тузилган. Ҳар бири гуруҳ “етакчи” томонидан йўналтирилади, аксари ҳолларда, бу, ёши жиҳатидан улардан сал каттароқ бўлган ёш инсон бўлиб, у иштирокчиларнинг чинаккам дўсти сифатида, уларнинг қобилиятларини ривожлантиришда кўмаклашади.

- Гуруҳлар мунтазам учрашиб турадилар. Ўз учравушларида ўсмирлар, концепцияларни тадқиқ этишни, ҳамда ўз фикрларини кулгу бўлиш ёки танбеҳдан кўрқмаган ҳолатда изҳор этишни ўрганадилар. Улар тинглаш, гапириш, таҳлил қилиш, қарорлар қабул қилиш ва улар юзидан амал қилишга рағбатлантирилади.
- Биз кўплаб салбий кучлар ўсмирларнинг фикрлаши ва ахлоқига таъсир кўрсатадиган бир пайтда яшамокдамиз. Етакчилар уларга ушбу кучларни енгишда ёрдам берадилар, уларга наинки ўзларини жамиятдаги ахлоқий тушкунликдан муҳофаза этишга, балки дунёни яхшилаш учун меҳнат қилишларида ёрдамлашадилар.
- Дастур инсон руҳидаги пинҳон кучларни, яъни илк ўсмирлик чоғида тобора кўпроқ ва кўпроқ намоён бўлиб борадиган кучларни парваришlashга қаратилган. Айниқса, фикр кучи ва изҳор этиш кучи муҳимдир. Ёшлар ҳам олам ҳақида ва ҳам ундаги қандай ўзгаришларни кўришни исташлари ҳақидаги чуқур фикрларни изҳор этиш учун керак бўлган тил кўникмаларини ривожлантиришлари керак.
- Ўсмир ёшлар мақсадли ҳаёт кечириш учун асосий бўлган тушунчаларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритишга интилади. Бахт, умид ва комиллик, шулар жумласидандир. Афсуски, одамлар ушбу ғоялар ҳақида саёз равишда юзаки гапиришга мойилдирлар. Бу концепцияларни чуқур тушуниш ва уларнинг кундалик ҳаётда қандай ифода топишини англаш ёш ақлларга соғлом ахлоқий структурани барпо этишда ва жамиятдаги салбий кучларга қарши тура олишларида ёрдам бериши мумкин.
- Концепцияларни тушуниш, интеллектуал ривож учун муҳимдир. Баъзан, мактабда ўсмирлардан турли фанларга оид улкан ҳажмдаги маълумотни, унинг асосида ётган концепцияларни тушунишда уларга ёрдам кўрсатилмасдан ҳазм қилишлари кутилиши сабаб, улар қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Дастур уларни маълум ғоялар - ахлоқий, математик, илмий ва ҳоказо ғоялар ҳақида ўйланишга ундайди ва бу албатта, уларнинг мактабдаги ўзлаштиришини яхшилайдди.
- Ўсмир ёшлар нарсалар моҳиятини тушунишдек кучли иштиёққа эга. Улар ўз атрофида содир бўлаётган воқеаларнинг сабабларини англашни хоҳлайдилар. Бунда муваффақиятга эришиш учун улар нафақат жисмоний кўзлари билан, балки руҳий нигоҳ билан ҳам кўра олишлари керак. Шундай қилиб, дастурнинг муҳим қисми, бу руҳий зийракликни (қабул қилувчанликни) парваришlash: руҳий кучларнинг фарқлай олиш ва тўғри келган вазиятда руҳий тамойилларни ажрата билиш.
- Дастур ўз олдида турган мақсадларга - ахлоқлилик, руҳий зийраклик ва ўзини ифодалаш қобилиятларини ривожлантиришга - матнлар туркуми орқали эришади. Матнлар дунёнинг турли бурчакларидан бўлган ўсмир ёшлар ҳаётидан олинган содда ҳикоялардан иборат. Мазкур матнларни биргаликда мутолаа этиш, уларнинг мазмунини муҳокама этиш ва зарурий машқларни бажаришдан ташқари, ўсмирлар спорт билан шуғулланадилар, ҳамда санъат ва ҳунарни ўрганадилар.

- Ўз етакчилари ёрдамида гуруҳлар, шунингдек, дастурнинг асосий таркиби бўлмиш қатор хизмат лойиҳаларини амалга оширадилар. Бундай лойиҳалар туфайли ўсмирлар жамоа ва унинг эҳтиёжлари ҳақида ўйлашни, ўзаро маслаҳат ва ҳамкорликни ўрганадилар.
- Матн мавзулари турли-туман; улардан ҳар бири ўсмирлар руҳий қобилятини очиш учун керакли бўлган мавзуга бағишланган. Масалан, биринчи матнда “тасдиқ” мавзуси қараб чиқилади, яъни Оллоҳ бизнинг олийжаноб мақсадга эришиш учун қиладиган саъй-ҳаракатларимизни тасдиқлайди. Бошқа матн эса, “умид” ҳақида, яъни қандай қилиб биз ҳатто энг оғир вазиятда бўлмайлик, келажакка умид билан қарашимиз кераклиги ҳақидадир. Яна бир матнда эса, “комиллик” тушунчаси таҳлил этилади. “Шодлик” яна бир ҳикоянинг мавзуси бўлса, “сўз кучи” бошқа бирида мулоҳаза мавзусидир. Математик концепцияларга бағишланган матнлардан бирида, “тартибли онг одатлари” ўрганилади. Фанларга оид бўлган матнда асосий урғу - жисмоний, ақлий ва руҳий соғлиққа эътибор беришга қаратилган. Ўсмирлар уч йил давомида, шунга ўхшаш яна ўнлаб мавзуларни ўрганадилар.

Алеҳандра ва Беатрис ота-оналар кўришни хоҳласа, уларга кўрсатиш учун ҳар эҳтимолга қарши ўзлари билан бирга бир неча матнларни олишни режалаштирадилар. Агар сиз матнлар билан яхши таниш бўлмасангиз, эҳтимол сиз учун бир мунча вақт ажратиб иложи борица кўпроқ матнларни ўқиб чиқиш фойдали бўлиши мумкин, бу сизга жамоада бўлаётган турлича суҳбатларни яхшироқ давом эттиришда кўмаклашади. Бу орада сизга гуруҳингиз аъзолари билан биргаликда, 5-Китобда батафсил ёритилган юқоридаги ғояларни ҳар томонлама муҳокама этиш таклиф этилади. Бу китобни ўргангандан сўнг, сиз ўсмирлар гуруҳининг етакчиси бўлиб хизмат қилишга қарор қилсангиз, сиз мунтазам равишда унинг иштирокчиларининг оилаларига ташрифлар буюриб, улар билан мазкур мавзуларни ва уларга ўхшаш бошқа кўплаб ғояларни ўрганасиз. Ҳатто ҳозир ҳам, сиз Беатрисга ўхшаб, тажрибалироқ бирон киши билан биргаликда, ўз маҳаллангиздаги ўсмирлар хонадонига ташриф буюришни исташингиз мумкин.

15-БЎЛИМ

Эртаси куни Алеҳандра ва Беатрис маҳаллада ташкил этилган янги гуруҳга қўшилмоқчи бўлган уч ўсмирнинг хонадонига ташриф буюрадилар. Беатрис ота-оналарнинг ўсмирлар руҳий кучини очиш дастури ҳақида мароқ билан гапиришларини кўриб хурсанд бўлди. Кун охирида у шунга амин бўлдики, у Алеҳандрага ўсмирлар гуруҳи билан ёрдам беришни хоҳлайди ва ўзи ҳам, имкон қадар, янги гуруҳ учун етакчи бўлишни ўрганишни истайди. Бунинг учун, муайян муддат ичида бир неча Институт китобларини ўрганиши кераклигини у албатта, яхши тушунади. Ҳамда, у, ўз ўқишларини бугунга қадар уни олдинга силжишга олиб келган мунтазам маромда давом эттиришга қатъий шайланган.

Шундай қилиб, Алеҳандранинг доимий кўмак ва далдаси билан Беатрис хизмат йўлидан олға силжиб боради. Келинг, уларнинг ҳикоясига, бир неча ой ўтгач, у 3-Китобни тугаллаш арафасида бўлган пайтга қайтайлик. Унинг тўғарагининг олиб боровчиси, болалар машғулотини ўтказадиган ўқитувчиси Марибелдан, Беатрисни ва

унинг гуруҳидаги ўртоқларини ўзи билан биргаликда 1-Синфдаги болалар дарсига қатнашадиган болакайларнинг ота-оналарига ташриф буюрганда, уларни навбатма-навбат таклиф этишни сўрайди. Беатрис 3-Китобни ўтишдан кўп нарса ўрганганини ҳис этади. Шунингдек, у Алехандра томонидан ҳам бир неча марта айтиб ўтилганидан биладик, бу китобда ўрганган ғоялари, унга етакчи сифатида ўз қобилиятини чархлашда ёрдам беради.

Улар бирга йиғилганларида, Марибел Беатрисга Эмманинг ойиси олдига бирга боришларини айтади. “У ўқишни жуда яхши кўрадиган жажжи кизалок, - дейди Марибел. - Мен уларникида аллақачон бир марта бўлган эдим ва унинг ота-онасига болалар машғулотининг табиатини тушунтирдим. Улар Эмманинг иштирокини мамнунлик билан қўлладилар. Унинг ойиси дарслар ҳақида кўпроқ билиш истагини изҳор этди ва мен яна келиб, биз ўргатадиган материаллар асосида қандай тарбиявий ғоялар борлиги ҳақида сўзлаб беришни ваъда қилган эдим. Аслида, ўзим учун бир неча ғояларни ёзиб олган эдим. Хоҳласанг, биз уларни биргаликда кўриб чиқиб, улар устида сўз юритишимиз мумкин”. Беатрис розилик билдиради. Қуйида, улар мулоҳаза юритган ёзувлар келтирилган:

- Авваламбор, мен Мартинез хонимга синфимизда Эмманинг борлигидан бағоят хурсандлигимни ва унинг ажойиб фазилатларидан баъзиларини айтиб ўтаман.
- Суҳбатни, энг яхшиси Баҳоуллоҳ Битикларидан олинган парчани ўқишдан бошласак дейман:

“Инсонга қимматбаҳо жавоҳирлар тўла қонга қарагандек боқ. Фақатгина таълим-тарбия бу жавоҳирларни юзага чиқариши ва инсониятга уни ўз фойдаси учун қўллашида ёрдам бериши мумкин.”³⁷

- Сўнгра эса, мен, ўқитувчи сифатида бу сўзлар менга қандай таъсир этгани билан бўлишаман. Синфда ўқувчиларимга қараб, уларни жавоҳир тўла қон деб тасаввур этганимда, юрагим қувончга тўлишини айтаман. Уларнинг ҳар бирида самовий сифатларни намоён этиш салоҳияти бор. Уларнинг ҳар бирида кашф этиш ва ривожлантириш керак бўлган ўз иқтидор ва истеъдодлари бор. Улардан ҳар бири улғайиб, жамиятнинг кадрли аъзосига айланиши ва дунё фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.
- Кейин, балким, ҳар бир болада таълим-тарбия орқали очиладиган жавоҳирларга бир неча мисоллар келтиришим керак бўлар. Тафаккурнинг баъзи қобилиятларини эслаб ўтишим мумкин, мисол учун, табиат қонунларини кашф этиш, нафис санъат асарларини яратиш ва олижаноб фикрларни ифода этиш. Барча бу қобилиятларнинг болаларда фақатгина керак бўлган таълим берилганда ривожланиши мумкинлигини тушунтираман. Бироқ, бунинг учун улар илк болалик чоғидан бошлаб, муайян хусусиятларга эга бўлишлари керак. Масалан, улар зарур бўлганда диққат-эътиборли бўлишни, қунт билан меҳнат қилишни ва ўз бажараётган ишларида диққатни жамлай олишни ўрганишлари керак. Улар ўзгалар фаровонлигига ғамхўр ва жамиятга хизмат қилишни истайдиган кишилар бўлиб улғайишлари керак. Мана шунинг учун ҳам, болаликдан бошлаб уларнинг характери билан шуғулланиш ўта муҳим.

- Шу жойда, Мартинез хонимдан қизларининг қандай инсон бўлишини хоҳлашлари ҳақида бир неча ғоялар билан бўлишишларини сўрашимиз мумкин. Уларнинг фикрига кўра, Эмма учун қандай хислатлар муҳим?
- У киши санаб ўтган хислатлардан баъзилари, табиийки, руҳий сифатлар қаторига киради ва бу мен бошлайдиган навбатдаги мавзу бўлади. Ҳар бир инсон эгаллаши керак бўлган муайян хислатлар борлиги ва улар инсон мавжудлиги учун муҳим аҳамият касб этишини айтаман. Улар инсон руҳига тегишлидир. Биз юракларимиз ойнасини тозалар эканмиз, уларни ривожлантираамиз, шунда уларда Оллоҳ аломатлари акс этади. Буларни биз руҳий сифатлар, фазилатлар деб атаيمиз ва 1-Синф болалари учун дарсларимизда, биз асосан мана шу фазилатларга диққатни қаратамиз.
- Ўйлайманки, давом этиш учун 3-китобнинг 1-Синф дарсларида айтилган фазилатлардан баъзиларини шунчаки санаб ўтаман ва уларга мансуб иқтибослар билан бўлишаман. Эмманинг бу иқтибосларни, ҳамда дуолар ёд олишини ва у киши ундан уларни сўрашлари мумкинлигини айтаман:
 - Ишқ:
“Қалбинг боғида ишқ гулидан ўзгасин экма . . .”³⁸
 - Адолат:
“Адолат сўқмоғидан боргин, зеро у тўғри йўл.”³⁹
 - Тўғрисўзлик:
“Тўғрисўзлик барча инсоний фазилатларнинг пойдеворидир.”⁴⁰
 - Шодлик:
“Эй инсон ўғли! Чин қалбдан шодланки, мулоқотимга лойиқ ва Жамолимга ойна бўлурсан.”⁴¹

Марибел ва Беатрис юқорида келтирилган ғояларнинг бир ташриф учун етарли эканлигига иқдор бўладилар. Яқинда сиз ҳам 3-Китобни ўрганишга киришасиз ва Руҳи Институтининг болалар руҳий тарбияси учун мўлжалланган олти йиллик дастури асосида ётган баъзи тамойиллар устида фикр юритишга муваффақ бўласиз. Агар унганча, сиз учун бирон ўқитувчи билан биргаликда баъзи ота-оналар ҳузурига ташриф буюриш имкони туғилса, бу ерда изҳор этилган ғоялар фойдали бўлади ва ҳозир эса, уларни бирма-бир ўз ўқув гуруҳингиз билан муҳокама қилиш лозим.

16-БЎЛИМ

Аввалроқ, биз Абдул-Баҳонинг шундай сўзларини ўқиган эдик: “Биродарлик ва ҳамдўстлик ришталари қанчалик мустаҳкам бўлса, ижобий қобилиятлар, ҳамда, барча фаолият соҳасидаги ютуқлар шунчалик юқори бўлади”. Умумжаҳон Адолат Уйи бизга, хонадонларга ташрифлар буюриш ва ўз уйимизга таклифлар қилиш орқали, биз “жамоа

ҳиссини мустаҳкамловчи руҳий қардошлиқ ришталарини тўқиймиз” дейди. Шу боис, ушбу амалиётнинг ўсаётган жамоамиз маданиятига таъсирини қадрига етайлик.

Олдинги бўлимларда биз, бир-биримизнинг хонадонларимизга буюрган ташрифлар мобайнида ўрин олиши мумкин бўлган бир неча суҳбат турларини кўриб ўтдик. Барчамиз хизмат йўлидан одимлаб борар эканмиз, шахсий ва коллектив ҳаётимизда Баҳоуллоҳ тамойилларини тадбиқ қилиш ҳақида қишлоғимиз, маҳалламиз ва шаҳримиз миқёсида кенгайиб боровчи суҳбатларда қатнашамиз. Баъзида, бу суҳбатлар, кўпларга ўзларининг тамойиллар ҳақидаги тушунчасини кенгайтиришга имкон бериш учун ташкиллаштирилган, расмий ташрифлар туркуми ичида бўлиб ўтади. Бошқа кўпгина ҳолларда эса, институтнинг таълим дастурлари, уларнинг мақсади ва мазмуни, муҳокама мавзусига айланади. Дўсту-биродарларга етказиладиган жамоани қуриш жараёнида иштирок этиш таклифлари борган сайин кўпроқ ва кўпроқ янграб боради. Шунинг учун, келажакка ва олдингизда очилаётган хизмат йўлига қарар экансиз, китобнинг мазкур қисмида тақдим этилган материални яхши ўрганиш, ҳар бир мавзу юзасидан тажриба эгаллаш, ҳамда, Баҳоуллоҳ таълимоти ҳақида ўз билиmlарингизни янада чуқурлаштириш учун бор кучингизни сафарбар қилишингиз керак бўлади. Шу тариқа сиз, бошқалар билан илоҳий калом билан бўлишишдек бекиёс сурурга эга бўласиз.

REFERENCES

1. Bahá'u'lláh, *The Hidden Words* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2003, 2012 printing), Arabic no. 4, p. 4.
2. Bahá'u'lláh, in *Bahá'í Prayers: A Selection of Prayers Revealed by Bahá'u'lláh, the Báb, and 'Abdu'l-Bahá* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2002, 2017 printing), p. 4.
3. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1983, 2017 printing), IV, par. 1, p. 5.
4. *Ibid.*, V, par. 2, pp. 6–7.
5. 'Abdu'l-Bahá, in *Bahá'í Prayers*, p. 81.
6. *Ibid.*, p. 111.
7. *Ibid.*
8. From a talk given on 16 August 1912, published in *The Promulgation of Universal Peace: Talks Delivered by 'Abdu'l-Bahá during His Visit to the United States and Canada in 1912* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2012), par. 23, p. 364.
9. 'Abdu'l-Bahá, in *Bahá'í Prayers*, p. 130.
10. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, XLV, par. 1, pp. 111–12.
11. 'Abdu'l-Bahá, cited by Shoghi Effendi, *The World Order of Bahá'u'lláh: Selected Letters* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1991, 2012 printing), p. 139.
12. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, V, par. 5, p. 8.
13. From a talk given by 'Abdu'l-Bahá on 5 May 1912, published in *The Promulgation of Universal Peace*, par. 4, p. 128.
14. From a talk given on 21 October 1911, published in *Paris Talks: Addresses Given by 'Abdu'l-Bahá in 1911* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2006, 2016 printing), no. 6.7–8, p. 22.
15. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXLVI, par. 1, p. 357.
16. From a talk given by 'Abdu'l-Bahá on 5 May 1912, published in *The Promulgation of Universal Peace*, par. 4, p. 128.
17. *The Hidden Words*, Persian no. 44, p. 37.
18. *Ibid.*, Persian no. 66, p. 45.
19. From a Tablet of 'Abdu'l-Bahá. (authorized English translation)

20. From a talk given by ‘Abdu’l-Bahá on 25 September 1912, published in *The Promulgation of Universal Peace*, par. 2, pp. 478–79.
21. *Selections from the Writings of ‘Abdu’l-Bahá* (Wilmette: Bahá’í Publishing, 2010, 2015 printing), no. 43.1, p. 125.
22. *Ibid.*, no. 207.3, p. 360.
23. Bahá’u’lláh, in *Bahá’í Meetings: Extracts from the Writings of Bahá’u’lláh, ‘Abdu’l-Bahá, and Shoghi Effendi*, compiled by Research Department of the Universal House of Justice (Wilmette: Bahá’í Publishing Trust, 1976, 1980 printing), p. 3.
24. *Ibid.*
25. *Tablets of Abdul-Baha Abbas* (New York: Bahá’í Publishing Committee, 1916, 1930 printing), vol. 3, p. 631. (authorized English translation)
26. Bahá’u’lláh, in *The Kitáb-i-Aqdas: The Most Holy Book* (Wilmette: Bahá’í Publishing Trust, 1993, 2013 printing), par. 57, p. 41.
27. *Selections from the Writings of ‘Abdu’l-Bahá*, no. 48.1, p. 130.
28. From a letter dated 27 August 1989, published in *Messages from the Universal House of Justice, 1986–2001: The Fourth Epoch of the Formative Age* (Wilmette: Bahá’í Publishing Trust, 2010), no. 69.2, pp. 132–33.
29. *Ibid.*, no. 69.9–10, p. 135.
30. *The Hidden Words*, Persian no. 82, p. 51.
31. *Ibid.*, Persian no. 80, p. 51.
32. ‘Abdu’l-Bahá, *The Secret of Divine Civilization* (Wilmette: Bahá’í Publishing, 2007, 2016 printing), par. 46, p. 33.
33. *The Hidden Words*, Persian no. 49, p. 39.
34. Shoghi Effendi, cited in *Bahá’í News*, no. 13 (September 1926), p. 1.
35. From a talk given by ‘Abdu’l-Bahá on 17 November 1912, published in *The Promulgation of Universal Peace*, par. 3, p. 617.
36. From a message dated 21 April 2010, published in *Framework for Action: Selected Messages of the Universal House of Justice and Supplementary Material, 2006–2016* (West Palm Beach: Palabra Publications, 2017), no. 14.16, p. 82.
37. *Gleanings from the Writings of Bahá’u’lláh*, CXXII, par. 1, p. 294.

38. *The Hidden Words*, Persian no. 3, p. 23.
39. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXVIII, par. 1, p. 283.
40. ‘Abdu’l-Bahá, cited by Shoghi Effendi, *The Advent of Divine Justice* (Wilmette: Bahá’í Publishing Trust, 2006, 2018 printing), par. 40, p. 39.
41. *The Hidden Words*, Arabic no. 36, p. 12.